

36
У28

36

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
РЕСПУБЛИКА “МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ” КЕНГАШИ
ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ
“ИЖТИМОЙ ФИКР” МАРКАЗИ

“ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЯТ,
МАЪРИФАТ, ФАН ВА ЖАМОАТЧИЛИК
ФИКРИ”
(илмий-амалий семинарлар маълумотлари)



Тошкент — 2001

2033344

“Ўзбекистонда маънавият, маърифат, фан ва жамоатчилик фикри” – Тошкент, Жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” Маркази, 2001 й., – 176 б.

Мазкур тўпламда Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат комитети, Республика “Маънавият ва Маърифат” Кенгаши ва “Жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий Фикр” Маркази ҳамкорлигида 2000 йилда “Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиш хусусиятлари”, “Миллий хавфсизлик маърифати”, “Миллий маънавият-шахс қиёфаси” мавзуларида ўтказган анжуманларнинг маълумотлари жамланган.

Масъул муҳаррирлар: академик *Р.А. Убайдуллаева*
профессор *А.С. Бегматов*

Такризчилар: сиёсий фанлар номзоди *Н.Жураев*,
фалсафа фанлари доктори, профессор
И.Соифназаров.

МУНДАРИЖА

Суз боши	5
<i>Болиев А.</i> Миллатнинг маънавий камолоти ва фан	9
<i>Убайдуллаева Р.А.</i> Жамоатчилик фикри – миллий истиқлол мафкурасининг ифодаси	15
<i>Олимов С.</i> Шахс ва оломон	27
<i>Бегматов А.С.</i> Миллий маънавият ва истиқлол мафкураси	51
<i>Каримова В.</i> Миллий ўзлик ва шахс тарбиясининг психологик асослари	67
<i>Қуронов М.</i> Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш механизми ҳақида	74
<i>Қуронов М.</i> Ёшлар ва оила маънавиятида кутубхоналарнинг роли	82
<i>Ота-Мирзаев О.Б.</i> Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси	88
<i>Алимова Д.</i> Миллий истиқлол ғояси: тарих ва унинг сабоқлари	93
<i>Бекмуродов М.</i> Ўзбек менталитети ва миллий истиқлол мафкураси	107
<i>Қаюмов У.К.</i> Миллий ўзликни англаш (социологик тадқиқотлар натижаси)	115
<i>Иминова М.</i> Маърифат йўли оиладан бошланади	123

<i>Жакбаров М.</i> Миллий истиқлол ғоясининг узаги	127
<i>Калонов К.</i> Маҳалла ва жамоатчилик фикри	133
<i>Норбоев А.</i> Беруний хикматлари - ноёб хазина	144
<i>Муитов Д.</i> Ёшлар ва миллий истиқлол мафкураси	151
<i>Қосимов Э.</i> “Булиб ол ва ҳукмронлик қил” сиёсатининг мафкураси.....	158
<i>Мамажонова Н.</i> Маънавий мерос ва ёшлар камолоти муаммолари	166

*А. Болиев,
Республика Маънавият ва маърифат Маркази*

МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ВА ФАН

Жамиятнинг маънавий янгиланиши Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Чунки миллатнинг келажаги, кўп жihatдан, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси келажаги буюк давлат куришини ўз олдига мақсад қилиб қўйиш баробарида, маънавияти юксак шахсларни камол топтиришдек буюк вазифани бажаришга киришди. Ушбу мақсадга, энг аввало, жамиятдаги барча ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жараёнларни мувофиқлаштириш орқали эришилади. Халқимизнинг асрий орзуси бўлган озодликни қўлга киритган дастлабки кунларимиздаёқ халқ хўжалигининг барча соҳалари қаторида фан тараққиёти, айниқса, инсон маънавий камолоти ва салоҳияти даражасини белгилаш, унинг ривожланиш тарихини ўрганиш асосида ҳозирги ва келажак авлодлар камолотини таъминловчи заминларни яратиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Республикаимиз Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўллари ҳақида фикр юртар экан: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир, янгиланишнинг олий мақсади - анъаналарни қайта тиклаш, заминимизда тинчлик ва демокра-

тия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир”-деб таъкидлади. Бу бежиз эмас, зеро ҳозирги янгилашни ва ислохотларни изчил амалга ошириш жараёнида инсон омили, яъни жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтирмай туриб миллий юксалишни тўла таъминлаш қийин. Шу сабабли бу муаммони ечиш илмий асосга қурилди. Бу йўналишда барча ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан: фалсафа, психология, педагогика, тиббиёт, адабиёт, тарих, маънавият ва маърифат асослари, маданият-шунослик, инсон ва жамият, этнография фанлари ва шу соҳадаги тадқиқотчи олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Шунини таъкидлаш лозимки, жамиятда маънавият ва маърифатни тарғиб қилиш билан бевосита шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга эҳтиёж бор. Бунинг учун :

- Дастурнинг самарали ишлашини таъминловчи механизмни ишлаб чиқариш ва тезда жорий қилиш;

- Республика давлат ва нодавлат ташкилотларида маънавий-маърифий ислохотларнинг бориши ҳақидаги ҳисоботларни илмий таҳлил қилиб бориш лозим.

Модомики, гап маънавият ва маърифат ҳақида кетар экан, масъулиятнинг энг оғир юки раҳбар кадрлар, уларнинг маънавиятига, эътиқодига тушади. Зеро, кадрлар сиёсати, раҳбар кадрлар ҳақида гап кетганда, “кадрлар сиёсати давлатга хизмат қилиши керак”лиги, “раҳбар кадрлар фидойи, ватанпарвар бўлиши керак”лиги ўз-ўзидан кўриниб туради. Кўпинча, баҳслар шу билан тугайди. Янги жамиятимизга мос ва хос замонавий раҳбар кадрларнинг умумлашган маънавий сиймосини чизиш яқунланмай қолади.

Бунинг сабаби то шу пайтгача раҳбар кадрлар маънавиятини аниқ мезон, кўрсаткичлар орқали қайд қилишнинг имкони йўқлигида эди. Ваҳоланки, раҳбар

маънавияти муҳокамасига жиддий ва илмий ёндошмоқ керак. Чунки гап турли даражаларда, давлат номидан қарор қабул қилувчи, талаб қўювчи, давлат маблағини сарфу тақсим қилувчи мансабдорлар ҳақидадир. Давлатнинг мақсад ва имкониятларини халққа уқтириб, давлат ислохотчилигида яратувчан меҳнатга уюштира олган раҳбар яхши раҳбардир. Бу - Ватаннинг ҳар бир катта-ю кичик раҳбарларига даъват десак арзийди.

Раҳбар маънавиятини талқин қилишда, купинча, бадий, публицистик ёндошув устуворлик қилмоқда. Яъни “маънавият” сўзи, албатта, ижобий нисбат бериб идрок қилинмоқда. Ваҳоланки, ҳолис, илмий ёндошилса, “маънавият” тушунчаси - “маънолар мажмуи” демакдир. Халқ маънавияти - халқдаги, раҳбар маънавияти - раҳбардаги инсонийлик мезони, шоншараф, ор-номус, поклик ва олийжаноблик ҳислатларининг муайян даражасидан иборат. Маънавият даражаси пасайиши, кутарилиши мумкин. Республикамизда миллат маънавиятини тиклаш, юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар шундан далолат беради.

Ўзбекистонда бу масалада равшан йўл танланди. Бу ҳам бўлса, ажодлар маънавиятига боғланиш, ворислик асосида инсоний фазилатларни такомиллаштиришдир. Маънавиятнинг бундай тикланишини, давоматини, такомилини халқ, аввало, жойлардаги раҳбарларда, мансабдорларда қўриши керак. Ана шунда раҳбар кадрлар маънавият тарғиботчиларига айланадилар.

1999 йил 3 сентябрда Президентимизнинг Фармони билан Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ташкил қилинди. Кенгашнинг вилоят бўлимлари, Маънавият ва маърифат хоналари ишламоқда. Улар тадбирлар, учрашувлар, конференциялар, семинарлар ўтказиб, китоб, буклетлар чиқармоқдалар. Амалга оширилаётган маънавий-маърифий иш услублари, Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг фаолия-

ти илмий асосга қурилмоқда. Шу сабабли ташкилий, амалий, илмий-услубий, ҳудудлар билан ишлаш, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар, каби янги йўналишлар ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган маърузаси юзасидан алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва шу асосда иш олиб борилди.

Марказнинг ФТДК билан ҳамкорлиги учун мустақам замин мавжуд. Шу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги ПФ-2612-сонли Фармони 3-иловаси (Маънавият соҳасида) 2.1-бандига асосан Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қошида “Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафқураси концепцияси”ни тадбиқ этувчи 13 та илмий-методик Кенгаш тузилди ва улар иш бошлади. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қошида Миллий мафкура илмий тарғибот Маркази ташкил этилди, рўйхатдан ўтказилди, фаолият кўрсата бошлади. Унинг асосий вазифаси - миллий истиқлол мафқураси тарғиботи учун зарур назарий, илмий-амалий ва илмий-методик дастурлар, қўлланмалар тайёрлаб, нашр этиш ва тарқатишдан иборат.

Ҳозиргача жами 22-23 минг киши хузурида маънавият ва маърифат, миллий ғоя ва миллий мафкура билан боғлиқ мавзуларла учрашув, суҳбат, жонли мулоқот ва маърузаю, баҳс-мунозаралар қилинди. Бу тадбирларни уюштириш ва ўтказишда пойтахтдаги пешқадам зиёлилар, етук мутахассислар - сиёсатчилар, олимлар, миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботининг фидойилари ҳисса қўшди.

Маънавий-маърифий тадбирлар мажмуида вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ижтимоий ишлар ҳамда хотин-қизлар ишлари бўйича муовинлари, ижтимоий комплексга алоқадор барча идоралар раҳбарлари вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари-

СУЗ БОШИ

Жаҳон халқлари, мамлакатлар янги минг йилликка қадам қўйдилар. Утган XX аср инсониятнинг сўнгги беш минг йилдаги тарихи, ижтимоий-маданий тажрибаси жараёнларининг ўзига хос яқуни, бунёдкорликка тула фаолиятларининг барақали ҳосиласи сифатида меросимизга айланди. Дунё утган аср мобайнида бир неча бор туб ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирди. Илм-фан тараққиётнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи, ҳал қилувчи омилига айланди. Фан ўзининг реал имкониятлари орқали жамият ҳаётини яхшилаши, уни фаровонликка олиб келиши, кишилар турмуш тарзи сифатини ошириши мумкинлигини аниқ тажрибаларда кўрсатиб берди.

Айни вақтда илм-фан тараққиётининг тезкор ривожини, айниқса, унинг ижтимоий зарарли мафқуралар, ғаразли ва худбинлик мақсадлари йўлида хизмат қила бошлаши фан билан жамият ўртасида номувофиклик вазиятини юзага келтириши, ижодкорлик, яратувчанлик фаолиятларининг мантиқига мос келмай қолиши, инсониятни танглик ҳолатларига солиб қўйиш хавфини ҳам туғдирмоқда.

Хусусан, утган аср қиёфасига қора доғ бўлиб тушган атом бомбаларининг инсониятни вахшиёна қириш учун қўлланилиши, ер ости ва устидаги ядро портлатишлари, дунёдаги юзлаб атом электр станцияларининг ялпи маънавий “кексариб” бораётганлиги ва ундан химоя чораларининг ишончли эмаслиги, кимёвий моддаларни меъёрсиз қўллаш оқибатида экологияга келтирилган мислсиз зарарлар, айниқса, атмосферамининг юқори қатламида юзага келган озон туй-

нуклари ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу боисдан ҳам XXI асрда инсоният онгли фаолиятининг бош вазифаларидан бири — илм-фан тараққиётини минтақалараро ҳамда давлатлараро тизимий ривожлантириш. уни мақсадли бошқариш бўлса, иккинчиси-фан ривожини умуминсоний тамойиллар доирасида ҳамда маънавий мезонлари асосида йуналтириш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда истиқлол йўлининг дастлабки йиллариданоқ илм-фан тараққиётига мамлакатни ялпи юксалтиришнинг устувор йуналиши сифатида ёндошиб келинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида йирик илмий марказ ҳисобланади. Юртимизда барча соҳалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган моддий асослар, бой илмий адабиёт фондлари ҳамда чуқур тайёргарликка эга бўлган малакали илмий кадрлар захиралари мавжуд. Мамлакатимиз олимлари амалга ошираётган серқирра илмий ижодий фаолият бугун дунёда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон илм-фани нафақат мамлакатимиз ички эҳтиёжлари учун кенг қўламдаги ижтимоий зарурати катта бўлган илмий-тадқиқот ишларини амалга оширмоқда, балки бутун жаҳон фани тизимининг ажралмас ва муҳим бўғини сифатида самарали фаолият юритмоқда. Республикамиз Президенти Ислам Каримов жаҳон даражасида муваффақиятли илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган илмий мактаблар қаторида математика, эҳтимоллар назарияси, моделлаштириш, геологик жараёнлар қонуниятларини ўрганиш, молекуляр генетика, ген-хужайра инженерияси, биотехнология, моддаларнинг комплекс физик-химиявий хоссаларини ўрганишга оид тадқиқотлар билан бирга жаҳон ва мамлакатимиз тарихини, Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий меросини, ўзбек тили, адабиёти ҳамда халқ оғзаки ижодининг тарихий ва ҳозирги ривожланишини ҳар томонлама тадқиқ этиш билан боғ-

лиқ илмий-тадқиқот йўналишларини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Дарҳақиқат, ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари бугунги ўзгараётган замон, жаҳонда жадал кечаётган глобаллашув жараёнлари, хилма-хил мафкуравий таъсирлар доирасида фавқулодда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Инсониятнинг ўзини ўзи асраши, биологик ҳамда интеллектуал потенциалини сақлаб қолиши, тинчликни химоя қилиш шартлари кишилик жамиятининг нечоғли ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқдир. Ана шундай шароитда аҳоли турли табақалари онги, тафаккурини ўзгартириш, уларни мафкуравий тайёрлаш, Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Ўз ақл-заковатимиз, илмий-техникавий салоҳиятимизни ривожлантириш мамлакатимизни барқарор тараққий эттириш омилдир”.¹

Ана шу устувор масалаларни илмий-назарий тадқиқ этиш, истиклол мафкурасини шакллантириш, уни ҳаётга жорий этиш, аҳоли турли табақалари онгига сингдириш муаммоларига бағишланган мазкур илмий тўплам мамлакатимизнинг кўзга кўринган олимлари ҳамда иқтидорли ёш олимлар томонидан яратилган бўлиб, унда бугунги ижтимоий тараққиётимизнинг қатор долзарб муаммолари илгари сурилади. Китобдан ўрин олган мақолалар фақат миллий ғоя моҳияти, ижтимоий ўрни, онгдаги ўзгаришлар жараёнини тушунишнинг тайёр тавсиялари бўлмасдан, улар мазкур жараёнларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ илмий баҳс ва мунозараларга чорлайди, янги-янги фикрлар ривожига йўл очади. Ўзгараётган замон дав-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон, 1997, 267-бет.

римиз кишиларидан юз бераётган жараёнларга масъулият билан ёндошишни, бор куч-гайратларини тула сафарбар этишни, истиклол йўлини мустахкамлашда собитқадамлик билан олға интилишни талаб этади. Ижтимоий фаоллик, юксак масъулият, тафаккур ривожи, ақл-заковатнинг юксалиши илм-фан тараққиётига, пировард натижада эса, мамлакатнинг умумий раванкига, шубҳасиз, йўл очади.

*П. К. Ҳабибуллаев,
Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат
комитети раиси, академик*

нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий қилинди.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг мувофиқлаштирувчи тизими ишлаб чиқилди ва шу асосда Кенгашга аъзо ташкилотлар билан ҳамкорлик механизми ишлай бошлади. Бу механизм Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, барча шаҳар ва туманларда ҳам жорий этилди.

Марказда "Воизга ёрдам" туркуми остида маъруза матнларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Султонмурод Олимнинг "Халқ таянадиган куч", Убайдулла Уватовнинг "Имом Могуридий таълимоти моҳияти", мавзуидаги маърузалари, Муҳаммаджон Куроновнинг "Мафкура, тарғибот ва таъсирчанлик" мавзусидаги илмий-услубий тавсиялари матни нашрга тайёрланди. Шамсиддин Жумаевнинг "Шиорларимиз" (Президент Исом Каримов илгари сураётган ғоялар асосида) китобчалари нашр қилиниб, тарқатилди.

Маънавий-маърифий ишларни илмий-амалий асосга қўйишни кенгайтириш мақсадида Бухоро вилояти бўлими қошида ижтимоий тадқиқотлар маркази ташкил этилди. "Жамият ва маҳаллий ҳокимият органлари", "Ёшлар ва Шарк маънавияти" ижтимоий сўровлари ўтказилди.

Хуллас, Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий сиёсати янги илмий-амалий босқичга кирди. Бу эса миллатнинг маънавий камолотини изчил, аниқ мезонлар асосида таъकेлажакни буюк характер, орият, жўшқинлик, давомли меҳнат яратади. Бирлашган миллат бу даражага аста-аста, лекин тўхтамай етиб боради. Бунинг учун миллатни ўзини ўзи тарбиялашга ўргатиш лозим. Ҳар куни, ҳамма жойда, Ўзбекистоннинг ҳар бир квадрат метрида ҳар бир ўзбекистонлик бозордаги чайқовчи, қалбаки тарозида тортаётган оқ сутга сув қўшаётган, бензинга солярка қуйиб сотиб, ҳам машинангиз, ҳам асабингизни ишдан чиқараётган; автобус-

да бировнинг чўнтагига “тушаётган”, кўчада бир нотаниш қизга шилқимлик қилаётган, ёнида тик туриб кетаётган мўйсафидни “қўрмаслик” учун биноларни кузатиб кетаётган ёш йигит-қиз ватандошимизга “Сизга нима бўлди? Ундай қилманг” дея олиши керак. Шунда Қонунни, миллий бурчини бузаётган ватандошимизнинг 1,2,5,10 юртдоши танбехидан иззаси орта боради. Инсофга барибир қайтади. Ундаги миллий виждон ишга тушади. Нафс мағлуб бўлади. Қонуннинг устуворлиги янада юксалади. Қонунбузарлик, меъёрбузарлик чекинади, йўқолади. Ўзбекистонликлардаги ирода, ўзаро ишонч, хурмат, самимият янада яққол, ҳар куни, ҳамма жойда бизни хушнуд қилаверади. Ўтқинчи иқтисодий муаммолар тез, енгил ечилиб кетаверади. Ўзимизнинг кучли жамиятга айланганимиздан қувонамиз, албатта.

Ўзбеклар ҳеч нарсада ҳеч кимга таҳдид қилмайди. Уларга ҳам Аллоҳ ота-боболаридан қолган, ҳеч ким тортиб ола олмаган, ололмайдиган ақл берган.

Р.А. Убайдуллаева
“Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ
фикрини ўрганиш Маркази

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ - МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ ИФОДАСИ

Мустақиллик қўлга киритилганидан бери ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар юз бергани ҳеч кимга сир эмас. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий фаоллиги ошди, ижтимоий ривожланишнинг демократлашуви жараёни қўзғатилди; кўп укладли, ижтимоий – йўналтирилган иқтисодиёт таркиб топди, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шартшароитлар яратилди; иқтисодиётни, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш амалга оширилди ва бозор инфратузилмаси таркиб топди, аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш пухта қафолатланди, жамиятнинг маънавий-ахлоқий уйғониши бошланди.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда тарихий тараққиёт учун туғри йўл танланганидан дарак беради. Ушбу йўл мустақиллик ва жамият асосларини эркинлаштиришдир. Бу борада кўп нарса мамлакатимизда истиқомат қилувчи халқларнинг жипслиги ва бирдамлигига боғлиқ бўлади. Фуқароларимиз Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, мамлакатимизнинг келажаги порлоқ бўлиши учун ислохотларни изчил давом эттиришлари, бу билан мамлакат ва унинг келажаги бўлган фарзандлари камолини ўйлашлари катта аҳамиятга эга. Шу йилнинг 6 апрелида Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов бу йўлда бизни муҳим қадамлар қўйилиши кутаётганлигини

алохида таъкидлади. Мазкур йиғилишда Юртбошимиз жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий мафкура хусусида атрофлича тухталиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётга жорий этиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Президентимиз бугунги инсоният тарихида ўхшаши, андозаси бўлмаган мураккаб бир даврда нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам янгилашиш, ўзгариш жараёни кечаётганлигини алоҳида тилга олдилар. Миллий мустақиллик, озодлик йўли, эркин ҳаёт қуриш аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўҳна тарихдан ҳам, яқин ўтмишимиздан ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин. Шу боисдан чуқур ўйланган ва аниқ ишлаб чиқилган мафкурага эга бўлишимиз лозим. Бу мамлакатимиз тарихини белгилашда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу нарсани жаҳон тараққиёти тажрибаси яққол тасдиқлайди. Ҳозирги кунгача миллий мафкуранинг асосий жиҳатлари ишлаб чиқилган. Улар ҳаётда ўз ўрнини топмоқда. Мамлакатимиз демократик тараққиёт йўлини танлаб олди, дунёвий юксалиш йўлига ўтди, бозор иқтисодиёти таркиб топмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. “Шу билан бирга, - деб таъкидлади юртбошимиз, - жамиятимизда баъзи бир одамлар ана шу жараёндан четда қолмоқдалар. Бундан биз тегишли хулоса чиқариб олишимиз лозим”. Юртбошимиз асосий диққат-эътиборни яна бир бор мамлакат келажаги бўлган ёшларга қаратдилар. “Биз учун мана шундай вазиятда ёшларимиз сохта ғояларга ўраллашиб қолаётганликлари катта хавф туғдиради”, - дедилар. Биз қандай ғоя ва мафкура асосида вояга етаётган авлодни тарбия қилишимиз, қандай мафкура ва фикрлар билан қуролланишимиз муҳим аҳамият касб этади. Айтилган фикрларнинг ҳаммаси жамият ҳаётида миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Оксаройда ўтказилган миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз миллий мафкура концепцияси кўп асрлик анъаналар, халқимизнинг урф-одатлари, тили, дини, миллий қадриятлари, дунёқараши ва одамларнинг идрок этишларига асосланиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бирга, миллий мафкура замонавий умуминсоний қадриятлар ва ютуқларни қамраб олиши; мамлакатимизда тинчлик ва тотувликка, Республикаимизнинг гуллаб-яшнашига, халқ манфаатлари ва ривожланишига хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон айти пайтда янги сиёсий тузум таркиб топаётган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараёнда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар юзга келмоқда. Давлатнинг ўз фуқароларига муносабати ўзгариши жараёни юз бермоқда. Бу ҳол, сўзсиз, фуқароларнинг ҳам ўз мамлакатлари ва давлат ишларига муносабатлари ўзгаришини тақозо этади. Шу боисдан аҳолининг аксарият қисми Ўзбекистонни фақат туғилиб ўсган юрти, яшаш жойи деб қарамай, ўзларини дунё миқёсида ўз ўрнига эга бўлган эркин, буюк мамлакат фуқаролари деб ҳисобламоқдалар. Бу эса ватанпарварликнинг ўзига хос янги кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаётий ватанпарварлик позицияларини шакллантиришда “Ижтимоий фикр” тадқиқот Маркази зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Ушбу Марказ Ўзбекистонда ижтимоий жараёнларнинг таркиб топиши, бошқарув ва одамлар тафаккурида юз берадиган ўзгаришларнинг намоён бўлиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларининг таркиб топишида муҳим аҳамият қасб этади. Марказ томонидан жамоатчилик фикри методологик асослари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилади.

Ана шу талаблардан келиб чиқкан ҳолда миллий мафкура концепцияси таркиб топади. “Ижтимоий

ЎЗБЕКИСТОН ЗАЛ

KUTUBXONA
TEA

фигр” Маркази, шунингдек, миллий ўз-ўзини идрок этиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар, аҳолининг ижтимоий-демографик ҳамда этник гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг шахсий ҳаётий нуқтаи назарларини аниқлаш, шунингдек, минтақавий жиҳатлар бўйича тадқиқотлар олиб боради. Бугунги кунда авлодлар алмашинуви, ёшларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, ижтимоий-демократик жиҳатлар назарда тутилган ҳолда тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Марказ томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар натижалари миллий мафкура концепцияси таркиб топишида муҳим аҳамиятга эга. Миллий мафкура концепцияси, биринчи навбатда, мустақил Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликка асосланади. Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузаларида, бу ҳолат сўнгги йилларда эришилган энг катта муваффақият, деб баҳоладилар. Ана шу қадриятларни англаган ҳолда, уларга алоҳида аҳамият берилиб, Ўзбекистондаги кўп миллатли халқ кун сайин ўз дунёқарашини ўзгартириб бормоқда. Буни фуқаролар ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам яққол кўрсатади. Кўпчилик фуқаролар Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни биринчи даражали қадриятлар қаторига қўйишган. 1999 йилнинг феврал воқеаларидан олдин кўпчилик фуқаролар инсон ҳуқуқлари таъминланиши, иқтисодиётнинг мустаҳкамланиши, таркиб топиши ва ижтимоий ҳимоя кучайтирилишини бош вазифа деб эътироф этган эдилар. Аҳоли ўртасида ўтказилган сўнгги сўров натижалари шунини кўрсатдики, мамлакатимиз фуқароларининг кўпчилиги Ўзбекистонда тинчликни таъминлаш, осойишталик ва тартиб-интизомни энг муҳим вазифа деб тилга олмоқдалар. Жавоб берганларнинг 66,6 фоизи Республика раҳбарияти ана шу вазифанинг урдасидан муваффақиятли

равишда чиқаётганлигини билдиришган. Айни шу нарсалар фуқаролар фикрларида ўз аксини топган. Сўровда жавоб берганларнинг 97,5 фоизи Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликка эришишда Президент Ислам Каримов хизматларини юқори баҳолаган.

Бугунги кунда Республикамизда истиқомат қилувчи барча аҳолининг миллий ўзини-ўзи идрок этиши ривожланиб бормоқда. Бу ижтимоий соҳада ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Ана шу жараён мамлакатимиздаги барча этник гуруҳларнинг ягона позициялари юзага келаётганлигини ифодалайди. Президентимиз Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида ўтказилган йиғилишда миллий мафқуранинг муҳим бўғини бизнинг мамлакатимиз фуқаролари фикрларида, ғояларида, ўзини-ўзи идрок этишида намоён бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларни қадрлаш ва уларни қайтадан тиклаш хиссини уйғотиши керак. “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар аҳолининг барча қатламлари бу фикрларни маъқуллаётганини кўрсатди: сўралганларнинг 41,4%и эса “ўз халқлари ва унинг қадриятларига содиқ эканликларини” билдиришган.

Шу билан бирга, тадқиқот натижалари фуқароларнинг ўз-ўзларини англашлари, давлат томонидан қўйилган вазифаларга асосан тил, маданият, урф-одат ҳамда Ўзбекистонда яшовчи барча халқлар манфаатлари йўлида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўзига хос тўсиқлар борлигини кўрсатди. Булар ижтимоий соҳада анчадан бери урф бўлиб қолган иллатлар, ҳаётни идрок этишда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби салбий ҳолатлардир. Сўровда жавоб берганларнинг 41,2 фоизи ўзларининг у ёки бу уруғ-аймоққа ёки авлодга мансуб эканликлари муҳимлигини таъкидлашган. Аёлларнинг 43,8 фоизи, эркакларнинг 38,5 фоизи шу иллатларга мойилликлари аниқланди.

Мамлакатимизда истиқомат қилувчи халқлар миллий дунёкарашида тил муҳим аҳамият касб этади. Бу борада тил халқларни ўзаро бир-бирига боғловчи кўприк эканлигини жавоб берганларнинг кўпчилиги (яъни 65,4 фоизидан 71,3 фоизигача) эътироф этишган. Шундай экан, мамлакатимизда давлат тилини янги-янги соҳаларга тадбиқ этиш ва йўналтириш борасидаги фикрлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жавоб берганларнинг 80,5 фоизи давлат тилини ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар ва жараёнларни қўллаб-қувватлаганлар. Агар аниқроқ фикр юритадиган бўлсак, 58,1 фоиз жавоб қайтарганлар ўзбек тилида сузлашиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун шарт-шароитни яхшилаш ва имкониятларни кенгайтириш лозимлигини таъкидлашган.

Одамлар миллий онгининг ривожланишида ҳар бир фуқаро ўзининг ўзбек халқининг бир қисми эканлигини англаши, ўз халқи билан фахрланиши, унинг тарихи ва маданиятини билиши ҳамда Ўзбекистоннинг келажакига ишончи миллий мафкура асосини ташкил этишини теран англаб етиши лозим.

Миллий мафкура концепцияси таркиб топишида фуқароларнинг миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, жиқслиги алоҳида аҳамият касб этади. Кўпчиликнинг фикрича, бунда фуқаролик муҳим аҳамиятга эга. Суровда жавоб берганларнинг 65 фоизи ўзларини биринчи навбатда мамлакат фуқаролари – ўзбекистонликлар деб ҳисоблайдилар. Бу борада кишлоқ аҳолисининг 68,8 фоизи, шаҳар аҳолисининг 61 фоизи ана шундай фикрдалиги аён бўлди. Ушбу маълумотлар бизга “ўзбекистонликлар” умуммиллий жамоаси таркиб топайтганидан дарак беради. Унга Республикаимизда истиқомат қилувчи барча этник гуруҳлар вакиллари кирадилар.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганларидек, миллий мафкура концепциясида ёшлар тарбиясига

алохида эътибор берилиши керак. Улар ўз Ватанларига мухаббат, давлат рамзларига хурматда булишлари керак. Давлат рамзлари мадхия, герб, байроқ булиб, уларга олий кадрият сифатида қараш ватанпарварликнинг асосий кўринишларидандир. Бу борада ҳам ўзига хос сўров ўтказилди. “Сиз Ўзбекистон байроғини кўргангизда, давлат мадхиясини эшитгангизда нимани хис этасиз?” деб берилган саволга жавоб берганларнинг 74,2 фоизи ўз мамлакатлари ва халқлари билан фахрланиш туйғусини хис қилганликларини баён этдилар. Ватанпарварлик шу нарсада намоён бўладики, жавоб берганларнинг 78,4 фоизи Ўзбекистонни ўз Ватанлари деб биладилар. 90 фоизи эса бошқа мамлакатда яшашни истамасликларини таъкидлашди. Улар учун дунёнинг ҳеч бир мамлакати Ўзбекистондан устун эмас.

Миллий ғоянинг асосий кўринишларидан бири миллий истиқлол мафкурасида миллий анъананинг энг яхши жиҳатлари акс этишидир. Булар умуминсоний кадриятлар билан бирга фуқаролар миллий характерининг шаклланиши ҳам ҳисобланади. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг фикрича, миллий ғоя таркибида икки муҳим жиҳат- асрий анъаналар, халқнинг урф-одатлари, унинг тили ва дини, маънавияти, миллий кадриятлар ва халқнинг фикрлаш тарзи ҳамда замонавий умуминсоний кадриятлар муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижалари шу нарсани яққол тасдиқладики, оила, унинг тотувлиги ва барқарорлиги, болаларга ғамхўрлик ва улар тарбияси умуминсоний кадриятлар ҳисобланиб, одамларнинг ҳаётий позицияларини, уларнинг ижтимоий орзу-умидларини ифодалайди. Жавоб берганларнинг 59,2 фоизи оилани ўз ҳаётларининг асоси деб ҳисоблайдилар, 21,1 фоизи яқинлари ва қариндош- уруғларини тилга олишди. Бошқалар эса оила тушунчасига алохида эътибор қаратадилар. Сўровда жавоб берганларнинг 92 фо-

изи ўз ҳаётларини оиладан ташқарида тасаввур эта олмасликларини билдиришади. Шундай экан, оила ўзбек халқи учун энг юқори миллий ва умуминсоний қадриятга эга. Оила жамиятнинг асосий қисми ҳисобланади. Шу боисдан миллий истиқлол мафқураси концепциясини ишлаб чиқишда оиланинг мақоми, аҳволи муҳим ўрин тутиши керак. Оиланинг жисмоний ва моддий аҳволи, унинг ҳар томонлама таъминланиши ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳар томонлама ишлаб чиқилган миллий истиқлол мафқураси тарихий илдишларга бориб тақалиши, ўзида қуп йиллар давомида халқнинг тарихи, урф-одатлари, беқиёс маънавий ва маданий меросини ва бу жараёнда тупланган тажрибани мужассам этиши лозим.

Жамиятда меҳнатга муносабат ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жавоб берганларнинг 46,7 фоизи ўзларининг меҳнатга муносабатларини мана бундай ифодалайдилар: “Меҳнат- ҳаётнинг бош мезони, инсон меҳнат қилар экан, у тирик, у одам ҳисобланади” ва “Одамларга фойда келтиради, ўзи ҳам жамиятга фойдали бўлади, одамларга қувонч бағишлайди, уларнинг ҳаётларини енгиллаштиради”. Ана шу кўрсаткичлар ўзбекистонликларнинг ахлоқий қарашларида меҳнат масаласи муҳим ўрин тутишидан дарак беради.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин, Шўролар ва Чор Русияси истибдодидан аввалги ўзини-ўзи бошқариш органлари янги асосда таркиб топиб бормокда. Гап бу ерда маҳаллалар ҳақида бораётир, улар халқимизнинг асрий анъаналари ва урф-одатларини ўзларида мужассам этганлар. Миллий мафқура концепцияси ишлаб чиқилишида маҳаллаларда тупланган барча тажриба, бошқаришнинг илғор усуллари ўз аксини топиши керак. Бу борада ўтказилган сўров натижаларига назар ташланса, Республикамизда истиқомат қилувчи аҳолининг аксарияти маҳаллалар ўз ҳаёт-

ларида муҳим ўрин тутишини таъкидлашган. Фоизларда бу 64,7 ни ташкил этади. Жавоб берганларнинг 89,3 фоизи маҳаллалардаги урф-одатларга амал қилишларини билдиришган.

Миллий истиқлол мафқураси концепциясини ишлаб чиқиш бизнинг жамиятимиз ўз бошидан мураккаб жараёни кечираётган даврга тўғри келмоқда. Бундай ҳол тарихда учрамаган. Янгиланиш жараёнлари фақат иқтисодий ҳаётда эмас, бизнинг фикримизда, қарашларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Жамиятимиз тарихий ва ижтимоий умидбахшликнинг катта заҳираларига эга. Бу эса мамлакатимизда ахлоқий соғлом жамият таркиб топишида муҳим аҳамият касб этади. “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига қараганда, фуқароларнинг 95,2 фоизи ҳаётда ўз мақсадларига, орзу-умидларига эга эканликларини, “оиладаги тотувлик ва соғлом оилани, фарзандлари гарбияси билан шуғулланишни таъкидлашган . 79,6 фоизи эса ана шу мақсадларга шубҳасиз эришишларини айтишган. Сўров ва олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жавоб берганларнинг кўпчилиги ҳаётга умид билан қарайдилар ва ўз кучларига ишонадилар.

Шу ўринда ёшларнинг ўткир муаммоларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Жамиятда ёшлар муҳим ўрин тутадилар. Улар ҳар қандай мамлакатнинг келажаги, моддий ва маънавий қадриятлар вори си ҳисобланишади, уларга ота- боболаридан шу нарсалар ўтади. Бу ҳол авлоддан-авлодга давом этиб келади. Ҳар қандай жамиятда авлодлар давомийлиги, инсоният тарихи, тараққиёти ёшлар орқали амалга ошади. Шундай экан, ёшлар қандай ғояларга эга бўлиши, уларга содиқлиги, ахлоқий меъёрлари, иқтисодий масалаларга муносабати, сиёсий ва демократияни қандай англашлари ҳар қандай мамлакатда тарихий ривожланиш йўналиши ва суръатини, унинг узлуксиз-

лигини белгилаб беради. Аввалги ғоявий йўналишлардан ва сиёсий принциплардан воз кечиш; уларнинг ғоявий бўшлиғи, жамиятда ёшларни чалғитиши, ахлоқий қадриятлар ўз аксини топмаганлиги ва жиноятчилик ўсишига олиб келиши эътибордан четда қолдирилмаслиги керак. Мамлакатимизда ана шу муаммоларни ҳал этиш зарурлигини Президентимиз ҳар томонлама кўрсатиб берганлар. Юртбошимиз: “Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш масаласида асло сусткашликка йўл қўймаслигимиз керак. Ёшлар масаласида юритиладиган сиёсат бизнинг миллий манфаатларимизга мос келиши керак. Бу борада ғоявий бўшлиққа ҳеч қачон йўл қўйилмаслиги лозим”, - деган эдилар. Мустақиллик ва истиқлол душманлари баъзи ёшларимизнинг ғоявий субутсизлигидан ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай шароитда ҳар томонлама ўйлаб ишлаб чиқилган ва илмий асосланган миллий истиқлол мафқураси муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар жамиятнинг бир бўлаги, асосий қатлами экан, уларда, уларнинг қарашларида жамият, сиёсат, ижтимоий - иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ўзгаришлар намоён бўлиши табиий. Мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар уларнинг эътиборидан четда қолмаслиги лозим. Ўтмиш қарашлари, унинг мероси, мафқураси ёшларимиз онгини заҳарлашига йўл қўймаслик керак. Ўтказилган тадқиқотлар буни яққол тасдиқлади. Сўров натижаларига қараганда, Ўзбекистон ёшлари ватанпарварлик ва ўз фуқаролик мажбуриятларини юқори ҳис этадилар (89 фоиз). Шу билан бирга, миллий ўз-ўзини аниглаш лозимлигини таъкидлаб, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш ва уни зарур бўлганда ҳимоя этишга тайёрликларини баён этдилар.

Ўзбекистон XXI асрга ўзининг тараққиёт ва стратегиясига эга бўлган ҳолда кириб келмоқда. Уни аниқ

дастурлар билан бойитиш, амалий ҳаракатлар билан тулдириш керак. Ана шу режалар ва дастурларнинг амалга ошишида, сўзсиз, миллий истиқлол мафқураси концепцияси муҳим аҳамиятга эга. У ўзида инсониятнинг донолиги, ақл-заковаги, кўп асрлик тажрибаси, халқимизнинг энг яхши ютуқлари ва жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаларини мужассам этиши лозим. Кўп нарса, сўзсиз, мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқларнинг бирдамлиги, уларнинг тараққиёт учун ислохотларни давом эттириш истаги, ўз фарзандлари келажагини ўйлаб иш тутишлари, мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга тайёр эканликларига боғлиқ. Шу боисдан бизнинг мамлакатимизда ҳамма нарса халқ учун, унинг бахтли ва фаровон ҳаёти учун йўналтирилган. Зеро, шу тариқа Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ бўлади, ҳақиқий мустақиллик таъминланади ва Республикамиз тараққий этиб, жаҳондаги энг илғор мамлакатлардан бирига айланади.

Республикамизда жамоатчилик фикрини урганиш бўйича ўтказилаётган сўровлар жамият ҳаётини бошқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий стратегия мақсадларига қаратилган. Ана шундай тадқиқот натижалари Ўзбекистон жамиятида янада барқарорликка эришиш, ижтимоий тараққиёт, мамлакатимиз яхлитлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Миллий истиқлол мафқураси концепцияси ишлаб чиқилишида, сўзсиз, ижтимоий тадқиқотлар ва аҳоли ўртасидаги сўров натижаларидан келиб чиқиб берилган тавсияномаларнинг аҳамияти каттадир.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини урганиш Маркази бундан буён ҳам барча соҳаларда тадқиқот ишларини давом эттиради. Бундай тадқиқотлар жамиятдаги ўзгаришлар, ислохотлар йўналишини таркиб топтириш, ривожланиш ва тараққиёт учун хизмат қилади.

1-жадвал. “Ҳозирги пайтда Республикамиз фуқаролари Сизнинг назарингизда қандай ижобий ва салбий хусусиятларга эга?” деб берилган саволга респондентларнинг жавоблари қуйидагича тақсимланди:

(Респондентлар томонидан 2 хил жавоб варианты қўрилганлиги учун ажратилган маблағ 100% дан ошиб кетди)

Ижобий сифатлар	№	Урин даражаси	Салбий Сифатлар	№	Урин даражаси
Оила ҳақида ғамхўрлик, муҳаббат, самимийлик	31,3	2	Эгоизм	12,6	6
Катталарга ҳурмат, ҳамжихатлик	19,8	4	Йиёқмаслик	9,2	7
Анъаналарга таъқиш (меҳмондўстлик, бағри кенлик, фаоллик) халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш	38,8	1	Бестарғиблик	1,4	12
Билимларга бўлган интилоқ	3,3	7	Балжаклик, Тажовузкорлик, шайқатсизлик	14,0	4
Поклик, одамтарғчилик	10,1	5	Қуролмаслик, очкузлик, гайрлик	14,4	3
Қонунга итоатқувлик	6,6	6	Тарбиясиз, қуноқлик	12,8	5
Меҳнатсеварлик	21,8	3	Ассоциал ҳулқ (ғиеҳванлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик)	6,3	9
Соғлик	0,4	12	Елғончилик, рағизлик, қўрқоқлик, сотқинлик	15,3	2
Мустанқил фикрлик, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари	1,9	9	Бемаънилик	4,8	10
Хушвақтлик, беташвишлик	1,5	10	Анъаналар ва маданиятга эҳтиёткорлик билан қараш	0,8	13
Тинчлик, осойиштағлик	2,1	8	Миллатчилик, фанатизм	8,8	8
Моддий етуқлик	0,9	11	Ҳеч қандай	2,7	11
Жавоб беришга қийналди	19,8	4	Жавоб беришга қийналди	41,7	1

С. Олимов
Республика “Маънавият
ва Маърифат” Маркази,
филология фанлари номзоди

ШАХС ВА ОЛОМОН

Б а д и а

1 Энг олий бойлик нима?

Мавхум тушунчалардан (масалан, ақл, фаросат, салоҳиятдан) кўра муайян тушунчаларни тезроқ фахмлаганимиз учун бойлик деганда дарҳол куз олдимишга моддий неъматлар, зару зевар, тилла-кумуш, пул-буюм келади. Ҳайлаймизки, буларнинг бари - инсоннинг нуқтаи назаридан қарагандагина бойлик.

Аслида эса икки оламнинг асл бойлиги - инсоннинг ўзи-ку!

Президент Ислам Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” китобида ҳақли равишда халқни “жамиятнинг энг олий бойлиги” деб таърифлайдилар. Рост: халқда абадий кадриятлар, кучли иқтидор бор. Шунинг учун ҳам Юргбошимиз бу салоҳиятни тараққий этнинг асосий омили деб биладилар ҳамда “у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради” деб ҳисоблайдилар.

Демак, қайси мамлакатнинг қандай даражага етиши унинг халқига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Абдулхамид Чўлпон:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир! -
деб ёзган эди.

2 Армон ариган кун

Чўлпоннинг сўзи бўғзида қолди. Ҳанда халқ халқлигини қилолмади. Бунга қўмадилар.

Орадан йиллар ўтиб, мустамлака истибдоди айна авжига чиққан бир даврда Абдулла Орипов халқнинг “денгиз” лигини, “тўлқин” лигини, “куч” лигини кўрмаганидан хуноб бўлиб: “Йўқ, бу халқ эмас, шунчаки оломон”, - деган фикрга келди ва элга қарата беихтиёр:

Қачон халқ бўласан, сен -эй оломон? -
дея бонг урди.

Оломоннинг халққа айланиши учун, аввало, эрк бўлиши керак. Мустақилликкина ўзбекнинг халқ бўлиб бўй кўрсатиши учун чинакам имконият берди. Ростакамига армонлар арийдиган кун келди.

Бироқ...

Ҳар бир киши мустақил шахс сифатида шаклланмас экан, одамлар гуруҳи хали оддий оломон, холос. Оломон ёки шунчаки тўда, айнан, чинакам шахслар етишмаслигидан келиб чиқади.

Руҳшунослик онадан туғилган ҳар бир фуқарони жисмоний шахс санайди. Ҳуқуқшуносликда ҳам ҳар бир фуқарога жисмоний шахс деб қаралади. Аммо ижтимоий, боринги, маънавий маънода шахс билан шахснинг фарқи бор. Баъзан бу тафовут - осмон билан ерча.

Олдинги тузум якка партия ва давлат манфаатларини ҳамма нарсдан устун кўярди. Ҳар кимга шу нуқтаи назардан келиб чиқиб баҳо берарди. Биз демократик ҳуқуқий давлат қуришга киришдик. Бунда шахс манфаатлари бирламчи ҳисобланади. Конституциямиз фуқаро манфаатларини ҳимоя қилиб тузилган. Бизда халқ манфаатларига биринчи даражада аҳамият беришнинг қонуний асослари вужудга келтирилди.

Масала шу билангина ҳал бўлиб қолмайди. Бу - ишнинг бошланиши. Эндиги вазифа - ана шу қонунларга оғишмай амал қилиш, улар доирасида фаоли-

ят курсатиш, келажак авлод, лоақал, бола-чака учун тер тукишдан иборат.

Шахсинг шахслиги шунда намоён булади.

3 Табиат, жамият ва ўз-ўзига муносабат

Арастудан қолган қадим хулоса бор: “Инсон, табиатига кўра, ижтимоий мавжудот”. Демак, шахс жамият билан муносабатлар жараёнидагина шакллана боради.

Алишер Навоий:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпрак дурур, -
деганида ҳам, айнан, инсоннинг ижтимоий ўрни-
ни кўзда тутган, одамнинг асосий вазифаси халққа,
демакки, жамиятга фойдаси тегишидан иборат, деб
хисоблаган эди.

Ёки:

Одамий эрсанг, демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами, -
деганида ҳам шуни кўзда тутган.

Кейинчалик Лев Толстой ҳам: “Инсон жамиятдан ташқарида бахтли бўлолмайди”, - деган қатъий хулосага келди.

Буюклар бир хил фикрлайдилар, деганларидек, кўп донишмандлар элга қайишмоқни улуғлаб, худбинликни қоралайдилар.

Дунё илмида шахс ҳақида бир олам қараш мавжуд. Улар ўзгариб, турланиб, кенгайиб, ривожланиб, чуқурлашиб, замонага мослашиб бораверади. Шахсга сиёсат бошқа, ҳуқуқшунослик бир бошқа, иқтисод бошқа, фалсафа бир бошқа, руҳшунослик бошқа, адабиётшунослик бир бошқа нуқтаи назарлардан туриб ёндошади.

Ялпи олганда, инсон индивидуининг субъект сифатида табиат, жамият ва ўз-ўзига муносабатлари

хамда онгли фаолиятига шахс деб қаралади. Ҳамма гап ана шу муносабатларда.

Киши атроф-муҳитга, табиатга - ер, сув, ҳавога, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсига нисбатан ноинсоний муносабатда бўлса, уларни топташа, қийнаса, ифлосласа, унинг онгли мавжудот экани қаерда қолди?

Ҳар қандай одам табиат, жамият ва ўз-ўзига у ё бу тарзда муносабатда бўлади. Лекин агар инсоннинг ана шу табиат, жамият ва ўз-ўзига муносабатлари муайян қонуният, яъни мунтазамлик, собитлик касб этиб, муайян тизимга айланган, шу тариқа шаклланган бўлса, бу киши мустақил шахс даражасига қўтарилган ҳисобланади. Мустақил шахсларгина кучли бўлади.

Демак, шахсда инсон моҳияти очилади. Шахс ўзида барча ижтимоий муносабатларни акс эттиради.

Шахс сифатида шаклланиш жараёни, кўриниб турибдики, инсоннинг ўз-ўзини англаши орқали кечади. Ўзини англаган кишининг жамият билан муносабатларида эса муайян қатъиятлар (принциплар) мустаҳкамлана боради. Маънавий маънода шундай одамни ҳақиқий шахс дея оламиз. Унинг бошқаларга баҳо беришида ҳам асосли нуқтаи назарлар, ўзига хос мезонлар бўлади. Биров келиб: “Фалончи фалон иш қилибди” ёки “Писмадончи писмадон қилибди”, - деса, сиз яхши биласизки, у ўз қатъиятларига, ўзига хос сажияга эга, мустаҳкам феъл-атворли, шаклланган шахс, “Йўқ, бу одам унақа эмас, у бу ишни қилмайди ёки бундай дейиши сира мумкин эмас!” -деб айтасиз.

Индивидлик даражасидан кўп узоқлаша олмаган, шахс даражасига қўтарилмаган ёки шахсияти суст кимсалар ҳаддан ташқари оғувчан, гаправ, халқона ибора билан айтганда, лақма бўладилар, бундайларни лақиллатувчилар кўп топилади. Шахсияти ному-

каммал кимсаларни ғайри, яъни қинғир йўлга буриб юбориш оппа-осон. Бироқ зинҳор-базинҳор бу ўринда соддадил, очиқ кўнгил, ёш боладек беғубор одамларни улар билан аралаштириб юбормаслик керак.

4 Шахс ва шахссизлик

Шахснинг шаклланиши учун онг ривожланиши зарур. Ўзбекистон ўз олдига чинакам демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадини қўйган экан, бунга ҳам омманинг умум савиясини кўтариш, халқни янгича фикрлашга ўргатиш орқали эришилади. Бوشқа йўл йўқ. Умум савиянинг кўтарилиши одамларнинг шахс сифатида камолга етиши билан чамбарчас боғлиқ. Президент Ислом Каримов тўғри қайд этганларидек: “Дунёнинг демократик қадриятлардан баҳраманд бўлишида аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонarli тарзда исботламоқда”.

Демак, келажакда яна авторитаризм ёки тоталитаризмнинг кули бўлиб қолмаслик учун ёшларимизни шахс сифатида камолга етказишимиз шарт. Авторитаризм билан тоталитаризм эса тараққиётга ғов, демократиянинг тамом зидди эканини ҳаёт исботлаб турибди.

Хўш, авторитаризм нима?

Бу - ҳуқуқийликни рад этадиган, якка шахснинг чексиз ҳукмронлигига асосланган, демократияга қарши сиёсат. Бундай тузумда халқ ўз эркига эгалик қилолмайди.

Тоталитаризм нима унда?

Тоталитаризм давлатнинг жамият устидан тўла ва

бутунлай хукмронлик қилишини билдиради. Шўролар тузуми айнан ана шундай ҳокимият эди. Бунда фуқаролар ҳеч қандай эркинлик, инсоний ҳақ-хуқуққа эга бўлмайди, одамларнинг шахс сифатидаги имкониятлари юзсизларча чеклаб ташланади.

Шахслар такомиллашмас экан, омма яна шундай хукмронликка мойил бўлиб қолаверади. Ўзини- ўзи бошқара олмайдиган, ҳаёт йўлини ўзи мустақил равишда изга сола билмайдиган одамлар гуруҳи тепадан бошқаришни қўмсайверади. Бу жуда ёмон.

Шўролар тузуми кишиларни амалда шахсан фикрламасликка, қарахтликка қўниқтириб қўйган эди. Ҳар қандай масалани давлат ҳал қилар, одамлар эса давлатнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолган эди.

Иқтисодий мушкулотлар даврида айримларимиз ҳозир ҳам биз учун бошқалар, аниқроғи, давлат қайғуриши керак, деб ҳисоблаймиз; ҳаётни яхшилаш, лоақал, ўз турмуш тарзимизни ўзгартириб, юқорироқ даражага олиб чиқиш учун, аввало, ўзим жавобгарман, бунинг учун ҳаммадан бурун ва ҳаммадан кўпроқ ўзим ўйлашим, қайғуришим, ҳаракат қилишим, тер тўкишим керак, деб мулоҳаза қилмаймиз.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” китобида Ислам Каримов давлатнинг мақсади айнан фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқариш, шахснинг камолотига ёрдам бериш эканини таъкидлайди: “Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмақлашади”.

Бу фикрдан келиб чиқадиган хулоса аниқ: мамлакат таракқиёти давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар маданияти даражасига боғлиқ. Президентимиз

мазкур китобида жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи уч мезонни кўрсатади. Биринчиси - халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги. Иккинчиси - ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши. Учинчиси - оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши.

Шу уч масалада халқнинг фаол иштирокига эришиш учун мамлакатда фуқаролар шахс сифатида камол топган бўлиши керак. Акс ҳолда, шахсига эга бўлмаган кишилар давлатни бошқариш масалаларига қандай аралашади? Бундан нима натижа келиб чиқишини тасаввур қилиб кўринг.

Яқинда телевидение халқимиз орасида, маҳалла ва хонадонларда китобхонлик даражаси ҳақида бир кўрсатув берди. Ёзувчи, олимлар - умрлари китоб ўқиш ва ёзиш билан ўтаётган кишилардан ташқари, оддий фуқароларнинг аксарияти ўта умумий, айтиш учунгина айтилаётгани сезилиб турган мулоҳазалардан нари ўтмади. Эҳтимол, улар яхшигина китобхондир. Лекин, нима қилайликки, ҳеч бирлари ўз сўзларида китоб ҳақида, унинг бевосита ўз шахсий ҳаётларида қандай мавқе тутиши тўғрисида мулоҳазаларга яқин келмадилар. Китоб - бойлик, у маънан ўстиради, маърифатли қилади ва ҳоказо ва ҳоказо дегандек “навбатчи” гаплар айтилди, вассалом.

Қурук насихатнинг ҳаётга таъсири йўқлигини кўп кўрдик-ку.

Гап шундаки, биз шахсий фикр айтишга ўрганмаганмиз. Тоталитаризм даври бунга йўл бермаган.

Бу ҳам - шахсизлик.

Шахсизлик - биринчидан, давлатга батамом қарамликдан, иккинчидан, онгсизлик, маърифатсизликдан келиб чиқадиган иллат. Ўзбекистоннинг бугунги йўли ана шу эски замондан қолган касалдан тезроқ қутулишга қаратилган.

Буни қандай тушунамиз?

Юртбошимиз буни шундай тушунтирадилар: “Яъни инсон жамиятдаги ўз ўрни ва қадрини тўғри тушуниши зарур. У ўзини кичкина бир мурват деб ҳис этиши, ҳамма муаммоларни унинг ўрнига давлат ҳал қилиши керак, деб билиши зарарли тушунчадир. Ҳаётга бундай муносабатда бўлинса, ўз фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги, ўз меҳнати билан муносиб турмуш шароитини яратиши мумкинлиги ҳақидаги тасаввур сўнади.

Бу мероснинг яна бир камчилиги шундаки, оила, ҳар бир одам бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, деб эмас, аксинча, давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам бой бўлади, деб ҳисобланар эди. Муносабат шундай бўлганда ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг самарадорлигига эришиш мумкинлигига умид боғлаш қийин. Бундай дунёқарашнинг ҳалокатли томони шундаки, ҳали ҳам айрим кишиларнинг онгида: давлат бой, у бизни боқиб олиши керак, деган ўй-фикрлар маҳкам ўрнашиб олган”.

Кўриниб турибдики, ҳар бир шахс ва ҳар бир оиланинг бойиши орқали давлатнинг бойишига эришиш мумкин, холос. Лекин бой бўлиш учун меҳнат ва тadbиркорлик эмас, ўғрилиқ, кўзбўямачилиқ, алдов, шайтонликлар, порахўрликлар асосий йўл бўлиб қолаверса, фуқароларнинг меҳнатга интилиши, кўпроқ ва самаралироқ тер тўкишига ҳам ишониш мушкул. Шахсий манфаатни жамиятнинг ҳар қандай манфаатидан устун кўриб, бу мақсадга эришиш учун ҳар қандай қинғир йўлдан тап тортмаслик ҳам - шахсизлик. Бу - маънавий тубанлик, тамаддуний даража пастлиги аломати.

Демак, фуқароларни етук шахслар сифатида камол топтириш мағзида одамлар онгига қонуний йўллар билан бой бўлиш ақидаларини сингдириш вазифаси ҳам ётади. Теранроқ кўз билан қарасак,

хозир айрим кишиларимиз, хусусан, белида қуввати, қўлида кучи бор баъзи ёшларимизда ўз шахсий ҳаётини ўзи режалаштириш салоҳияти етишмаётгандек туюлади. Халқни хозирги қарахтликдан уйғотиш ҳам - миллат ва тарих олдидаги бурч. Онгимизда ўзгариш жараёни кетяпти. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этапти. Шу жараёнга таъсир кўрсатиш - зиёлиларимиз зиммасидаги вазифа.

Унақасига ҳам, бунақасига ҳам, шахсизликка қарши кураш маънавият ва маърифат майдонида кечади. Шундай экан, таълим-тарбияда маънавият ва маърифат бевосита шахсни бахтга элтадиган йўл сифатида изга қўйилиши керак. Бунинг учун эса ҳаётнинг ўзида маънавият ва илм-маърифат кишиларни юксак ҳаёт гарзига олиб боришига эришиш лозим. Одамлар, хусусан, ёшлар ишонсинки, дунёда ҳеч бир мамлакат илм-маърифатсиз тараққий қилган эмас. Таълим-тарбия бевосита шахс баркамоллигига олиб келмаса, меҳнат зое бўлди, деган гап.

5. Ўзга шохга қайишмаган шахс

Рост: шахс ва оломон муаммоси кеча ё бугун пайдо бўлган масала эмас.

Навоий замонасида Хожа Афзал деган бир доно киши бор эди. У ўн беш йилча Султон Ҳусайн Бойқаро саройида назорат девонини бошқарди. Лекин Мажиддин Муҳаммад шохнинг пинжиги кириб олган даврда, улуғ шоир сўзлари билан айтганда, “аҳволига футур етмаган киши қолмади”. Бу маккор Мажиддин Хожа Афзални ҳам подшоҳга ёмон кўргизди. Бечора мажбур бўлиб, юртдан қочиб, Каъба зиёратига кетди. Арабистон султонлари Хожа Афзал доврўғини эшитиб, уни саройларига хизматга таклиф қила бошладилар. Аммо кўнмади. Навоийнинг далолат беришича, у: “Агар қуллуқ қилсам, ўз подшоҳимга қилурмен, йўқ эрса - йўқ!” - деб, бундай таклифларни ҳар гал рад этган.

Хусайн Бойқаро бир фитначининг гапига кириб, саройидан кувиб юборган бўлса ҳам, садоқатни кўринг, шахслик даражасига қарангки, Хожа Афзал ўз мамлакати подшоҳига ихлосини заррача ўзгартирмади. Чунки, ўртадаги ўзаро нохуш муносабатлардан қатъи назар, ахир, у Ватанининг ҳукмдори, ўзга мамлакатнинг эмас!

Кучсиз шахс, яъни шахссиз одам бундай ҳолда ўз манфаатинигина уйлаб, ўзга давлат подшоҳига минг бор қуллуқлар қилган бўлур эди.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Хожа Афзални шеъри учун эслайди. Лекин баҳонада буюк мутафаккир шоир шахсининг, қаранг, қайси муҳим жиҳатига диққатни тортади.

XIV асрда форсий сўз оламида икки булбул бор эди: бири - Хожа Ҳофиз Шерозий, иккинчиси - Шайх Камол Хўжандий. Шайх Камол Хўжандий умри охирида ҳаж зиёратига борди. Қайтишда ҳозирги Эроннинг Табриз шаҳрида ҳукмдор унга мухлис бўлди. Шаҳарнинг ажойиб иморатларга эга гўзал боғини унга тортиқ қилди. Шоир бир муддат ўша ерда яшади.

Камол Хўжандий шайх - суфий эди. Умри давомида кўп риёзатлар, яъни руҳни раванк топтириш йўлида жисмоний азоб-уқубатларга бардош беришга интиланган, машқлар қилган, отаси Тошкентда яшаган маҳалларда мутлақо гўшт емас эди.

Фақирликни ўзига шиор қилган шайхга бундай дабдабали ҳаёт тарзи қандай ҳазм бўлсин? Ҳукмдорнинг бу тортиғини дабдурустдан рад этиш ҳам ододдан эмас.

Шундай бир-бирига қовушмайдиган зиддиятли вазиятларда шахс шахслигини қилади.

Шайх Камол муридлари билан шу шоҳона саройда яшади. Бирок кечаси у саройнинг бир хужрасида ёлғиз тунар, пирнинг бу хилват маконига киришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмас эди.

Кунларнинг бирида пири комил тонг-сахар бом-
додга чикмади. Нима бўлди экан? Муридлари, нои-
лож, хосхонага киришга жазм этдилар.

Кирсалар, пир омонатни топширган эканлар. Қи-
зиғи шундаки, хужрада Шайх бошининг остига қўйиб
ётган бўйрадан бошқа ҳеч вақо йўқ экан...

Демак, шундай шоҳона саройда ҳам Шайх ўзи-
нинг дарवेशона ҳаёт тарзидан воз кечмаган, мафку-
равий ақидасига мутлақ содиқ қолган.

Ёки Навоий Мавлоно Лутфийни, шоир сифатида
ҳар қанча шуҳрат топмасин, умрининг сўнгигача ўзи-
нинг асл ақидаси - дарवेशликни қўлдан бермаган
шахс сифатида улуғлайди: “Агарчи шоирлик тари-
кида маъруф ва машхур бўлди, аммо дарवेशлик та-
риқини доғи илқидан бермади”.

Шахс ва оломон муаммоси тахлилида булардан
ёрқинроқ, булардан-да ибратлироқ мисоллар топиш
кийин кўринади.

6. Халқ пуфласа...

Қишлоқларда нима кўп - қўй кўп. Демак, жун ҳам
мўл. Ҳар бир хонадонда қанчадан-қанча жун куя бо-
сиб ётибди. Яна шу нарса ҳам ҳақиқатки, деярли,
ҳар бир оилада ҳеч ерда ишламайдиган хотин-халаж
ҳам бор. Тўғри, уй-рўзгор ишлари, пишир-тушир ва
ҳоказо - улар зиммасида ҳам қанча вазифа. Шунга
қарамай, ана шу ҳеч ерда ишламайдиган аёлларнинг
кўпчилиги пешин бўлмай қоронғу уйга кириб, кун
оккунча донг котиб ухлайди. Лекин худди шу маҳал-
да қанчадан-қанча аёллар завод-фабрикалар, мактаб-
лар, касалхоналар, идоралар, далаларда меҳнат би-
лан банд. Улар жамият учун маҳсулот яратяпти, ҳаёт-
нинг бир корига яраяпти. Уйига бориб амалга оши-
радиган бола-чақаси ташвишини ҳам ҳеч ким унинг
елқасидан соқит қилган эмас. Шундай экан, уша куни
билан ухлайдиган опа-сингилларимиз, айтайлик,

жундан ип йигириб, пайпок, жемпер, кўлқоп тўкишни, боринги, ҳозирча ўтган асрлардан қолган ибтидоий усуллардан фойдаланиб бўлса ҳам, йўлга қўйсалар, жилла курси, ўзларининг оилалари даромадига ҳисса қўшган бўлмайдиларми? Ахир, жундан тўкилган кийимларнинг нархи фалон сўмга чиқиб, ҳаёт пешонамиз олдига келиб айтганини яхшигина айтиб турган маҳалда ҳам қарахтлик кетмайдими биздан?! Жонланмаймизми? Шу опа-сингилларимизга иш шароитлари яратиб бермаймизми? Ўз манфаатимиз учун меҳнат қилиб бўлса ҳам, шу тариқа мамлакатнинг умум ишига жиндак ҳисса қўшмаймизми? Кутиб ётаверамизми: “Олма пиш, оғзимга туш”, - деб?! Унда биз нечук одам, қандок халқ бўлдик?

Кишлоғимизда бир келиноий бўлар эдилар раҳматлик. Аёлларимизнинг тўйиб-тўйиб ухлашини умр бўйи ҳуш кўрмай ўтиб кетдилар. Ўзлари қишлоқнинг энг обрўли зиёдиларидан, олий маълумотли муаллима, халқ таълими аълочиси эдилар. Ишдан, дарсга тайёргарлик кўришдан ортган бир соат-ярим соат вақтларида, ҳеч юмуш тополмасалар, уйларидаги қопни очиб, гуруч тозалашга тушар эдилар. Бир ҳафта ўтар-ўтмас, қарабсизки, бу қопдаги гуруч тозаланганича нариги қопга ўтиб қўя қолибди. Қутилмаганда уйга меҳмон кириб келса, ҳар қандай аёл шошиб қолади, албатта, гуруч тозалаш ҳам вақт талаб қилади-да. Шунда айрим қўшнилари уялмай-нетмай тоғорачаларини кўтариб чиқарди: “Қарзга тозаланган гуручингиздан бериб турунг”, - деб. Гуруч тозалаб бўлингач, бўш вақтда ун элаб қўйила бошларди. Ҳеч бўлмаса, майизнинг чўпаги юлиб чиқиларди.

Биз аёлларни мисол келтиряпмиз. Бекор юрган эркак камми ҳозир? Халқда: “Меҳнатқашга меҳнат қаҳатми?” - деган гап бор. Изласа, сидқидилдан ишлайман, деса, ҳар қандай тирик жон ўзи учун фой-

дали машғулот топади. Натижаси фойдали бўлган ҳар қандай меҳнат - жамиятга қўшилган ҳисса.

Халқимиз азалдан кўп донишманд эди. Бизни дангаса қилиб ташладилар. Меҳнат қилиш учун изланиш ҳуқуқидан қарийб тамоман маҳрум этган эдилар. Энди шунинг жабрини тортыпмиз. Ахир, ота-бобомиз мана бу мақолни бекорга яратмагандир:

Дўкон тўқсанг, бўз бўлар,
Чарх йигирсанг, тўн бўлар.

Бугун бўз керак бўлса - дўкон тўқишга, тўн керак бўлса - чарх йигиришга мажбурмиз. Бугун ўша эски ҳунарларимизни жонлантирадиган замон келди. Шундан бошлайлик. Шахсий фабрикалар қуриш сари йўл ҳам шундан одим олади.

7. Худбинлик ёки ҳалол билан ҳаромнинг фарқи

Халқ агар шахсияти мустаҳкам кишилар уюшмасидан ташкил топса, дунёда бундан зўр куч бўлолмайди. Мустақил миллий давлат қуришга киришган, мамлакатини оёққа қўяётган халқ учун бу жуда-жуда керак. Халқ деганда эса Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқаролар тушунилади. “Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги ҳақида гапирар эканмиз, бу - бизнинг бебаҳо бойлигимиз, дея таъкидлаймиз”, - деган сўзларни ўқиймиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида” китобида.

Халқ - мамлакат жамоаси. Киши жамоада шахслигини йўқотмайди. Аксинча, унинг шахслиги айнан ана шу жамиятда кўринади.

Юртбошимиз худбинликка қарши курашишимиз кераклигини қайта-қайта таъкидлаптилар. Таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳақида бош қотираётган эканмиз, тарбиянинг бу жиҳатини мутлақо унутмаслигимиз керак.

Баъзилар: “Мана, бозор иктисодиётига ўтдик. Энди

хар ким: “Ўзинг учун ўл, етим”, - ақидасига амал қилиш керак. Ўртада пирог бўлиняпти, сиз ҳам ундан таллашиб-тортишиб улуш олишингиз зарур. Акс холда, қуруқ қоласиз. Энди халқ, Ватан, жамият деган тушунчалар - бекорчи гаплар. Ҳар ким шахсий манфаат кетидан қувади, вассалом”, - деб ҳам юрибди.

Шуни айтиб қўйиш керакки, ҳамма замонларда ўша бозор иқтисодиёти авжига чиққан мамлакатларда ҳам одамлар, аниқроғи, дунёнинг моҳиятига етган кишилар, инсоннинг бош вазифаси нимадан иборатлигини чуқурроқ тушунган зотлар халқни ўйлаб яшаш, меҳнат қилишни улуғлаганлар. Шундай бўлмаса эди, машҳур француз адиби Виктор Гюго (1802-1885): “Халқ учун меҳнат қилиш - кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади”, - деб ёзармиди?!

Унутмайликки, биз бугун келажак пойдеворини қуришимиз, мамлакатни иқтисодий мушкулотлар давридан тезроқ олиб чиқишимиз шарт. Давлатимиз имкони қадар қисқа фурсатларда мунтазам тараққиёт йўлига тушиб олиши керак. Буни ким амалга оширади?

Шахслар!

Шу маънода шахслар ўз хатти-ҳаракати, олиб бораётган фаолияти билан ана шу умум йўлга ёрдам қиляптими, томошабин бўлиб турибдими ё ғов буляптими? Шуни аниқлаб, кейин одамларга баҳо бериш лозим. Ҳар ким тирик экан, унинг бу дунёда эзгу ишлар қилиш учун ҳали имкони бор.

Албатта, шахсий манфаатдорлик - тараққиётнинг бош омили. Аммо шахсий манфаат қўришнинг минг-минг қонуний йўллари очилляпти. Қонуний деганда шу нарса кўзда тутиладики, одам, хоҳ ақлий бўлсин, хоҳики жисмоний, бирор самарали меҳнати, келтирган фойдаси эвазига манфаат қўриш сари интилиши керак. Шунда ривожланиш бўлади. Шахсий манфаат-

дорлик халқ ва давлат мулкани ўласи қилиб умариш йўли билан амалга ошмаслиги лозим. Бу, аксинча, моддий жиҳатдан ҳам, ижтимоий томондан ҳам, боринги, маънавий тарафдан ҳам тараққиётга ғов бўлади.

Айтайлик, бир корхона раҳбари у ё бу сохтакорлик билан жамоа мулкани ўзлаштирди. Бу бойлик, аслида, шу жамоа аъзоларининг меҳнати эвазига келган. Содда қилиб тушунтирганда, у ўртада кишиларнинг меҳнатларига қараб тақсимланиши керак эди. Шунда одамларда ишлашга иштиёқ кучаярди, улар, мен ҳам кўпроқ, яхшироқ ишласам, фалон ҳамкасбим каби кўпроқ фойда кўрар эдим, деб интилар эди. Бу ерда нима бўлди? Ишлаган ким-у, тишлаган ким булиб қолди. Энди одамларни ишлашга нима ундасин? Корхона қандай ривожлансин? Дўк билан ишлатишлар замони эса ўтди.

Демак, бугун Ўзбекистоннинг тараққиётига ғовларнинг бир қисми объектив сабабларга кўра, бир қисми эса субъектив, яъни айрим фуқароларимизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳисобига юз беряпти.

Очиқ-ошкор тан олайлики, ҳаётда қинғир йўллар билан пул топишни билмаганлар - ноуддабурро, ожиз, ношуд шахслар, деган ўта хавfli қараш ҳам пайдо бўла бошлади.

Бу нимадан?

Бу - ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормай қолаётганимиздан. Холбуки, маънавият тушунчасининг моҳиятида шу ётади. Ҳалол ва ҳаромга муносабатда шахснинг жамиятга муносабати аён бўлади-да.

Тўғри, ўша умарувчи бугун очик-ошкор элнинг, жамоанинг ризқини ўзлаштиряпти, ўзимга, болачақамга яхшими, бас, бошқалар билан нима ишим бор, деб ҳисобляпти. Вақтинча шундай ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, умуман олганда, келажакнинг ҳам-

ма учун, мамлакат учун яхши бўлишига халакит қиялтимиз, билингки, у ўз келажигига ҳам болта уряпти. Чунки қайси мамлакатда жиний йўллар билан бойиш одат тусига кирган бўлса, бу қолоқлик белгиси ҳисобланади.

Келтирган мисолимиз оқибати фақат ўз фуқароларимиз қўлини ишдан совутади, деб ҳисобласак, масалага бир томонлама қараган бўламиз. Бу хорижий сармоядорлар раъйини ҳам қайтаради.

Эсдан чиқармайликки, биз жонли тарих яратаётган кишиларимиз. Давримизнинг тарихимизга қандай бўлиб кириши бевосита ҳам, билвосита ҳам ҳар биримизга боғлиқ. Бевосита боғлиқлиги шундаки, тирик эканмиз, Оллоҳга шукрки, ҳаётнинг, катта бўлсин, кичик бўлсин, қай бир нуқтачаси бизнинг қўлимизда, қай бирини қачон ва қаяққа қараб тортиш ҳуқуқи ўзимизда. Ана шу майда-майда тақдирлар бирлашиб, жамият тақдирини белгилаётганини баъзан сира ҳис қилгимиз келмайди. Аслида эса худди шундай ва бундан бошқача бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин. Бахтимиз шундаки, ҳар биримиз нимадир яратиб қолиш имкониятига эгамиз.

8. Дам - бу дамдур, дам - бу дам...

Американинг ўтган асрдаги энг машҳур психологи Дейл Карнеги “Қандай қилиб безовталиқдан қутулиб, яшашни бошлаш мумкин” деган китобида дунёнинг илмини излаб, бир оддий хулосага келади: безовталиқдан мосуво бўлишнинг йўли - бугун билан яшаш, одамнинг халоскори - фақат бугун!

У бунга эришишнинг жуда содда усулини таклиф этади: кеча, яъни ўтмишнинг ғамидан ҳам, эрта, яъни келажак хавотиридан ҳам қутулиб, фақат бугуннинг ташвишини қилиш керак, вассалом. Шунда, биринчидан, кечаги ноҳушлиқлар, эришолмаган нарсаларингиз учун ачиниш ва шу каби бошқа-бо-

шқа барча ўйловлар чекинади. Эрта учун жон куйдиришга эса ҳали - эрта. Чунки сизнинг қўлингизда фақат бугун бор. Тонгдан шомгача бўлган кунингизни оқилона режалаштиринг. Кун мобайнида имкон қадар кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилишни, эзгу мақсадингиз сари янада дадилроқ қадамлар ташлашни ўйланг.

Олим ҳақ: умр - алоҳида-алоҳида кунлардан иборат. Шу кунингиздан розимисиз, демак, умрингиз бекор ўтаётгани йўқ.

Энди ўзбек халқининг донишмандлигига қойил қолмай илож қанча. Ким билади, Дейл Карнегидан неча асрлар илгари яратгандир, ўзбек халқи гапнинг пўст калласини соддагина, лекин дангал қилиб айтган-қўйган: “Бугунги ишни эртага қўйма!”

Мана, Ўзбекистонимиз мустақилликнинг ўнинчи йилини яшаяпти. Бу даврнинг ҳар бир куни, очиғини айтганда, халқимиз тарихининг бошқа замонларидаги кунларга нисбатан бир неча баробар катта-риб кетганини ҳис этиш қийин эмас. Халқимиз ҳаётнинг қанчадан-қанча мушкулотларини оқилона ва мардонавор енгиб келяпти. Улкан яратувчилик ишлари амалга ошди.

Аввало, ҳар биримиз шахс сифатида, одам сифатида чексиз ўзгардик - мустахлама мамлакатнинг эмас, мустақил юртнинг фуқароси бўлдик. Шаҳар ва қишлоқларимиз, йўлу расталаримизнинг чиройи ўзгарди. Ҳар қанча қийинчиликлар бўлишига қарамай, шу ўн йил ичида нефт, ғалла мустақиллигига эришдик, таълим, тиббиёт тизимини ислоҳ қилдик, кўп қишлоқлар газлаштирилди, тоза ичимлик суви билан таъминланаяпти.

Бу эзгу ишларни ким бошлаяпти?

Мутарам Президентимиз.

Кимлар у киши ўртага ташлаётган ғоялар атрофида бирикиб, юрт равнақи ва халқ фаровонлиги учун фидойиларча тер тўкаяпти?

Одамлар.

Ҳазрат Алишер Навоий буюрадилар:

Одам борки, одамларнинг нақшидур...

Ана шундай “одамларнинг нақши” бўлганлар бугунимиз қахрамонлари экани рост. Президентимизнинг “Бугунги куннинг қахрамонлари қани?” - дея савол қўйишларида ҳам БУГУН бош масала эмасми?

Яна Навоийга қайтамиз. “Муншаот”да, олимларнинг аниқлашича, шахзода Бадиуззамон Мирзога йўллаган мактубида ҳам улуғ мутафаккир халқ донишмандлигига суянади ва дадил туриб: “Бу кунги ишни тонглаға (эртага - С.О.) қўймасалар!..” - дейди.

“Махбуб ул-қулуб” - биз учун Навоий донишмандлигининг бой хазинаси янглиғ кадрли. Шу кигоб охирлаб қолар экан, худди шу кунни кўзлагандек, шоир яна буюрадилар: “Ўтган рўзгор (вақт) адамдур (кетиб бўлди). Келмагандин (келажакдан) сўз айтқон аҳли надамдур (беҳудачидир) ва хол (хар дам) муғтанамдур (ғаниматдир)”.

Кейин шундай улуғ шоир “бир туркнинг” (кимлиги ҳозирча бизга маълум эмас) сўзини келтиради: “Бир турк бу маънида дебтурким: “Дам - бу дамдур”.

Сўнг эса Навоийнинг шоирлиги тутиб, бир гузал байт битади:

Мозию мустакбал аҳволин такаллум айла кам,

Не учунким, дам - бу дамдур, дам - бу дамдур, дам - бу дам.

Ўтмиш ҳақида ҳам, келажак хусусида ҳам кўп гапириб ўтирма, чунки, ахир, дам - бу дамдур, дам - бу дамдур, дам - бу дам!

Бу байт бир ўқиганда одамнинг қалбидан бир умрга ўчмас бўлиб жой олади ва ҳар лаҳзада умрни ғанимат билишга, ҳар кунни нимагадир, аниқроғи, ҳаракатга, яратишга, бунёдкорликка сарфлашга ундайди.

Навоийнинг биз билан ҳамиша ҳамнафаслиги шундан.

9. Фуқаро шахсияти

Шахс - фалсафий, сиёсий, рухий, адабий, ҳуқуқий ва ҳоказо тушунча. Жаҳон илми шахс масаласини турли жиҳатлардан қараб ўрганади. Биз бу ерда “шахсшунослик” қилмоқчи эмасмиз. Бундай даъводан жуда йироқмиз. Бизни кўпроқ шахснинг маънавий жиҳати қизиқтиради.

Фан шуни асослайдики, шахс фақат мавжуд ижтимоий муносабатлар маҳсулигина эмас. У бундан олдинги ўтмишнинг ҳам, шунингдек, ҳар кимнинг ўз-ўзини ўстириши ва ўз-ўзини англашининг ҳам натижаси. Шундай экан, бугунги одамлар, аввало, кечанинг фарзандлари. Бугун ун биринчи синфни битирган ўқувчи ҳам беш-олти йил мактабда шўролар мафқураси билан суғорилган таълим тизими тарбиясини олган. Бугун юз ёшга кирган отахон-онахоннинг ҳам учдан икки қисм умри ана шу эски тузум таъсирида ўтган. Энди шахс сифатида ўз-ўзимизни қайта тарбиялашга мажбурмиз, у дарахтлар кесилиб, у сувлар оқиб кетганини ҳис қилишимиз, ўзимизга ўзимиз янги дарахтлар экишимиз, ариқлар қазишимиз зарурлигини тушуниб етишимиз керак.

Миллий мафқурамиз бизни шунга ундайди. Биз бугун тушуна бошладикки, ҳамма ҳам бизга дўст бўлиши мумкин эмас экан. Билдикки, ҳамма ҳам юртимизга бегараз ниятлар билан келавермас экан. Ҳар бир давлатнинг юртимизга тиккан кўзи, бу ерда кўзлаган манфаатлари бор экан.

Шу юрт фарзанди сифатида бунини унутишимиз мумкин эмас. Айнан шунигина тушуниб етишимиз учун ҳам шахс бўлишимиз керак экан.

Мисолсиз бу гаплар қуруқ бўлиб туюлиши аниқ.

Бир йигит дорилфунунни битириб, инглиз тили

мутахассиси бўлиб чиқди. Ҳозир нима кўп - қўшма корхона кўп. Ҳалиги укамизни таржимонликка ишга олишди. Хорижий мутахассис юргимизга келишдан бурун Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугуни ҳақида етарлича маълумотларни ўрганиб чиққан. Энди шу мамлакат фуқароси бўлмиш таржимонни синаб, унинг умум савиясини билиб олмоқчи.

Ўзбек давлатчилиги тарихи нечанчи асрга бориб тақалиши, бу заминда ташкил топган давлатлар, Тошкент қачондан буён пойтахт экани, Марказий Осиё қайси асрларда кимлар тарафидан забт этилгани ҳақидаги саволларга жавоблар мужмал...

Ҳа, нима, бу саволларга жавоб беролмаган бўлса, осмон келиб ерга қапишибдими? Таржимасини килиб берса, бас-да.

Кимдир шундай деб ҳам ўйлар. Ҳамма гап шундаки, таржимонимизнинг билим савияси ажнабийга мап-маълум. Энди иш ҳақи ҳам шу савияга қараб-да. Энг содда ҳисоб-китоб қилганда ҳам, Ўзбекистон фуқароларига устама нарх қўйиб сотилган хориж товарларидан тушган фойданинг маълум қисми ана шу таржимоннинг савияси пастлиги туфайли бизга тегмай, хорижга ўтиб кетди, деб ҳисоблайверинг.

Бироқ бу ҳам ҳали масаланинг моҳияти эмас.

Чет эллик ишбилармон икки-уч савол билан таржимонимиз онг-шуурини билиб олди. Ўз мамлакат тарихини, демакки, отаси-бобосини билмаган “мутахассис” замонавий бозор қонунлари-ю рақобатчилик сир-синоатларини қаяқдан билсин?! Энди уни хоҳлаганча алдайвериш ҳеч гап эмас.

Кўриниб турибдики, айнан маърифатсизлигимиз, шахс сифатида, фуқаро сифатида номукаммаллигимиз туфайли бу кичик “ўйин”да ютқазиб ўтирибмиз. Ахир, олдимизда катта-катта, масъулиятли, Ватан тақдирига бевосита дахлдор курашларда ютқазмаслик вазифаси турибди-ку.

Президент Ислом Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йук” сарлавҳали мақолаларида ўша ҳаётий вазиятларни назарда тутиб, шундай ёздилар: “Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”.

Бугун қандай шахслардан иборат халқ эканимиз, бир жиҳатдан, ота-бобомизга боғлиқ. Ўз-ўзидан, эртанги кун, фарзандларимизнинг бугун қандай шахслар бўлиб шаклланаётгани бевосита бизга боғлиқ.

Биринчидан, биз ўзимиз туғри йўлда бўлсак, болаларимиз шундан ўрнак олиб, оркамиздан эргашади. Келажакка ваҳшийлик қонунларига асосланган, замона зўрники бўлган, ўғрилиқ, харомхўрлик, алдов, қузбўямачилиқ, умариш асосий мақсадга айланган бир жамиятни қолдирсак яхшими ёки қонун устувор бўлган, ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ оладиган, ана шу манфаатдорлик одамларни янада баракалироқ, унумлироқ, кам вақт ва куч сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот етказадиган йўллар излашга ундайдиган, мутаракқий, соғлом рақобат асосида ривожланадиган, инсон эрки ҳурмат қилинадиган, одамнинг қадри баланд тутиладиган жамият қолдирсакми?

Иккинчидан, фақат ўрнак бўлишгина камлик қилади. Ёшларга бевосита таълим-тарбия бериш, уларни баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, уларнинг тезроқ шахс сифатида шаклланиши учун бутун масъулликни ҳис қилиб, шунга қатъий интилиш жуда-жуда муҳим.

Демак, шахс ва фуқаро - ўзаро уйғун тушунчалар. Шахсга фуқаролик масъулиятига қараб ҳам баҳо берилади. Халқнинг тарихи - фуқаро масъулиятини оширадиган бир мактаб.

Ҳеч иккиланмасдан, бугун миллий шахс хусусида гапириш мумкин. Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро теппа-тенг ҳуқуққа эга. Бу эса ҳар бир шахс зиммасига фуқаролик масъулиятини юклайди. Шунинг учун миллий шахсият масаласини ҳам тор (мамлакатга ном берган туб миллат), ҳам кенг (мамлакатнинг барча фуқаролари) маъносида тушуниш зарур.

9. Шахс - ижодий фаоллик ойинаси

Одамларга ижодий фаоллигига қараб баҳо бериш ҳам бор. Афсуски, жамият қуруқ гавдасини кутариб юрган, бемақсад кишилардан холи эмас. Мақсад тайин эмаслиги бекорчиликка олиб келади. Бекор одам - жамиятнинг ортиқча юки. Тўғри, ишсизлик муаммоси бир-икки кишининг саъй-ҳаракати билангина ёки тезда ҳал бўлиб кетаверадиган осон масала эмас. Лекин тирик жон учун яшашнинг жиддий кураш майдонига кириш, жамиятдаги ўзига ҳам, кўпчиликка ҳам наф келтирадиган бир ўринни топиш учун интилиш шарт.

Бошқа ҳеч қандай йўл йўқ. Бир тузумдан иккинчисига ўтиш ҳеч бир замонда ҳам осон кечмаган. Давлатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани ҳам бежиз эмас. Ҳаёт ҳеч кимга ўнғай кечаётгани йўқ. Навниҳол бир давлат бўлсак...

Баъзилар шароитдан нолишга жуда мойил бўлади: у етишмайди, бу етишмайди... Лекин айти шу шароитимиз, худди шу моддий имкониятимиз, мабодо, немис ё япон миллатининг қўлида бўлса, нима қиларди? - деб ўйлайсиз. Очиғи, бир йилда биз кўраётган даромаднинг бир неча баробарига эришар ва тез фурсатларда, эҳтимол, мамлакатни гуллайтиб ҳам юборар эди. Нега? Чунки уларда малака бор, шахс такомиллашган, ақл ривожланган, меҳнат қилиб, ундан фойда кўришнинг самарали йўллари етиб келинган. Улар бозор шароитларида пишган. Қандай

қилиб самарага, олий сифатга эришиш, таннархни арзонлаштириш, нимани нимага уриштира, нима ҳосил бўлишини, нимадан фойда чиқаришни, нимани четга сотишни яхши билади.

Бу билан бошқа халқларни ўзимиздан устун кўраётганимиз йўқ. Мутлақо! Айтилмоқчики, шундай замин, шундай мамлакат ўз қўлимизда эканми, бас, энди шуни ўзимиз ривожлантирайлик, кеча-кундуз қандай қилиб яхшироқ фойда кўриш, нима қилиб бўлса ҳам, ҳар биримиз бир оз бўлсин янгиланиш, ўзимизни ўзимиз ислоҳ қилиш, мамлакатни бу кийин вазиятдан тезроқ олиб чиқишга хисса қўшиш тадоригини кўрайлик.

Акс ҳолда, бизнинг бир халқ сифатида оддий оломондан нима фарқимиз қолади? Унда чет элликлар бизга бир шунчаки тўда деб қарамайдими?

Ахир, кечагина эмасмиди, арзимаган баҳоналар билан тўп-тўп бўлиб кўчага чиққанимиз? Кува, Кўкон, Паркент, Бўка, Талабалар шаҳарчаси воқеалари биз ҳали халқ эмас, оломон бўлганимизни аччиқ қилиб ёдимизга солмайдими? Нега ўшанда ҳар биримиз нима қилаётганимизни, бунинг Ватан ва халқ олдидаги оқибатини ўйлаб кўрмадик? Оломонлик хавфидан тезроқ қутулмас эканмиз, эртага ғаразли ният билан қилинган фитналарга учиб, қандайдир гуруҳлар таъсирига тушиб қолмаймиз, деб ким қафолат беради?

Бу масалаларни очик-ошкор, бирга-бирга фикрлаб кўрадиган давр келмайдими?

Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш жадал амалга оширилаётган бугунги кунда болаларимизнинг етук шахслар бўлиб етишуви учун ҳаммамиз бир бўлиб жиддий ҳаракат қилишимиз пайти келди.

Дунё мамлакатларга бўлинган ва ҳар бир давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб иш юритар экан, ҳар бир шахсда фуқаролик туйғуси камолга етган бўлиши шарт.

Билъакс, Ватан тақдирини кимга ишониб бўлади?

Иккинчи жаҳон урушидан кейин икки мағлуб миллат - немислар ва японлар шундай катта ривожланиш микёсларига етдики, халқнинг ғоят қисқа фурсатлар ичида шунчалар тараққий этганини тарих илгари ҳеч бир асрда қўрмаган.

Эҳтиёж, қаддини тиклаб олиш, ҳаёт талаби, яшаш учун кураш инстинкти уларни шунга ундади.

Бу гапларни бемақсад келтираётганимиз йўқ.

Биз ҳам бугун истибдод даврлари зулмидан қутулиб, мана, ўнинчи йилдирки, ўз йўлимиз дарвозаларини ўзимиз очиб боряпмиз. Бундай имконият халқ тақдирида бир бўладиган ҳодиса. Агар бугун тўғри йўлдан адашмасак, ҳаммамиз миллий истиқлол, буюк келажак яратиш ғояси атрофида бирлашсак, шубҳа йўқки, оломонликдан халқлик сари борамиз. Халқ шунда енгилмас бир кучга айланади. Бу куч мамлакатни гуллайтиб-яшнатиб юбориш қудратига эга бўлади.

Бугун ҳеч ким таълимни батамом мафқуралаштириб юбориш тарафдори эмас. Аксинча, якка мафкура ҳукмронлиги зада қилиб ташлаган тизимни янгилаш, эскилик занжиридан қутулиш кадрлар тайёрлаш сиёсатининг мағзида ётади. Аммо халқнинг чинакам мустақил фикрига эга, онги ривожланган, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаган, ўзлигини топган, ҳуллас, миллий мафқураси мустаҳкам шахслар мажмуига айлантириш ғояси ҳар бир боланинг, ҳар бир фуқаронинг қалбига сингдирилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бутун дунё олдида ҳеч иккиланмасдан: “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат”, - деяётган эканлар, айтиш мумкинки, айнан ана шу бирлашишга умид боғлайдилар.

*А.Бегматов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши академияси, фалсафа фанлари
доктори, профессор,*

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ВА ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Маънавият ва мафкуранинг узвий боғлиқлиги шу масалалар билан шуғулланаётган мутахассисларнинг ҳеч бирида шубҳа туғдирмайди. Лекин бу боғлиқликнинг хусусиятлари, даражаси, қонуниятлари ва таъмоийллари ҳақида аниқ илмий хулосалар ҳозирча чиқарилгани йўқ.

Маънавият ва мафкуранинг боғлиқлиги, аввало, шунда кўринадики, маънавият йўқ жойда мафкура бўлмайди ва маънавият тараққиётининг муайян босқичида мафкура вужудга келади. Ҳамма гап - ана шу босқични тўғри аниқлаш ва ўрганишда. Бу икки ҳодиса боғлиқлигидаги қизиқ қонуниятлардан бири шунда кўринадики, бир томондан, маънавияти юксак инсонлар эътиқод ва мафкурада собит бўладилар, яъни юксак эътиқод, соғлом мафкура ва юксак маънавият ўзаро уйғун ҳодисалардир. Юксак эътиқод ва соғлом мафкура фақат юксак маънавият негизида вужудга келиши мумкин. Иккинчи томондан, носоғлом, бузгунчи мафкуралар, носоғлом эътиқод маънавият тараққиётининг қуйи босқичларида пайдо бўлади. Шу сабабли ҳам турли ақидапараст, экстремист ва террористик кучлар ўз ғояларини ҳали дунёқараши ва маънавияти шаклланиб улгурмаган ёшларга қаратмоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳозирги мафкуравий кураш жараёнида асосий эътибор ва куч ҳали маънан

тўла шаклланиб улгурмаган ёшларни турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилиши лозим.

Мамлакатимизда маънавият ва мафкуравий соҳада олиб борилаётган ишлардаги чуқур мантиқийлик шунда ҳам намоён бўладики, мустақилликнинг дастлабки йилларида маънавиятни юксалтиришга жуда катта эътибор берилди бошланди. Чунки иқтисодиётни ривожлантириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатни жаҳон сиёсати саҳнасига олиб чиқиш каби вазифаларни маънавиятни юксалтирмай туриб амалга ошириб бўлмаслигини Президент И.Каримов ўзи чуқур англабгина қолмай, бу ҳақиқатни барча фаоллар, раҳбарлар, зиёлиларга етказишга ҳаракат қилди. Маънавиятни юксалтириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришилгач, жумладан, миллий тарихни турли бўҳтон ва қатағонлардан тозалаш, миллат гурури бўлган ўнлаб ва юзлаб алломалар хотирасини қайта тиклаш, миллий анъана ва маросимларни халққа қайтариш каби хайрли ишлар маълум даражада амалга оширилгач, миллий мафкура ва миллий истиқлол ғояси масалаларини кун тартибига қўйиш учун маънавий асос яратилди. Албатта, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура масалалари кун тартибига бундан 5-6 ёки 7-8 йил олдин қўйилса яхшироқ бўларди, лекин муаммонинг моҳияти шундаки, у пайтларда бу масалаларни кун тартибига қўйиш учун жамият маънавий жиҳатдан ҳали тайёр эмас эди. Чунки у пайтларда Чор Русияси ва Шўролар томонидан топталган маънавиятимиз эндигина тикланаётган эди. Шунинг учун ҳам Президент маънавиятни юксалтириш масалаларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаган эди.

Маънавият ва мафкура алоқадорлигини таҳлил қилиш, аввало, уларнинг ҳар бири қандай мазмун

доирасига эга эканини аниқлашни тақозо этади. Маънавият ҳодисаси тарихан ва мантиқан мафкура ҳодисасидан олдинроқ вужудга келишини ҳисобга олиб, аввало, шу тушунча доираси ва моҳиятига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ.

Фанда, хусусан, фалсафада бу тушунчанинг кам ўрганилгани, аввало, шунда намоён бўладики, жуда кўп фалсафий тизимларда унга мутлақо эътибор берилмаган, уларнинг асосий тушунчалари - категориялар силсиласида унга ўрин ажратилмаган. Бундай ҳолнинг сабаби эса ижтимоий тараққиётда маънавиятнинг ўрнини илғай билмаслик ёки уни инкор қилишда эди. Марксизм фалсафаси бу тушунчани мутлақо менсимас ва ижтимоий тараққиётдаги унинг урнига эътибор бермас эди. Шунинг учун Маркс фалсафасидаги категориялар тизимида унга ўрин берилмаган эди. Шу сабабли Шўролар даврида фалсафа бўйича босилиб чиққан рисола ва мақолаларда, дарслик ва ўқув қўлланмаларида, ҳаттоки, фалсафий атамалар луғатларида ҳам бу тушунча ёритилиши у ёқда турсин, у, ҳатто, тилга ҳам олинмаганди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг тараққиёт режалари тузилар экан, ривожланишнинг фақат иқтисодий жиҳатларига эмас, маънавият масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бу эътибор фақат назария соҳасида эмас, амалиётда ҳам намоён бўлди. “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, - деб ёзади Президент И.Каримов, - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидар” (И.Каримов. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура”, Т.Ўзбекистон, 1-том, 80-бет). Маънавият масалалари бўйича ўқув режалари ва дастурлар тузилди, ўрта ва олий ўқув юрглари ўқув режаларига маънавият фани киритилди. Тошкентда маънавият ва маърифат маркази тузилиб барча вилоят, шаҳар ва туманларда унинг бўлимла-

ри очилди. 1999 йилда маънавият ва маърифат маркази маънавият ва маърифат кенгашига айлантирилди. Гап бу ерда фақат ташкилот номини ўзгартиришда эмас. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармони чиқарилиб, унда маънавият ва маърифат кенгашининг фаолият йўналишлари курсатилиши билан бирга, унинг ваколатлари ҳам кенгайтирилди.

Маънавиятни ривожлантириш бўйича мамлакатда қатор тадбирлар амалга оширилгани ва оширилаётганини қайд этиш билан бирга, бу тушунчани фалсафий-мантиқий таҳлил қилиш бўйича ҳаракатлар жуда секинлик билан амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Бу мавзу бўйича эълон қилинган бир неча мақола, рисола ва уч-тўртта китобчаларни ҳисобга олинмаса, тадқиқотлар суут олиб борилаяпти. Бир сўз билан айтганда, Президент бошлаган, тамал тошини қўйиб, муҳим жиҳатларини асослаб берган фалсафий тизимни лоақал илмий ўрганишга файласуфлар ва, умуман, жамиятшунос олимлар ҳали-ҳозир астойдил киришганларича йўқ. Бундай вазиятнинг сабабларини эса, бизнинг назаримизда, тоталитар тузум ва тоталитар фалсафа қолипларидан, асоратларидан ҳанузгача халос бўла олмаётганимиздан излаш керак. Шўролар давлати ва марксистик фалсафа маънавиятга менсимай қарар эди. Биз ҳам ўзимизда шаклланиб қолган шу муносабатни кескин ўзгартира олмаяпмиз. Маркс фалсафасида “маънавият” деган категория, умуман, йўқ эди. Президент И.Каримов маънавият қудратли куч экани, жамиятни нурли келажакка усиз етаклаб бўлмаслигини атрофлича асослаб беришдан ташқари, амалиёт соҳасида маънавият бўйича улкан ишларни бошлаб юборганига қарамасдан, фалсафа фанимизда уни илмий-мантиқий таҳлил этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилганича йўқ.

“Маънавият” сўзи қанчалик пурмаъно экани, унинг кўп қирралилиги тўғрисида И.Каримов шундай ёзади: “Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилари, халқ, виждон, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, эркинлик - маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг” (юқоридаги асар, 72-бет).

Фалсафий тизимлар ва адабиётларда кенг қўлланиладиган тушунчалар ичида “маънавият”га энг яқин турадигани “онг” тушунчасидир. Улар ўртасидаги муносабатлар шундай яқинки, маънавиятсиз онг ёки онгсиз маънавият бўлиши тўғрисида гап ҳам юритиб бўлмайди. Лекин, бундан “маънавият” ва “онг”, айнан, бир тушунча, деган хулоса чиқмайди.

Маънавият ва онг ўртасидаги муносабатларни ўрганиш онг таркибига кирувчи бир қатор ҳодисалар билан маънавият муносабатини алоҳида-алоҳида таҳлил қилишга зарурат қолдирмайди. Шунинг учун онг тушунчасининг кўламини ва мазмунини аниқлаб олиш зарур.

Маркс фалсафасида онг деб, биринчи навбатда, модданинг зидди тушунилган эди. Бу талқинда барча руҳий ҳодисалар: интеллектуал, ахлоқий, диний, ҳуқуқий, фалсафий ҳодисаларнинг жаъми лонг таркибига киритилган. Онгнинг муқобили бўлган онгсизлик (рус тилида - бессознательное) ҳам онг таркибига киритилган. Бу ўринда биз онг масаласига марксистик ёндошувни батафсил таҳлил қилиб ўтириш зарурати йўқ, деб ҳисоблаймиз. Фақатгина марксизм онг билан модда ўртасидаги зиддиятни мутлақлаштиргани, бундай мутлақлаштириш эса онг ва модда муносабатини фалсафанинг бош масаласи деб эълон қилиш учун зарур бўлганини айтиб ўтмоқчимиз.

Иккинчидан, Маркс фалсафасида тараққиёт, ривожланиш тўғрисида гап кетганда, аввало, асосан, моддий дунё назарда тутилди. Онгнинг ривожла-

ниши тўғрисида гапирилганда фақат алоҳида шахс, индивид онги назарда тутиларди. Ижтимоий онг дейилганда эса, ундаги турли қарашлар, оқимлар, улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап борар, лекин ривожланиш тўғрисида, деярли, ҳеч нарса дейилмасди. Бунинг боиси марксизмнинг ашаддий моддийчилиги ва руҳий ҳодисаларни менсимаслигида эди. Бундан ташқари, марксистлар онг тўғрисида фикр юритганда уни шакл сифатида олиб қарар, шакл ичидаги мазмун эса эътибордан четроқда қоларди. Бу ҳол, айниқса, ижтимоий онг таҳлил қилинганда кўзга яққол ташланарди. Биз, марксистлар ижтимоий онг мазмунини мутлақо ўрганмаган, демоқчи эмасмиз. Фақатгина ижтимоий онг мазмуни уларнинг диққат марказида бўлмаганини таъкидламоқчимиз.

Ижтимоий онгнинг турли шакллари, номидан ҳам кўриниб турганидек, шакл вазифасини бажарса, уларнинг мазмуни маънавиятни ташкил қилади. Бизнингча, баъзи изоҳлар билан, онгни шакл ва маънавиятни унинг мазмуни, деб қабул қилиш мумкин. Шу билан бирга, маънавият ҳам ўз таркибидаги ҳодисаларга нисбатан шакл вазифасини бажариши мумкин.

Онг билан маънавият ўртасидаги муносабатларни шакл ва мазмунга қиёсан аниқлаш маънавият моҳиятини ўрганишдаги дастлабки қадам, холос. Навбатдаги вазифа эса мазмунга қиёсланаётган маънавиятнинг таркибини аниқлашдир. Бу масаланинг муҳимлиги шундаки, маънавиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли, кўп жиҳатдан, унинг таркибига боғлиқ. Шуниси ҳам борки, маънавият таркиби, шу таркибдаги ҳодисалар салмоғи турли халқлар, миллатлар маънавиятида турлича бўлиши мумкин.

Худди шунинг учун ҳам ҳар бир халқ ва миллат ўз миллий маънавиятига эга экани айтилади. Миллий хусусиятларни ўрганишни миллий маънавиятнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан бош-

лашнинг сабаблари ҳам, бизнингча, худди шундадир.

“Ўзбекистон XXI асрга интилоқда”, деб номланган, Олий мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузасида И.Каримов маънавият тўғрисида шундай деган эди: “Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга давват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан” (И.Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7-том, 1999 йил, 381-бет). Келтирилган жумлада маънавиятнинг функцияларидан ташқари, унинг таркибига кирувчи унсурларнинг асосийлари ҳам санаб ўтилган. Улар иймон-ирода ва виждон кабилардир. Иймон тўғрисида шуни айтиш лозимки, у мусулмон Шарқи фалсафасига хос тушунча бўлиб, унинг бошқа тиллардаги эквивалентини топиш анча мушкул. Бу сўз кенг маъноли бўлиб, у ўз ичига эътиқод, ишонч, поклик сингари ахлоқий жиҳатлардан ташқари, ирода ва садоқат сингари руҳий сифатларни ҳам қамраб олади.

Маънавият таркибидаги муҳим бир қатлам билимлардир. Маънавият билимлар негизида шаклланади. Маъно сўзнинг мағзи бўлгани каби илмнинг мағзи билимдир. Инсонда ёки жамиятда билим қанча кўп бўлса, маънавий юксалиш учун шунчалик мустаҳкам пойдевор яратилган бўлади. Аммо пойдевор ўрнатиш уйнинг битганини билдирмагандай, билимлар миқдори ҳам ўз-ўзидан юксак маънавиятни англамайди. Билим - маънавиятнинг асоси, холос. Бу асосда маънавият иморатини битказиш учун яна қадрият, ахлоқ, дунёқараш, иймон, виждон сингари устунлар, тўсинлар ва бошқа ашёлар керак. Ўрнатилган пойдевор гўзал ва ҳашаматли бино қуриш учун асос бўлиши мумкин. Ўша пойдевор устига келишмаган, бесўнақай, хунук бино ўрнатиш ҳам мумкин.

Билимларнинг маънавиятга таъсири шундаки, улар маънавиятни юксалтиришга хизмат қилиш билан бирга, маънавиятга қарши қаратилиши, унга путур етказиши ҳам мумкин. Масалан, инсониятга жуда катта офат келтирган фашистлар орасида ҳам жуда билимли, фанларни яхши эгаллаганлари талайгина эди. Лекин улар ўз билимларидан инсонлар ва уларнинг маънавиятини, ҳаётини юксакликка кўтариш учун эмас, уларни ерга уриб чилпарчин қилиш йўлида фойдаландилар. Уларни билимдон одам дейиш мумкин, лекин маънавиятли инсонлар дейиш мумкин эмас. Зеро, илм ва билим инсоний қадриятлар ҳамда инсоний ахлоқ билан уйғунлашгандагина юксак маънавиятга асос бўла олади.

Маънавият таркибидаги муҳим ҳодисалардан яна бири эътиқоддир. Эътиқод муайян ғояга, таълимотга бўлган қатъий ишончни англатади. Демак, эътиқод бўлиши учун, аввало, ўша ғоя, таълимотнинг ўзи бўлиши лозим. Ғоя ва таълимотларда одамларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари акс этади. Лекин ғоя ва таълимотларнинг вужудга келиши учун манфаатларнинг мавжудлиги кифоя эмас. Миллий ёки ижтимоий ғоя вужудга келиши учун одамлар ўша мавжуд манфаатларни англашлари ҳам керак. Манфаатларни англаш даражаси эса турлича бўлиши мумкин. Одамлар ва ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини чуқур англаб етгач, бу манфаатларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида ҳам пухта тасаввур ҳосил қилганларидан кейингина миллий ёки ижтимоий ғояни яратиш имкони туғилади. Ижтимоий гуруҳлар мавжуд манфаатларни тўла англамаганлари ва уларни рўёбга чиқариш йўллари тўғрисида етарли билимга эга бўлмаганларида, ижтимоий ғоя яратилган тақдирда ҳам, у кўпчилик онгига чуқур кириб бормайди. Манфаатларни англаш, уларни рўёбга чиқариш йўллари ва усуллари ҳақида етарли билимлар асоси-

да вужудга келган ижтимоий ғоя шу ижтимоий гу-
руҳнинг ҳар бир аъзоси онгига қанчалик чуқур син-
гиб борса, шунчалик мустақкам эътиқод пайдо бўлади.
Эътиқодга таянмаган ва эътиқодга айланмаган ғоя
куруқ сафсата бўлиб қолади.

Эътиқодга айланмаган ғояни ғоя, миллий мафку-
рани эса мафкура деб ҳам бўлмайди. Шунинг учун
ҳам миллий мафкуранинг муҳим жиҳатлари тўғри-
сида гапирар экан, И.Каримов "... миллий мафкура -
бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда
чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир", - деган эди (И. Ка-
римов. Донишманд халқимизнинг мустақкам ирода-
сига ишонаман. // "Фидокор" газетаси, 2000 йил 8
июн).

Эътиқод алоҳида бир фикр ёки хулосага эмас,
одатда, фикрлар ва хулосалар тизими негизида пай-
до бўлган ғоя ёки таълимотга нисбатан шаклланади.
Сиёсий, диний, ахлоқий эътиқодлар худди шу йўсин-
да майдонга келади. Эътиқод маънавият устунлари-
дан биридир. Эътиқодсиз маънавият юксакликка кўта-
рила олмайди. Уни юксакликка қатъий ишонч, мус-
тақкам эътиқодгина элтиши мумкин.

Ишонч ва эътиқоднинг узвийлиги, уларнинг халқ
ҳаётидаги ўрни тўғрисида И.Каримов шундай ёзади:
"Халқнинг шурида ҳамиша, ҳар қандай шароитда
ҳам буюк орзулар, эзгу ниятлар, келажакка, ёруғ
кунларга ишонч яшаб келади. Ана шу ишонч бўлма-
са, мазлум халқларнинг озодлик ва мустақиллик сари
интилиши ва охир-оқибатда юксак тараққиётга эри-
шиши мутлақо имконсиз бўларди.

Бизнинг эзгу интилишларимиз замирида ҳам ана
шундай буюк ишонч бор. Аниқ мақсад йўлидаги бу-
нёдкорлик ишларимиз амалий натижалар бера бош-
лаган, кўзлаган режаларимиз босқичма-босқич рўёбга
чиқиб, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин
эгаллаб бораётган бугунги кунда халқимиз, милла-

тимиз қалбидаги ана шу ишонч ва эътиқод янада мустақамланмоқда” (И.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустақам иродасига ишонаман.// “Фидокор” газетаси, 2000 йил 8 июн).

Маънавият таркиби ранг-баранг ва жуда бой. Бу таркибий қисмларнинг барчасини таҳлил қилиш учун жуда кўп вақт ва куч талаб этилади. Бундан ташқари, маънавият таркибига кирувчи онг, тафаккур, санъат, ахлоқ, адабиёт, дин, эътиқод каби кўплаб тушунчалар фалсафа, руҳшунослик, этика, санъатшунослик, эстетика, адабиётшунослик каби фанларда таҳлил қилинган. Шу билан бирга, маънавиятнинг таркибий қисмларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш бу мураккаб ҳодиса тўғрисида тўла тасаввур бера олмайди. Чунки ҳар қандай бутунлик алоҳида-алоҳида қисмларнинг механик жамланмасидан эмас, уларнинг ўзаро таъсирга кириши натижасида вужудга келади. Маънавият ҳам ўз таркибига кирувчи кўплаб унсурларнинг ўзаро таъсиротга кириши оқибатида шаклланади.

Эътиқод гоё ва мафкурага оддий, жўн ишониш эмас, қатъий, кучли ишонч натижасида шаклланади. Кучли ишонч кучли ҳис-туйғулар таъсирида шаклланади. Инсондаги энг кучли ва юксак туйғулардан бири эса муҳаббатдир. Ёрга, диёрга, халққа муҳаббат шунинг учун ҳам эътиқод таркибидаги энг муҳим унсурлардан ҳисобланади.

Маънавиятда миллий ва умуминсоний жиҳатлар ўзаро уйғун тарзда мавжуддир. Бу уйғунлик маънавият таркибига кирган унсурларда миллий ва умуминсоний жиҳатлар узвий боғлиқлиги билан изоҳланади. Жумладан, ахлоқ, санъат, дин сингари ижтимоий ҳодисаларда ҳам миллий, ҳам умуминсоний жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларнинг мутаносиблиги маънавиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик мутаносиблигини белгилайди. Шунинг учун ҳам маънавиятда-

ги миллийлик ва умуминсонийлик нисбати унинг таркибидаги ахлоқ, санъат, мафкура сингари ҳодисаларда шу жиҳатлар қай мутаносибликда эканига боғлиқ.

Ўзбеклар ахлоқидаги орият, диёнат, катталарга ҳурмат, меҳмондўстлик, меҳнатсеварлик каби сифатлар, ўзбек халқи руҳиятидаги самимийлик, инсоф, бағрикенглик, шарм-ҳаёлилик жиҳатлари, уларнинг ўзбек миллий адабиёти ва санъатида акс этиши биргаликда қўшилиб, ўзбек маънавиятининг ўзига хос хусусиятларини шакллантиради.

Шўролар даврида ўзбек миллий маънавиятининг ҳаётбахш сарчашмаларини халқ тарихидан узиб қўйишга, сунъий ва зўраки байналмилаллаштиришга ҳаракат бўлди. Лекин, бу ҳаракатлар тоталитар тузум кутган натижани бермаган бўлса ҳам, изсиз ўтиб ҳам кетмади. Марказнинг миллат ва халқларни бўлиб ташлаш ва ҳукмронлик қилиш сиёсати амалга оширилиши натижасида миллатнинг муайян қисми руҳиятида ҳасадгўйлик, ичиқоралик, ифвогарлик, ташимачилик, боқимандалик сингари иллатлар томир ота бошлади. Миллий истиқлол қўлга киритилгандан кейин бу салбий сифатлардан қутилиш ва миллий маънавиятнинг ўзаги бўлган миллий ғоя, миллий мафкура атрофида халқни жипслаштириш имкони туғилди.

Инсон ва жамият маънавий ҳаётида мафкура ўзига хос ўрин тутди. Бу ҳодисанинг кучи, қудрати шундаки, у одамларни бириктириши ёки айириб ташлаши, бунёдкорликка отлантириши ёки қиргинбаротга гирифтор қилиши, ёрқин кайфият бағишлаб руҳлантириши ёки зимистон қаърига отгандек тушқунликка учратиши мумкин. Шу сабабли ҳам жамият ҳаётини тушуниш ва ўрганиш учун бу ҳодисани атрофлича таҳлил этиш керак. Маънавиятнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида ўнлаб жилдлик китоблар

ёзиш мумкин. Юқорида бу ҳақда мухтасар баён этилган фикрлар маънавиятнинг мафкура билан узвийлиги масаласини таҳлил қилишга имкон беради.

Президент И.Каримовнинг кўплаб мақола ва рисолаларида мафкура масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ана шу асарлардаги фикр ва хулосалардан келиб чиқиб, мафкуранинг кўп жиҳатларини, жумладан, ақида ва ақидапарастлик билан муносабатини таҳлил қилиш мумкин.

Ҳар қандай мафкура миллат ёки гуруҳнинг жамиятдаги ўз ўрни, атрофдаги миллатлар ва халқларга муносабати, орзу-умидлари, мақсад, эътиқодлари, тасаввурлари, тарихга ва келажакка муносабатларидан иборат. Бу ҳодисалар мажмуини қисқа қилиб, ўзликни англаш, дейиш мумкин. Ҳар қандай таърифда бўлгани каби, бу таърифда ҳам ифодаланаётган ҳодиса - мафкуранинг барча хусусиятлари тўла қамраб олинмаган. Чунки мафкура жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг барча қирраларини қисқа бир таърифда тўла ифодалаш мумкин эмас.

И.Каримовнинг “Тафаккур” журналидаги суҳбатда ана шундай серқирра, ўзгарувчан, ўта мураккаб ҳодиса бўлмиш мафкурани англаш ва тушуниш учун зарур ёндошувлар кўрсатиб берилган. Суҳбатда мафкуранинг беш асосий хусусияти санаб ўтилар экан, унинг муҳим жиҳатларидан бўлган миллатни, жамиятни бирлаштира олиш қобилиятига алоҳида урғу берилади: “...жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ остида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя - мафкура бўлиши керак”.

Суҳбатдан келтирилган мана шу парчада мафкуранинг миллат ва жамият ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этиши лозимлиги кўрсатиб берилган: *у миллатни ва жамиятни ягона ғоя атрофида бирлаштириши керак.*

Ақида билан мафкура ўртасидаги тафовут ва қарама-қаршилиқни билиш учун, аввало, улар ўртасидаги умумийликни аниқлаш керак.

“Ақида” сўзи аксар одамларда салбийроқ муносабат уйғотса-да, аслида у ижобий ҳодисаларни ҳам ифодалаш мумкин. Кундалиқ ҳаётдан мустаҳкам ўрин олган қоидалар ҳам, одатда, “ақида” деб юритилади. Улар, табиийки, турмуш синовидан ўтиб, ҳаёт тамойилларига мос бўлади. Шунинг учун улар кишилар ҳаётида ижобий рол ўйнайдилар. Лекин фанда, назарий соҳада, қоиданинг ақидага айланиши фақат фикрнинг эмас, ҳаракат тамойилларининг ҳам қотиб қолишига олиб келади. Бу фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради. Ақидапарастлик, яъни қотиб қолган қоиданинг мутлақлаштирилиши эса фақат зарар эмас, кўп кулфатлар ҳам келтириши мумкин. Фан тарихи ҳам, дин тарихи ҳам шундан далолат беради.

Чунки ҳар қандай тафовутнинг иккинчи тарафи - умумийликдир. Бу икки ҳодиса ўртасидаги умумийлик эса шундан иборатки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ғоя ёки ғоялар мажмуидан иборат. Ҳар қандай ақида негизида ҳам ғоя мавжуд. Мафкурада эса ғоялар жамланган. Лекин шунинг билан ақида ва мафкура ўртасидаги умумийлик тугайди. Мафкурдан фарқли ўлароқ, ақида - мутлақ ҳақиқат сифатида муайян гуруҳ томонидан эътироф этиладиган ва тарғиб қилинадиган ғоя. У ривожланмайдиган, ўзгармайдиган ғоядир. Мафкура эса ўзгариб, ривожланиб, бойиб борадиган ғоялар йиғиндисидир.

Миллий мафкурани улкан бир дарахтга ўхшатсак,

унинг илдизлари тарихга, қадимиятга кетгани, танази ҳозирги кунда, меваси эса келажакда эканини кўрамиз.

Ақидапарастлик кишилар ҳаётида ортиқча зўриқиш, фожиалар ва ларзаларга сабаб бўлиш билан бирга, маънавий, мафкуравий ҳаётда инқирозга, турғунликка олиб келиши мумкин. Юқорида мафкурани улкан дарахтга қиёс қилган эдик. Шу ташбеҳни давом эттириб, ақидаларни ям-яшил дарахтнинг қуриган шохлари, дейиш мумкин. Бу қуриган шохлар яшил дарахтнинг кўркини бузибгина қолмай, унинг янада камол топишига халақит беради.

Мафкура доимо ривожланиш, такомиллашиш жараёнидадир. Чунки жамият ҳаёти доимо ўзгариш, ривожланиш, бойиш, юксалиш; баъзан турғунлик ва инқироз ҳолатида бўлади. Шу ўзгариш ва ривожланиш мафкурада ҳам ўз аксини топади. Шундай бўлмаса, мафкура қотиб қолади, ақидага айланади, демакки, кишилар ҳаётига тўсқинлик қила бошлайди.

Мафкурани жараён сифатида талқин этар эканмиз, бу жараённинг кечиш мурватлари қандай, деган савол кўндаланг бўлади, яъни ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликлар мафкурада акс этар экан, бу инъикос қандай кечади? Мафкура кўзгу эмаски, ҳаётдаги янгиликларни ўз-ўзидан механик тарзда акс эттирса. Аёллар қўлидаги кўзгу хира тортса, бир “ҳуҳ”лаб артишади ва у яна равшанлашади. Мафкура хиралашса, ҳар қанча “ҳуҳ”лаган билан фойда бермайди.

Мафкуранинг равшанлиги жамиятдаги зиёлилар, айниқса, жамиятшунос олимларнинг фаоллигига боғлиқ. Болари минглаб гуллардан мисқоллаб бол келтиргани каби, жамиятшунос олимлар жамиятда юз бераётган ҳодисаларни чуқур тадқиқ қилиб, уларнинг мафкурада тегишли миқёсда ва тарзда акс эти-

шига ёрдам берадилар. Мафкуранинг яхлитлигини, жозибаторлигини таъминлашда сиёсатчилар, айниқса, сиёсий лидерларнинг ўрни беқиёсдир. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Муқанна қўзғолони ёки сарбаторлар ҳаракати, Дукчи Эшон исёни ёки жадидлар фаолияти ва бошқа кўплаб ҳаракат ҳамда оқимлар шундан гувоҳлик беради.

Тарихий таҳлил сиёсий лидерлар халқнинг, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини, мақсадларини, шу манфаат ва мақсадлар акс этган мафкурани қайдаражада тўла ва чуқур англаганликларига қараб, халқ ҳаётида чуқур ёки юзаки из қолдиришларини кўрсатади. Агар улар халқ ёки ҳаракат мафкурасини кенг қамровда ва теран англасалар, халқ тарихида шунчалик чуқур из қолдиришлари мумкин. Лекин тарихда шундай арбоблар бўладикки, улар мафкуранинг зарурлигини англабгина қолмасдан, уни ривожлантириш, янгилаш, бойитиш йўлларини ҳам белгилай оладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, шубҳасиз, ана шундай лидерлардандир.

И.Каримовнинг кўплаб мақола ва рисолаларида миллий мафкура масаласига катта эътибор берилган. Хусусан, “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида мафкура масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, Президентимизнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари тўлалигича бу масалага бағишланган. Бу жавоблардан кўринадики, И.Каримов миллий мафкура моҳиятини теран англабгина қолмасдан, унинг истиқболдаги ривож ва бойиб бориш йўлларини ҳам кўра олган сиёсий раҳбардир. Ўзбек халқининг омадли халқ экани шунда ҳам кўринадики, унинг юртбошиси теран иқтисодчи, моҳир ташкилотчи бўлиш билан бир вақтда ижтимоий фанлар,

маънавиятнинг йирик назарийтчиси ҳамдир. Президентнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан суҳбати, маънавият ва мафкура мавзусидаги бошқа маъруза ва чиқишлари фикримизга далилдир. Бу уринда биз бир муҳим жиҳатга эътиборни тортмоқчимиз. И.Каримов ўз асарларида ва қайд этилган суҳбатда мафкуранинг тугал назариясини тап-тайёр қилиб бермайди. У бунга уринмайди ҳам. Камтар инсон сифатида баён қилинган фикрлар ўзининг шахсий мулоҳазалари эканини бир неча марта таъкидлайди. Ваҳоланки, бу суҳбатда мафкуранинг етук назариясини яратиш йўллари кўрсатиб берилган. “...Менинг фикримча, - дейди И.Каримов, - мафкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати, деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим”. Мана шу фикрда мафкура шаклланишидаги энг муҳим жиҳатлар чуқур очиб берилган.

Ҳар бир халқ, миллат маънавиятида унинг ўтмиши, бугунги ҳаёти ва келажакка бўлган орзу-умидлари акс этгани каби, унинг мафкурасида ҳам худди шу ҳодисалар ифодаланган бўлади. Бу жиҳатдан, улар ўртасидаги тафовут шундаки, маънавият ўтмишга асосланиб бугун ва эртани тасвирласа, мафкура кўпроқ келажакка йўналтирилган бўлади. Шунинг учун ҳам маънавиятни дарахтнинг илдизи ва танасига қиёсланса, мафкура унинг кўкка бўй чўзган шохларидир, дейиш мумкин.

В. Каримова
Республика “Оила” илмий-амалий Маркази,
психология фанлари доктори

МИЛЛИЙ ҲАЗЛИК ВА ШАҲС ТАРБИЯСИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Миллий истиқлол ғояларини кенг меҳнаткаш халқ оммаси онги ва қалбига сингдиришнинг устувор йўналиши сифатида таълим ва тарбия ажратилганлиги бежиз эмас. Зеро, том маънода таълим-тарбиядаги турли шакл ва кўринишларнинг ўзида мафқуравий тарбия содир бўлади. Миллий истиқлол ғояси концепциясини ҳаётда амалга ошириш иши бугунги кунда Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш билан уйғун тарзда кечаётганлиги ҳам рамзий маънога эга. Чунки иккала хужжатни ҳаёт, амалиётда жорий этишдан қўзланган пировард мақсад - Юртбошимиз таъбири билан айтганда - “иймон - эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялашдан иборат”. (Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз.- Т., 2000, 25 - бет).

Бугун мамлакатимиздаги мафқурачилар олдида турган вазибаларнинг мазмуни ва йўналиши, айнан, Юртбошимизнинг баркамол авлод тарбияси ғояларидан келиб чиқиши табиий. Хуш, бугун бизга, айнан, қандай ёшлар керак? Саволнинг инсон сифатларига қаратилиши бевосита инсоннинг характерологик жиҳатларини назарда тутати. Лекин биз бир

мақола доирасида барча сифат ҳамда фазилатларни санаб чиқиш фикридан йироқмиз. Биз эътиборни шахсда яхлит ижобий фазилатларни шакллантирувчи етакчи, асосий сифатларга ва уларнинг шаклланиш шарт-шароитларига қаратмоқчимиз; бунда баркамоллик фазилатларини шакллантирувчи иккита асосий бўғин - оила ва таълим муассасаларининг ролини таъкидламоқчимиз.

Масалан, оилада чақалоқ туғилса, энг аввало, унинг қулоғига азон айтилади. Бундан кўзланган мақсад - шу янги дунёга келган зурриёт қалбига иймон нури кирсин. Яъни, халқимиз азал-азалдан иймонлиликни инсонийликнинг дастлабки, доимий ва энг муҳим шарти деб билган. Бу билан ота-она, уша оиладаги барча яқинлар боланинг эртанги кунига ишончи бўлиши учун кафолат берганлар. Шунинг учун ҳам арабча сўздан олинган “иймон” сўзи бизнинг тилимизда “ишонч” тарзида тушунилади.

Иймон объектлари, кўпинча, халқнинг фикрлаш тарзидан, халқ виждони ва эътиқодидан келиб чиқадиган тасаввурлардир. Масалан, “Ватанни севмоқ - иймондандир” дейилган. Муқаддас Ҳадиси Шарифларда келтирилган ушбу ғоя ана шундай бахсталаб бўлмаган ғоялардандир. Қулоғига азон айтилган, ота-онасига ишонч ва меҳр билан боқувчи бола онги ва қалбида, энг аввало, ана шу оила, шу остонага нисбатан иймон-эътиқод шаклланади. Шу муқаддас ҳистуйғуни эъзозлаб, боланинг келгуси иш-амалларида оилавий тарбия ва анъаналарнинг аҳамиятини кўрсата билиш эса бола қалбида оиласини қуршаб турган маҳаллага, яқинларга, ёр-дўстларга ишонч, Ватанга нисбатан муҳаббатни шакллантиради. Ана шундай кучли ва барқарор иймон нурлари таъсирида болада кейинчалик ҳаётнинг бошқа жиҳатларига нисбатан ҳам ишонч ва салоқат ҳислари камол топади. Унинг илмга, меҳнатга, ҳалолликка нисбатан шаклланади-

ган ихлоси, меҳри; яқинлари, дўстлари, ёрига муҳаббатининг асосида ҳам ана шу иймон нури ва эътикод ётиши табиий. Демак, мустақил давлатимизга, энг аввало, иймони бутун, қалби тоза инсонлар, ёшлар керак. Ана шундай ёшларни тарбиялаш иши эса оилавий тарбиядан тортиб, то академиялардаги таълим-тарбиянинг асосида ётмоғи зарур. Бу тушунчага фақат диний тушунча сифатида ёндошмаслик керак. Хар кунги фаолиятда инсонларга нафи тегадиган амаллар, савоб ишлар қилиш, солих хулқ соҳиби бўлиш; оиласи, таълим муассасаси, яқинларидан меҳр-мурувватни аямаслик, жамиятдаги хулқ нормаларини қалбан ҳис қилиб, уларни бузмасликка интилиш ҳам иймондан эканлигини унутмаслик керак.

Ватанга меҳр, келажакка ишонч, касбга садоқат тўғри дунёқарашнинг шаклланишига ҳам асос бўлади. Мустақиллик йилларида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз яқинларига меҳрибон ва танлаган йўли - касби, маслағи, эътиқодига содиқликни назарда тутди. Янгича фикрлаш ва тафаккур юритиш айнан мустақиллик мафқураси руҳида тарбияланиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир.

Ёшлик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврлари шахс дунёқарашининг шаклланиши учун энг сезгир, қулай, психологик ибора билан айтганда, сензитив бўлгани учун ҳам бу йўналишда олиб бориладиган ишларимиз Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга ошириш билан уйғун тарзда олиб борилмоқда.

Биз бу ўринда иймонлилик ва теран дунёқарашни шахсдаги яна бир муҳим сифат - ўзликни англашга боғламоқчимиз. Зеро, бу жиҳат миллий мафқурамизнинг асосий тамойилларидан бўлган миллий ўзлик-

ни англаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзликни англаш - бу биздаги ўзимизни ўзимиз томонимиздан идрок қилишимиз, яхши ва ёмон сифатларимизни тўғри баҳолай олишимиз, тўғри ёки нотўғри амалларимизни ички назорат қила олишимиздир. Бу қобилият ёки сифат қачон, қандай шароитда ва қайтарзда шаклланишини билиш ўта муҳимдир. Тасаввур қилинг: инсон боласи дунёга келди. Оиланинг барча аъзолари учун у - “хон, бек, улуғ инсон”. Катта бўлиб борган сари унинг ҳар бир босган қадами, кулгуси, нутқини кўриб катталар завқланади, суйиб унга ўз меҳрларини кўрсатади. Ҳаётида илк қадамлар ташлаб, тетапоя бўлган боланинг ҳар бир ҳаракати катталар томонидан танқидсиз қабул қилинаверади. Бола онги шаклланиб, оқ-корани тушуниб борган сари “ижобий” амалларга бир оз “салбий”лар ҳам қўшила бошлайди. Энди ота-она тилидан ўша “хон, бек”-ка нисбатан ишлатиб келинган эркаловчи сўзлар қаторига “ундай қилма- бундай қилма” каби дашномлар ҳам қўшилиб боради. Шарқ тарбиясининг ўзига хослиги, ўзбекчилигимизнинг хусусияти шундайки, бизда катталар фикрига кичикнинг эргашиши, унга тобелик табиий тарзда қабул қилинаверади. Бу ўринда мазкур жиҳатни мутлоқ яхши ёки ёмон дейишдан ўзимни тийган ҳолда, бу жараённинг давом этавериши болани ўзини ўзи томонидан объектив, ҳолис баҳолашга ҳалакит берувчи омилга айланиб қолишига диққатни қаратмоқчиман.

Ёшлар ўртасида ўтказилган қузатишлар, сўровлар шундан далолат бермоқдаки, ёшлар, хаттоки, талабалар орасида ҳам ўзини-ўзи баҳолашга лаёқат суст экан. Яъни, бола ўзгаларни баҳолашга нисбатан ўзини баҳолашда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради. Нега шундай? Бу нарса бугун биз учун фойдалими ёки зиёнми, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, ўзи ҳақида аниқ тасаввури шакллан-

маган, ўз имкониятлари ва қобилиятларини аниқ билолмаган инсон ҳаётда, у ёки бу нарсага эътиқодда ҳам бир оз оксайди. Мисол учун, олий ўқув юрталарига кириб у ёки бу ихтисосни эгаллашга жазм қилган ёшларни олайлик. Улардан кўпчилигининг ўз иқтидорига, қобилият ва имкониятларига нисбатан тасаввур нотўғри. Бу уларнинг бирон ўқув масканига кириш учун тест синовларидан ўта паст балл олишларида ёки ўқишга киргандан сўнг, мутахассисликка ихлос кўя олмай, ўқишни тугалламасдан ташлаб кетиши ёхуд паст ўзлаштиришида, турли ёт ғоялар домига жуда тез берилишларида намоён бўлмоқда. Бундан ҳам ачинарлиси, мутахассислик бўйича дипломни қўлга олгач, танлаган йўналишда ишлашдан бош тортаётган, турли “фирмалар”га ёлланиб ишга қираётганлар ёки ишга қўл учида киришиб, паст меҳнат маҳсулдорлигига эришаётганлар орамизда йўқ эмас. Ота мерос касбга лаёқати бўлишига қарамай, отанинг орзу-ҳаваси билан узоқ шаҳарга келиб, йиллаб ўқишга киролмай, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлаётган ёшлар ҳам бор. Танқидни нотўғри қабул қилиб, қайнонанинг самимий танбеҳи ёки ўргатишларига тиш-тирноғи билан қаршилик қилиш оқибатида турли можароларнинг келиб чиқаётганлиги ҳам сир эмас-ку? Шуларнинг барчасини диққат билан мулоҳаза қилиб шундай хулосага келаманки, болаларимизда ёшлиқдан ўзига нисбатан ҳолис, объектив муносабатни тарбиялай олмаяпмиз. Шунинг учун миллий истиқлол ғояларининг мазмунида ҳам, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам мустақил дунёқарашга эга бўлган, эркин фикрловчи ёшлар тарбиясига долзарб масала сифатида қаралади.

Психологик кузатишлар, кўплаб ўтказилган изланишлар шуни кўрсатадики, ўзига нисбатан объективлик ўзгаларга нисбатан ҳам сабр-бардошлилик, ҳолисликнинг асосини ташкил этади. Ҳўш, бу си-

фатни тарбиялашнинг услублари қандай? Жавоб, айнан, бу масалада ҳам оилавий тарбия ҳамда турли таълим муассасаларидаги таълим-тарбиянинг уйғунлигидан келиб чиқади. Агар оилада ота-она илк ёш-ликдан боланинг ёш хусусияти, имкониятлари ҳамда қизиқишларидан келиб чиқиб, унинг шахсини, ўзига хослигини тан олиб муносабатда бўлса, бола борган сари ўзига нисбатан талабчан, интилувчан бўлиб бораверади. Айниқса, ривожланишнинг катта боғча ёшида, ўсмирлик даврларида катталар боланинг маълум ташаббусларига йўл бериши, унинг фикрига хурмат билан муносабатда бўлиши, тез-тез “Сен нима деб ўйлайсан?” қабилида унинг фикрига мурожаат қилиши боланинг эркин фикрлаши, мустақил бирор нуктаи назарини баён этишига имкон беради. Тўғри, ота-она боладаги яхши-ёмонни, тўғри-нотўғрини фарқлашда асосий ҳакам бўлиши лозим, лекин қийинчиликлар, хатоликларни таҳлил этишда ҳам ҳамфикрликка чорлаш муҳим аҳамиятга эга.

Агар ана шундай муносабат, бола фикрига, унинг мулоҳаза юритишига самимий эътибор таълим-тарбия масканларида ҳам давом этса, бола фикрлаши эркинлашиб, ўз - ўзига нисбатан баҳолари борган сари аниқлашиб, тиниклашиб боради. Шунинг учун ҳам янгича таълим стандартларида ўқитувчи билан ўқувчининг эркин фикр алмашилишлари, боланинг мустақил тарзда ўз устида ишлаш малакаларини бошланғич мактабдаёқ шакллантиришга катта эътибор қаратилган.

Демак, илғор ғоялар эгаси бўлиш учун бола тафаккурини шундай машқ қилдириш лозимки, токи унинг ёрдамида боланинг кундалик долзарб масалалар, халқ манфаатига хизмат қилувчи солих ишларни амалга ошириш чоралари борасида турли-туман фикрлар юритиш имконияти бўлсин. Бу ҳолат ҳар қандай ғайри табиий фикрларга ўз ўрнида ақл-ид-

рок билан муносиб жавоб бериш, тараққиётимизга ғов бўлувчи ёт ва зарарли фикрларга нисбатан имунитетни шакллантириш, турли хил догматик қарашларга эга бўлган шахслар билан асосли ва танқидий мунозаралар олиб бориб, ўз нуктаи назарининг тўғрилигини тўла асослаш қобилиятини ўстиради.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар маданиятли, маънавиятли, эркин фикрловчи шахсларни тарбиялашга қаратилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бугун шахс ўзлигини англаши, теран дунёқарашининг шаклланиши ва иймон-этикод соҳиби бўлиши учун барча шарт-шароитлар ва замин тайёрланган. Тарбияловчиларга, барча зиёлиларга, бутун мафкурачилар армиясига миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдиришдек олийжаноб вазифа юклатилган. Буларнинг барчасини муваффақиятли амалга ошириш XXI асрда миллий ўзлигини англаган ёшларга - бетакрор маданият ва маънавиятнинг меросхўрлари эканлигини теран англайдиган ёшларга - келажакимиз ворисларига эга бўлишимизга имкон беради.

*М. Қуроно
Республика “Маънавият ва маърифат”
Маркази, педагогика фанлари доктори*

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ ҲАҚИДА

*Эндиликда ядро майдонларида
эмас, мафкура майдонларида бўлаётган кураш-
лар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни
ҳеч қачон унутмаслик лозим.*

Ислом КАРИМОВ

Юртбошимизнинг ушбу фикридан мустақиллигимизни ғоявий, мафкуравий ҳимоялаш уни қўлга қурол олиб ҳимоялашдан ҳам муҳимроқ, деган хулосани чиқаришимиз мумкин. Демак, бугун биз, яъни ижтимоий-сиёсий фанлар вакиллари зиммасига ўта масъулиятли, тарихий, миллий вазифа юкланган. Бу - Ўзбекистонимизнинг мустаҳкам, ишончли мафкуравий ҳимоясини таъминламоқдир.

Ҳар бир жамиятни психологик, мафкуравий ва иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг асосий шартларидан бири - инсон характери, мафкурасини ўзгартиришдир. Лекин, тарихдан маълумки, бу вазифани инсонпарварона ҳал этиш ҳамма вақт ҳам амалга оширилавермаган. Чунки мустамлақачиларнинг зуғумли сиёсати, яққа партиявийлик тамойиллари аксар ҳолларда ушбу муаммони ҳал қилишнинг илмий усулини инкор қилиб келди. Ваҳоланки, халқнинг маънавияти, мафкурасини ўзгартириш қатор маърифий, илмий тамойилларни бажариш орқали амалга ошади. Мустақил Ўзбекистонда миллий маф-

куруни шакллантириш ва тарғиб этиш фанлараро ёндошувга, синтезга таянишни тақозо қилмоқда. Жумладан, мафқуравий тарбияни такомиллаштириш учун, биринчидан, “мафқуравий тарбия ижтимоий педагогик муаммо” сифатида ифодаланиши, иккинчидан, муаммонинг тарғибот ва ташвиқотга оид сабабларини ўрганиш, учинчидан, уларни ечиш учун нималар қилмоқ кераклиги ҳақидаги саволларга бир-галикда жавоб излаш вазифаси турибди.

Биз - ўзликни англаш, тикланиш, юксалиш сабоғини кўрган миллатмиз. Бу дарсни буюк Соҳибкирон ўтган. Ҳозир эса ватанпарварона миллий юксалиш дарсини қайта ўтмоқдамиз. Бу дарс, давр ёшларимизда шонли интеллектуал қудратимизни тиклаши, чархлаши керак. Чунки ХХI асрда инсоният ватанпарвар, амалий заковатга эга миллатга эргашади. Тарихдан маълум: фақат уюшган, амалий-заковатли миллат, миллий давлатдагина инсоният орзу қилувчи барча нарса муҳайё бўлади. Ҳар қандай миллатнинг юксалиши ёки, аксинча, инкирозга юз тутиши ўша мамлакатда ҳар бир шахс, фуқаронинг мафқурасига бевосита боғлиқ. Зеро, ҳар бир инсоннинг фазилат ёки нуқсони нафақат ўзининг, оиласининг, балки миллат, мамлакатнинг саодати ёки халокати-га ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбек халқининг дунёдаги пешқадам миллатлардан бирига айланиши, кўп жиҳатдан, Ўзбекистон мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим тизимида мафқуравий тарбиянинг қандай ташкил қилинишига боғлиқ.

Ҳар бир тингловчи, талаба, фуқарода миллат, миллий ғоя, миллий мафқура ҳақида ўзига яраша билимлар, шахсий муносабат бор. Ҳамма талабанинг мафқураси бир хил, деб ўйласак, хато бўлади. Шу сабабли ҳар қайси аудиторияда маъруза бошида тингловчилар билан қисқа савол-жавоблар ўтказиб, ауди-

ториянинг ўртача савиясини аниқлаб олиш лозим. Кейин аста-секин уларни ўзингиз кўтармоқчи бўлган даражага олиб чиқиш тез кечади.

Бу усулнинг яна бир афзаллиги шундаки, одам ўз қарашларига мос келган нуқтаи назардан бошланган маърузага қизиқади. Масалан, талабалар ўз келажagini (тахминан, беш йилдан кейин) қандай тасаввур қиладилар? Бу савол ҳар кимни, жумладан, талабани ҳам қизиқтириши табиий. Демак, истиқболни кўрсатиб, қизиқтириш, йўналтириш лозим. Ундан сўнг талабанинг келажаги миллий бирликка, Ўзбекистонимизнинг тинчлигига, бу эса, ўз навбатида, ҳар бир кишининг Ватан ҳимоясига шайлигига боғлиқлиги уқтирилади. Ўзига билдирилган ҳурмат ва талаб тингловчи талабаларнинг қулфи-дилини очади. Ҳаяжонлантиради. Тўлқинлантирган, ҳаяжонлантирган маълумот, образли билим хотирада мустаҳкам қолади.

Ташқи мафкуравий таҳдидлар, нисбатан, кўринарли, сезиларли, эшитарли. Шу сабабли улар билан курашиш ҳам, нисбатан, енгил кечади. Лекин ички, ўзимизнинг ватандошларимиздан - ватандошларимизга қарши, ўзимизнинг ўзбеклардан - Ўзбекистонимизга қарши ҳаракат бўлса, буни фош қилиш ҳам, унга қарши курашиш ҳам қийин бўлади. Шу боис Президентимизнинг бундан 6 йил олдин - 1994 йили ёзувчи зиёлилар билан ўтказган учрашувда айтган, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди, деган фикрлари миллий бирлигимизни эҳтиёт қилиш, кўз қорачиғидек асраш учун абдий шиоримиз бўлиб қолмоғи керак.

Вазият миллатни лоқайдлик уйқусидан уйғотиш учун мафкура полигонларига ядро полигонларидан ҳам кучли эътибор қаратишимизни талаб қилмоқда. Бу таълим-тарбияда қандай намоён бўлади? Аввало, халқимизни бўлувчи, бир-биримизни бир-биримиз-

дан ажратувчи совет давридан қолган иллатлар: маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик, уруғ-аймоқчилик, ҳасадгўйлик, қўполлик, бефарқлик; ўзининг миллий, фуқаровий бурчларини англамаслик; кўчада, маҳалла, қишлоқ, бозор, ўқув юрғларида миллий бирлигимизга зарар келтираётган нарсаларга фикр билан, сўз билан, қўл билан ҳар қуни, Ўзбекистоннинг ҳар бир квадрат метрида ҳозир қарши туришимизни ва бунга ёшларимизни ўргата боришимизни талаб қилади. Бу эса миллатпарварлик, ватанпарварлик тушунчаларини кенгроқ тушуниш ва тушунтиришни такозо этади. Яъни, Ўзбекистонни севиш -бу - унинг ерини, географик кенгликни севиш эмас. Ўзбекистонни севиш - бу - Ўзбекистоннинг давлат чегараси ичидаги ҳамма нарсани:

- ҳавоси, суви, тупроғи, дарахти, чўли, боғи ва энг муҳими - узоқ-яқинда турган, юрган ўзбекистонликларни амалда севишдир. Бу миллий мафкуравий бирлигимизни мустаҳкамлашнинг ахлоқий таъинчи бўлади.

Мафкуравий тарбияда, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда миллий ғоя ва миллий мафкурамизни сингдириш ўзига хос сиёсий - педагогик маҳоратни талаб қилади. Муваффақиятнинг бош шarti - маърузачи томонидан далиллар тизимидан фойдаланишдир. Бунинг учун маъруза ҳаққоний, ҳаётий далиллар билан безалмоғи керак. Чунки ҳар бир фуқаро биздан душманларимизнинг ёвуз ниятини ва бизнинг йўлимиз ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам миллий, ҳам халқаро ҳуқуқий меъёрлар нуктаи назаридан ҳақлигини исботловчи янги маълумотлар, янги далилларни кутмоқда. Янги далиллар қўп. Чунки мафкуравий курашлар давом этмоқда. Мафкуравий маълумотлар ҳам янгиланмоқда.

Биз - ўқитувчи-профессорларнинг далиллари ТВ, радио, газета-журналлардаги маълумот ва хабарлар-

дан нимаси билан фарқ қилади? Гап шундаки, ТВ, радио, оммавий ахборот воситалари маълумотларни қайд қилишади, ундан аҳолини хабардор этишади. Биз эса бермоқчи бўлган маълумотни талабаларга маълум мафкуравий билимлар, ҳаёт, ислохотлар билан пайванд қилишга масъулмиз. Ана шунда сиёсий, статистик маълумот, янгилик сиёсий-педагогик омилга - мафкуравий тарбия воситасига айланади.

Ўрганилаётган мавзуни ҳаёт, амалиёт, тингловчининг манфаатлари билан боғлаш - дидактиканинг бош талабидир. Билим, ғоя қанчалик жозибали бўлмасин, агарда талабаларнинг ҳозир - 2000 йилдаги ҳаёти, шодлик ва орзулари билан боғланмаса, у мафкуравий эътиқод, иммунитетни шакллантира олмайди. Чунки талабанинг мафкураси - унинг ҳаётда кўрган, эшитган мафкуравий мисоллари, орзу-ҳаваслари, қизиқишлари ва муносабатларининг намоёниши - инъикосидир. Талаба томонидан миллат, Ватан манфаати учун, миллат қаҳрамонларига тақлид қилиб амалга оширилган ҳар бир хатти-ҳаракат мафкуравий тарбия ютуғидир.

Мафкуравий тарбияни ҳаёт билан боғлашда Сурхондарёнинг Сарйосиё туманида Ватанимизни химоя қилиб ҳалок бўлган 12 ўзбек йигитининг таржимаи холидан фойдаланиш мумкин. Уларнинг талабаларга юртдош, тенгдош бўлганлиги; талабаларнинг тинч билим олиши, ўқиши учун; ота-оналар бахтини, мустақил Ватанни қўриқлаб жон бергани урғуланади. Уларнинг талабаларга ўхшаш томонларига алоҳида тўхталиш лозим.

“Мусулмон биродарлар” ҳаракатининг, умуман, диний ақидапарастларнинг миллат масаласига муносабати, муддаоси қандай? Уларнинг ғояси “Мусулмонлар - бир миллат!” деб, одамларнинг миллий туйғулари, миллий бирлигини парчалаб, пароканда қилишга қаратилган. Мақсад - миллатларни ичидан

парчалаб ташлаб, дин байроғи остида зўрлаб бир-лаштириш.

Вахоланки, миллатлар Оллох иродаси билан, Куръон шаҳодати билан бир-бирларига тенг қилиб қўйилган. Халқларни ўз миллийлигидан ажратиш - бу - Куръондаги миллатлар масаласининг адолатли ечимини очик инкор қилишни англатади. Демак, бугун биз ўз миллатимизни ҳимоя қилсак, Куръонга амал қилган бўламиз. Чунки ўзбеклар - кам, мусулмонлар - кўп. Ўзбек давлати - битта, мусулмон давлатлари - кўп. Улар бизни ўз давлатимиздан, ўз тилимиздан, ўзбеклигимиздан, Ватанимиздан айирмоқчи. Энди ўз озод давлатимизга эга бўлиб, ўзбекларни дунё таниб, тан ола бошлаган бир пайтда яна қуликни бизга илишмоқчи. Мусулмон миллатига кириш учун биз Ватанимиздан, озодлигимиздан, тилимиздан, ўзбеклигимиздан воз кечишимиз керак экан. Бу шартга рози бўладиган биронта ориятли ўзбек топиладими?

Биз мафкуравий кураш, мафкуравий курашлар шароитида яшаяпмиз, ишляяпмиз. Буни, энг аввало, биз - тарғиботчи-ташвиқотчи, мафкурачи профессор-ўқитувчилар билиб, мафкуравий тарбияни кураш режимида кўтаришимиз керак.

Авалло, биз ўз аудиторияларимизда, кафедраларимизда туриб душманларимизнинг қуроолларини тортиб олишимиз керак. Токи бизга, ёшларимизга ўқталган қурол отилмасин, отилса ҳам, тегмасин. Мен мафкуравий қуроолларни назарда тутяпман. Мафкуравий қурол - бу-ғанимларимиз тарқатаётган варақалар, Ўзбекистондаги барқарорликни бузишга ёлланган радиостудиялар, экстремистик адабиётлар, эркак ва аёл даъватчилар тарқатаётган уйдирма гаплардир. Душманни мафкуравий қуролсизлантириш - унинг бизга қарши айтган, айтадиган ғояларини олдиндан пучга чиқариш, аҳолида мафкуравий иммунитетни шакллантириш демакдир.

Бу қандай амалга ошади? Дастлаб уларнинг мақсадлари очик, холис ўрганилиб, бу мақсаднинг ҳар бир ўзбекистонликка қарши қаратилганлиги кўрсатилади. Ундан кейин уларнинг усуллари ўрганилиб, ўзбекистонликларга: “Сизни авраш учун мана бундай усулларни қўллаган киши, билиб қўйинг, сизнинг, бизнинг-барчамизнинг ғанимларимиздир”, -деб уқтирилади. Диний ақидапарастлар содда халқимизни алдаш учун ишлатаётган қуйидаги услубларидан огоҳлантирилади.

Мафкуравий тарғибот самарадорлигини ошириш йўллари излар эканмиз, ҳозир ички мафкуравий тортишувлар кетаётганлигини ҳам инобатга олмоқ керак. Бу нима дегани? Мафкуралар тўқнашуви нафақат динийлик ва дунёвийлик, турли давлатлар ва одамлар орасида, балки ҳар бир кишининг миёсидаги эски ва янгича қарашлар орасида ҳам давом этмоқда. Бир томондан, эскича, миллат учун зарарли фикр, иккинчи томондан, янги, яхши фикр миллат ва ўз манфаатини уйғун қўйишда намоён бўлмоқда. Одам ҳар қандай қарорга келишидан олдин, унинг онгида фикрлар олишуви кетади. Бизга янги, истиқлолий фикр ғалабаси керак. Бунинг учун мафкуравий вазиятлар қанча кўп, тез, ранг-баранг вазиятларла кўрсатилса, одамларнинг мафкуравий хушёрлиги шунча оша боради. Бу эса ёмонликни, мафкуравий мухолифларимизни кучсизлантиради, куросизлантиради. Содир этилиши мумкин бўлган қатор мафкуравий оғиш, иродасизлик, жиноят, конунбузарликнинг олди олинади. Яхшилик, тўғрилиқ ғалабаси таъминланади.

Ана шу усуллардан бири миллий ғоя, миллий мафкура моҳиятини талабаларга кўрсатиш, тасвирлашдир. Шу пайтгача бу ғоялар матн парчаси сифатида ё ёзиб, ёки ўқиб, ёхуд иккаласини бирга амалга ошириб келинмоқда. Бу усул ҳам самарали. Лекин

тарғибот-ташвиқот услублари илмий-педагогик асосга қурилса, уларнинг самарадорлиги бир неча баробар ошади. Мафқуравий мисолларни тасвирлаш, кўрсатиш усулида миллатга, тараққиётга зарарли мисолларни типиклаштириб, ўтқир танқид қилиб; фойдали мисолларни типиклаштириб, рағбатлантириш лозим. Бу усул ёмонликни оғзаки уқтирмайди, балки ёмонликнинг нима учун ёмон эканлигини, яхшилиқнинг нима учун яхши эканлигини маҳаллий мисоллар орқали кўрсатади. Натижада “юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши” эффекти содир бўлади. Чунки одамнинг табиати шундайки, у, энг аввало, эшитганига эмас, кўрганига ишонади. Масалан, лоқайдликни олайлик. Бунда тарғиботчи лоқайдликнинг муаллим, фермер, тадбиркор, фахрийлар, ёшлар, аёллар учун қандай зиён келтиришини тасвирлаб кўрсатади. Мақсад - маъруза тугаганидан кейин, аввало, тингловчиларнинг ўзлари лоқайдликка йўл қўймасин. Ундан ҳам яхши натижа - лоқайдликни ният, сўз, қўл билан тўхтатишга тайёр бўлишсин.

*М. Куронов
Республика “Маънавият
ва Маърифат” Маркази,
педагогика фанлари доктори*

ЁШЛАР ВА ОИЛА МАЪНАВИЯТИДА КУТУБХОНАЛАРНИНГ РОЛИ

“Миллий истиклол мафкураси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида кутубхона, театр, клублар, музейлар ва бошқа муассасалар фаолиятидан кенгроқ фойдаланиш, кишилар дунёқарашини юксалтирадиган, одамларга рухий-маънавий озиқ берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги алохида қайд қилинган.

Инсоннинг ўзи ҳаракат қилиб, қизиқиб англаган ҳақиқат, гоё унинг ҳаётига кучли таъсир кўрсатади. Мафкуравий мавзулардаги китобларни мустақил мутолаа қилиш мустақил фикрлаш, у ёки бу масалага танқидий, тахлилий ёндошувга ўргатади; китобхонга турли нуқтаи назарларни бир-бирига солиштириш, далилларнинг қанчалик ишончли эканлигини қайта-қайта текшириш, ўзининг ва муаллифларнинг нуқтаи назарларини муқояса қилиб, миллат ва ўзи учун фойдали хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Мустақил мафкуравий ўқувлар учун энг муҳим ва бирламчи манба сифатида Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари алохида ўрин тутди. Президентимиз асарларини ўқиш миллий истиклол мафкураси назарияси ва унинг ижодий ривожланишини, тадрижини англашга ёрдамлашади. Бу эса жаҳонда ва Ўзбекистонимизда кечаётган мафкуравий жараёнларни тўғри тушуниш ва тўғри талқин қилиш мак-

таби вазифасини ўтайди, китобхонни ижтимоий ҳаёт қонуниятларини мантикий фикрлаш, миллий истиқлол ғоясини мустаҳкам далиллар билан химоя қилишга ўргатади.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини халқимиз қалби ва онгига сингдириш воситалари кўп. Кутубхона шулардан биридир. Тўғри, асримиз сўнгига келиб ғояни оммалаштиришнинг анъанавий, қадимий воситаси - китоб бир оз ўз аҳамиятини йўқотгандай кўринади. Лекин, бу янглиш фикр. Чунки, тажрибалар кўрсатишича, китобнинг шундай ғоявий тарғибот имкониятлари борки, улар бошқа воситаларда учрамайди. Масалан, радио-телевидение кўзга ва қулоққа таъсир қилади. Образлар орқали кўрсатади. Лекин, биринчидан, у томошабиннинг хоҳишига, интеллектуал, рухий тайёргарлигига боғлиқ эмас; иккинчидан, томошабин тушунмаган жойини такроран кўра олмайди; учинчидан, ўзи билан олиб юриб у ёки бу манзилда, вақтда мурожаат қила олмайди, бирор ғоя, фикрнинг мағзини чақиш учун белгилаб, иктибос олиб, таяниб бўлмайди. Бу имкониятларнинг барчаси китобда мужассам.

Ана шунинг учун ҳам китоб миллий истиқлол ғояси тарғибот ва ташвиқотининг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолаверади. Шундай экан, ёшларимизда китоб ўқиш маданиятини шакллантириш долзарб педагогик вазифага айланади.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига дахлдор адабиётларни ўқишнинг ўзига хос талаблари бўлади. Жумладан, ижтимоий-сиёсий, чет тиллардан ўзлашган тушунчалар; нотаниш сўзлар ёки китоб ёзилган даврда (агар китоб тарихий мавзуда бўлса) кенг қўлланилиб, ҳозир истеъмолдан чиқиб қолган сўзлар учраши табиий. Бундай ҳолларда ўқитувчилар, кутубхона ходимлари китобхон ўқув-

чиларга “Ижтимоий-сиёсий, мафкуравий луғат” тутиб боришни тавсия қилишлари лозим. Масалан, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида қўлланилган глобал, космополитизм, полигон, ... каби сўзлар маъноси пухта ва қисқа ёзиб борилса ва турли контекстларда камида 15 марта қўлланилса, ҳар қандай янги нотаниш сўз ўқувчининг ишчи сўзига айланиб қолишини уқтириб туриш лозим.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Чет тиллардан ўзлашган, бундан кейин ҳам кириб келиши ва қўлланиши тараққиёт талабига айланган сўзларга муносабат қандай бўлиши керак? Назаримда, ҳар бир ўзбекистонлик ўрганган янги фойдали сўз - миллат маънавиятига қўшилган бир илмий зарра. Демак, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий тушунчаларнинг фақат ўзимизда бор бўлган ҳажми билан чекланиб қолсак, жаҳонда кечаётган мафкуравий жараёнларни англаш, баҳолашда ортда қолишимиз мумкин. Бунинг олдини олиш учун кутубхона ва мактабларда ҳам жаҳон, ҳам миллий мафкуравий жараёнларни акс эттирувчи тушунчалар луғатини ўқувчиларнинг кўзи кўп тушадиган жойларда деворий газета шаклида ташкил қилинса, айти муддао бўлар эди.

Кутубхона - миллатнинг энг яхши, илмсевар фарзандлари ихтиёрий равишда илм истаб келадиган даргоҳ. Шу сабабли мактаблар, ўқув юртлири билан ҳамкорликда китобхонларнинг фаол, ташаббускорларини тўплаб, улар билан “Ёшлар ва миллий тараққиёт” мавзусида мафкуравий тўғарақлар ташкил қилиш мумкин.

Мавзунинг асосий ғояси ҳар бир авлод учун муқаддас қадрият- ўз ота-боболари яратган бой тажрибани ўрганиш, ўз ақли, меҳнати ва ғайрати билан миллат шарафини юксалтириш бўлмоғи керак.

Мақсад - китобхон ёшлар дунёқарашига миллий

истиклол ғоясининг асосий тушунчалари ва тамойилларини сингдириш орқали уларнинг миллий истиқлолий эътиқодини мустаҳкамлашдир.

Мафқураси мустаҳкам Ўзбекистон ёшлари қандай бўлмоғи керак? Уларни бошқа лоқайд, бепарво тенгдошларидан қайси фазилатлари ажратиб туриши керак?

Мафқураси мустаҳкам Ўзбекистон ёшларида мустаҳкам истиқлолий эътикод билан ўзларини ҳам, атрофдагиларни ҳам мафқуравий лоқайдликдан олиб чиқиш учун зарур билим, фазилатлар; ички ва ташқи мафқуравий таҳдидларга қарши фидойилик билан ҳар куни, ҳамма жойда фаол курашга тайёрлик; характерида миллатпарварлик, ватанпарварлик, ҳар бир ҳодиса, воқеага миллий манфаатлар нуқтаи назаридан қараш каби сифатлар қўриниб туради. Бунинг учун биз ёшларни босқичма-босқич мафқуравий тортишувлар майдонига олиб кириб чиниқтиришимиз керак.

Мафқураси мустаҳкам Ўзбекистон ёшларининг зидди - лоқайд, бепарқ ёшлардир. Танқид қилинмаган иллат қўпаяди. Шу сабабли лоқайд, бепарқ ёшларни танқид қилишга қаратилган стенд, деворий газеталар кутубхоналарнинг мафқуравий тарбия маскани сифатидаги ахамиятини, ролини янада оширади. “Мафқуравий полигонларда” мавзусидаги стендлар, газета ва журналларда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига бағишланган мақолалардан намуналар китобхонларнинг мамлакат мафқуравий ҳаётидан хабардор бўлиб туришларига хизмат қилади.

Мамлакатимиз мустақиллиги туфайли чет эллар билан иқтисодий, маданий алоқалар ривожланди. Ватанимизга sanoat, ишлаб чиқариш моллари билан бирга мафқуравий маҳсулот турларидан бири - китоблар ҳам кириб кела бошлади. Тўғри, ҳуқуқ-тартибот органларимиз томонидан диний экстремистик, бузғунчи адабиётлар кириб келишининг олди олинди. Аммо

ғоявий саёз, эски, баъзан эса ёт ғояларни ташувчи адабиётлар ҳам учраб туради. Шунинг учун барча маданий-маърифий муассасалар сингари кутубхоналар, айниқса, ўқув юртлари кутубхоналарида турли анжуманлар, лавра суҳбатлари, бахс-мунозаралар, учрашувлар уюштириш, миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳиятини ҳар бир ижтимоий қатламга тушунарли тарзда изоҳлаб берадиган қўлланма ва тавсиялар тайёрлаш, айниқса, муҳим.¹

Ўқувчиларга китобни ғоявий таҳлил қилиб ўқишни ўргатиш керак. Айниқса, ижтимоий-сиёсий асарларни таҳлил қилишда, кўпинча, назарий ёндошувлар учраб туради. Натижада ўқувчилар назарий даражада бирор ғоя, ижобий қаҳрамонни қизғин ёқласалар-да, кўчада, амалий -ҳаётий вазиятларда ўзлари билмаган ҳолда зид хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин. Нега шундай бўлади?

Болалар китобхонлиги, агарда, устоз ёки кутубхона ходимлари, ота-она томонидан рағбатлантириб, бошқариб турилмаса, олган ижобий билимлар назарий даражада қолиши хавфи бўлади. Чунки уларда шахсий мулоқот, жамода яшаш тажрибаси, қиёслаб таҳлил қилиш малакалари етишмайди. Шу сабабли: 1. Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойилларини ўқувчилар онгига сингдириш масаласига табақалаштириб ёндошмоқ зарур. Бироқ бу ҳам мақсадга эришишни тўла таъминлай олмайди. Миллий ғояларимиз, миллий қаҳрамонларимиз, улуғ сиймоларимиз ибратлари ҳозирги ёшларимиз ҳаётида ҳар куни намоён бўлиши учун устоз, синф раҳбарлари ва кутубхона ходимлари орасида ҳамкорлик тақозо этилади. Ана шунда китобдан ўқилган ғоя моҳияти ва ўқувчи хулқ- атвори орасига кўприк қўйилади. Билим ва унинг амали тута-

¹ Миллий истилол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., Ўзбекистон, 2000 й. 41- бет.

шади. Масалан, Она ҳақида бийрон шеър ўқиб, уйида эса онасига дағаллик қилиш ёки Ватан ҳақида иншо-ни дундириб, лекин кундалик ҳаётда уни қандай се-вишни билмаслик ҳоллари бартараф бўлади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. У ўсмирлар китобхонлигининг катталар китобхонлигидан фарк қилишига оид салбий мисолларни ҳам кўрсатади. Гап ўсмирларнинг китоб қаҳрамонларига кўр-кўрона тақ-лид қилишлари ҳам мумкинлиги ҳақида кетмоқда. Ма-саланинг долзарблиги ҳозир кенг тарқалган детектив адабиётлар дунёсида янада ошади. Ўсмирлар ўзларига ёққан қаҳрамонларнинг барча хатти-ҳаракатларини маъқуллайдилар, ёқтирадилар, оқлайдилар. Чунки улар-да тақлид, таъсирланиш тормозланишдан кучли. Куч-ли рухий таъсирланиш бош мия ярим шарларидан айри, “маслаҳатлашмай” содир бўлади. Натижада ўсмирлар жиддий хатоларга ҳам йўл қўядилар. Китоб таъсиридаги ўткинчи иштиёқ туфайли содир бўлган айрим тарихий мисоллар ҳам бор. Бунга машҳур фран-цуз адиби Жюл Верн ўсмирлигида Д.Дефонинг “Ро-бинзон Крузо” асари таъсирида саргузашт қидириб, уйдан қочиб кетганлигини келтириш мумкин. Хуллас, детектив китоблардаги ёрқин образ, сюжетлар таъси-рида ўсмирларда пайдо бўлувчи ўткинчи иштиёқ улар-ни баъзида асосий вазифалари - ўқиш, меҳнатдан чал-ғитиши ҳам мумкин экан. Ана шунинг учун ҳам ўқув юртлари ва кутубхоналар ўзaro узвий миллий тарбия-вий ҳамкорликда ишлаб, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида белгилаб берилганидек, миллий ғояни тараннум этишга, истиқ-лол мафқурасига зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга, айниқса, эътиборни кучайтиришлари, ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр қашшоқлиги-га қарши курашиб, баҳс-мунозара, тақлид ва таҳлил-лар орқали мафқуравий муҳитнинг соғлом бўлишига хизмат қилишлари зарур.

О.Б. Ота-Мирзаев
“Ижтимоий Фикр” Маркази,
география фанлари доктори, профессор

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАҒКУРАСИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бугунги кунда файласуф, социолог, тарихчи, сиёсатшунос, психолог, педагог олимлар ва барча ижодий зиёлилар олдига миллий истиқлол мағкураси концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги масалани қўймоқда. Ушбу муаммони ҳал этишда жамоатчилик фикрини ўрганувчи социологлар муҳим ўрин тутадилар.

Жамоатчилик фикри социологияси социология фани ва амалиётининг энг муҳим соҳаларидан биридир. Бу соҳа нафақат жамият ҳаётий фаолиятининг энг долзарб ва аҳамиятли жihatлари бўйича жамоатчилик фикрини ўрғанади, балки соғлом жамоатчилик фикрининг шаклланишига ҳисса қўшади ҳам. Ҳозирги пайтда эса мамлакатимизда миллий мағкура соҳасида жамоатчилик фикрини шакллантиришдан ҳам муҳим вазифа йўқ.

Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ўз фаолиятининг биринчи куниданок миллий истиқлол мағкурасини маънавият ва маърифатнинг энг муҳим жабҳаси сифатида шакллантириш муаммоларига бевосита эътибор қаратиб келмоқда. “Ижтимоий фикр” Маркази маънавият ва маърифат соҳасидаги социологик тадқиқотларининг методологик асоси бўлиб истиқлол миллий мағкурасининг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва қўллаб асар-

лари ҳамда чиқишларида кенг тарғиб қилинаётган асосий тамойиллари хизмат қилмоқда.

2000 йил 6 апрелда Оқсаройда миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз тарбия ва маънавий масалаларида, маънавий ҳаётда, миллий манфаатларимизга мос сиёсатни изчил амалга оширишда ўз йўналишимизни йўқотмаслик учун ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз зарурлигини таъкидлади. “Бугун бизга миллий ғоя ва миллий мафкура ҳаво каби, сув каби зарур”, – уқтирди Ислоҳ Каримов.

Миллий истиқлол мафкураси миллатни бирлаштирадиган, бутун халқни жипслаштирадиган ягона байроқ бўлувчи асос – миллий ғояларга таяниши зарур. Фикримизча, бизнинг жамиятда миллат, жамият ва давлатни бирлаштирувчи бундай байроқ бўлиб икки миллий ғоя ҳисобланади:

1. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон ва ўзбек халқи дунёда ўзига муносиб ўринни эгаллаши.

Бу икки асос ғоялар миллий истиқлол мафкурасини шаклланишининг методологик ва илмий-амалий асоси бўлиб, улар доирасида миллий истиқлол мафкурасининг устувор йўналишлари аниқланади.

Мустақил Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси концепциясининг энг муҳим жиҳатлари, уни шакллантиришнинг устувор йўналишлари қайсилар? Фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш асосида теран миллий ўз-ўзини англаш туйғуси ётиши керак.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз миллатига мансублигининг ички туйғусига эга бўлиши керакки, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўз халқи билан маънавий бирлик туйғусида;

- инсоннинг ўзи туғилган ва аجدодлари яшаган юртга муҳаббатига;
- ўзи гаплашадиган ва фикр юритадиган она тилида;
- ўз халқи, унинг тарихи учун ифтихор туйғусида;
- миллий урф-одатлар, анъаналарга таянувчи ҳаёт тарзи, маданияти ва бошқаларда.

Инсоннинг миллий ўз-ўзини англаши фуқаролик туйғуси, ўзи фуқароси бўлган мамлакатдан фахрланиш туйғуси билан уйғунлик касб этиши зарур.

Иккинчи. Ўзбекистон — кўпмиллатли мамлакат, юртимизда сон жиҳатдан катта ва кичик бўлган 136 миллат вакиллари яшайдилар. Шунинг учун миллий мафкурани шакллантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири жамиятимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдир. Бунда Ватанимизда мавжуд бўлган миллатлараро тотувликка, халқимизнинг бағри кенглиги, сабр-тоқатлилиги, унинг юксак маънавиятига таяниш зарур.

Учинчи. Ўзбекистон — бой тарихий ўтмишга, ўзбек халқи эса миллий қадриятларга, теран урф-одатлар ва анъаналарга эга. Ўзбек миллати жаҳон цивилизацияси хазинасига салмоқли ҳисса қўшган. Мустақил Ўзбекистоннинг миллий мафкураси миллий, шу жумладан, диний қадриятлар, халқнинг бой тарихий анъаналари асосида шаклланиши холда, жаҳон маданияти ва тараққиёти ютуқларини, умумбашарий қадриятларни эгаллашга ва уларни бойитишга ёшлар ва аҳоли эътиборини қаратмоғи зарур.

Тўртинчи. Ўзбекистон аҳоли таркибидаги ёшларнинг салмоғи билан ажралиб туради. Бугунги кунда мамлакатимизда 24,5 млн. дан кўпроқ аҳоли яшайди, улардан 65% дан ошиғи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Шу туфайли миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг муҳим йўналиши ва амалий вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясидир. Маъ-

лумки, Президентимиз ушбу масалага фавкулудда катта аҳамият бериб келмоқда. Ислом Каримов: “Биз ёш авлодни қандай ғоялар ва мафкура асосида тарбияламоғимиз керак? Ёшлар қандай ғоя асосида таълим-тарбия олишлари зарур, қандай орзу-умидларга интиладилар? Қандай мафкура ва тафаккур уларнинг куроли бўлиши зарур?” — деган масалаларни қўймоқда. “Тафаккур” журнали мухбирининг саволларига жавоб бера туриб, Президент: “Миллий ғоя олий маънавий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда ёш авлодни ватанпарварлик, ўз юрти ва Ватанига садоқат руҳида тарбиялашдек олижаноб ишда донолик ва куч манбаи бўлмоғи керак”, — деб таъкидлаган эди.

Мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш бўйича юқорида айтиб ўтилган барча йўналишлар доирасида “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази бутун мамлакатимиз бўйлаб комплекс социологик тадқиқотлар ўтказиб келмоқда. Уларнинг айримлари мавзуларини келтириб ўтиш кифоя: “Миллий ўзлик”, “Миллий ва умуминсоний қадриятлар”, “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий фаоллиги”, “Диний эътиқод”, “Оила ва маънавият” ва бошқалар.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, халқимиз мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини қадрлайди, етарли даражада фуқаролик ва ватанпарварлик туйғусига эга, Ўзбекистоннинг келажагига ишонади. Шу билан бирга, аҳолининг миллий ўз-ўзини англаш, ёшларнинг маънавий тарбияси ва ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, диний экстремистик хавфнинг олдини олиш масалаларида маълум бир муаммолар мавжуд.

Ишончим комилки, Президентимиз мустақил Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси концепциясини тайёрлаш бўйича белгилаб берган вазифа яқин вақт ичида ҳал этилади. Бугунги ва истиқболдаги энг долзарб муаммо ушбу мафкуранинг асосий тамойилларини ҳаётга кенг миқёсда татбиқ этишдан иборат. Миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистоннинг барча аҳодиси, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг қалби, юраги, тани ва қон-қонигача қабул қилиниши зарур. Фақат шундагина миллий истиқлол мафкураси миллатнинг, жамиятнинг, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи ва бизнинг буюк келажагимизнинг асоси бўлиб қолиши мумкин.

*Д. Алимова
Ўзбекистон Фанлари Академияси,
Тарих институти,
тарих фанлари доктори, профессор*

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: ТАРИХ ВА УНИНГ САБОҚЛАРИ

Миллий истиқлол ғояси ва мафқураси тушунчасини уларнинг тарихини билмасдан туриб тасаввур қилиш жуда хийин. Чунки ҳар бир янги пайдо бўлган фикр ўз тарихига эга. У ҳар қанча янги бўлмасин, тарихий тажрибани инкор қилса, ривож тополмайди. Миллий истиқлол ғояси эса бутун бир миллат, халқ манфаатига мос келиши, тарихий тажрибаларга асосланган бўлиши лозим. Мамлакат Президенти И.А.Каримов айтганларидек “миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ана шу буюк ғояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири - катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир”. Биз қўп асрлик тарихимизга мурожаат қилиб, унда у ёки бу шаклда акс этган ва даврий хусусиятга эга бўлган миллий ғоялар моҳиятига оид ҳолатлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бунинг учун, авваламбор, миллий ғоя ва миллий мафқура тушунчаси ҳақида тўхталсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Миллий ғоя ўзи нима: танлов, қасамёд, дастурми ёки вазифами? Бу тушунчаларнинг ҳар бири миллий ғоянинг таркибий қисмларидир. Ўз миллий ғоясини англаб етиш - миллий ўзликни англаш, миллат иродасини тарбиялашдир, чунки у шунчаки тушунтириладиган ва эслаб қолинадиган оддий формула эмас, миллий ғояда миллат томонидан белгиланган вазифалар акс этади, уларни бажариш учун эса

ишонч ва қатъият талаб қилинади. Шу билан бирга, миллий ғоя қуруқ ижтимоий-статистик ўрганиш мавзуси бўлмай, воқеликни тарихий тажрибага асосланган ҳолда маданий-фалсафий таҳлил қилиш на-тижасидир.

Миллий истиклол мафқураси нима учун зарурлигини ва миллий ғоя билан миллий мафқура ўртасидаги фарқ нималардан иборат эканлигини қараб чиқайлик. Миллат улкан тарихнинг субъекти сифатида ўз миллий ғоясига таянмасдан ривожлана олмайди. Миллий ғоя — бу — шундай тамойилки, ҳам ички, ҳам ташқи миллий сиёсат унинг асосига қурилади. Давлат ана шундай тамойилга эга булсагина, ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини, ички сиёсий, ижтимоий ва маданий дастурлари хусусиятини белгилаб чиқиши, қуrolли кучлар тизими ва хоказоларни ривожлантириши мумкин. Давлат миллий ғояга эга бўлмай туриб, тарихий мавжудликнинг жўшқин уммонида гўё компасиз юргандай бўлади, ҳаётнинг барча соҳаларини ислох қилишни ғоявий таъмин этувчи дастурга, тарихий-сиёсий тараққиёт йўналишига эга бўлмайди.

Ф.М. Достоевскийнинг таъкидлашича, “Олий ғоясиз на инсон, на миллат яшолмайди”.

Биз мустақил давлатимизнинг тўққиз йиллик тарихига мурожаат қилар эканмиз, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар ва маданий-маънавий ҳаёт соҳасида қарор топган ўзгаришлар тизими орқали мустабид тузумнинг қолдиқларини барҳам топтиришга, демократик қонунлар асосида адолатли ва тўлақонли яшашни таъминлашга қодир кучли давлат бўлишга қатъиян интилганлигига гувоҳ бўламиз. Бир сўз билан айтганда, Республика Президенти И.А. Каримов асос солган, 1991-2000 йиллар мобайнидаги барча чиқишларида ва асарларида баён қилган миллий ғоянинг (қаранг: И. Каримов. Миллий маф-

кура ҳақида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000 й.) заминини давлат мустақиллиги, унинг мустаҳкамла-ниши, адолат, қонунлар ва конституциянинг усту-ворлиги; куп асрлик тарихий негизга эга бўлган маъ-навий қадриятларимиз ва миллий анъаналаримизни ривожлантириш, халқимизнинг ўзига хос табиий ва интеллектуал ресурслари асосида буюк меросимиз-ни дунё цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш, ёшларни ана шу тамойиллар асосида тарбиялаш ташкил этади.

“Миллий мафкура” тушунчаси кенг қамровли ту-шунча бўлиб, миллий ғоя унинг ўзаги ҳисобланади. Миллий мафкура миллий ғоя теварагида шакллана-ди, жамият ва мамлакат ҳаётининг маданий-маъна-вий йўналишларидан тортиб сиёсий йўналишлари-гача бўлган барча соҳаларини қамраб олади. Улар-нинг фарқи шундан иборатки, булар ягона организи-мнинг таркибий ва ўзаро бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган қисмларидир. Миллий мафкура миллий ғояни озиклантиради, уни мустаҳкамлайди. Миллий ғоя идеалнинг қарор топишидир, идеал эса мафку-рани миллатнинг ҳақиқий, адолатли, муқаддас яшаш тарзи ҳақидаги олий тасаввурлари билан бойитади.

Юқорида айтилганлардан шундай савол келиб чиқади: нима учун биз миллий ғояни миллий-давлат ғояси деб атай олмаймиз? Ахир, бутун миллатга, бутун мамлакатга тааллуқли бўлган ғоя давлат кўма-гисиз ривожлана олиши ва, умуман, мавжуд бўли-ши мумкинми? Гап шундаки, бундай ғоя давлат кўма-гига таяниши ва қўллаб-қувватланиши мумкин, ле-кин Юртбоши томонидан таклиф этилиб, халқ ора-сида муваффақиятга эга бўлган тақдирдагина у ҳаётий бўлади ҳамда халқ ва унинг раҳбари ўртасидаги боғ-ловчи бўғин бўлиб қолади. Фақат шундагина унинг муваффақияти кафолатланади.

Тарихдан сабоқлар оладиган бўлсак, шуни эсла-

шимиз лозимки, Ватанимизда миллий ғоя ва миллий мафкура салкам уч минг йиллик тарихга эга. Эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларида яратилган “Авесто”да биринчи бор эзгулик ғоялари, яхшилик билан ёвузлик ўртасидаги кураш, яхшиликнинг устун бўлиши ғояси илгари сурилган. Бунинг ёркин далили сифатида “Авесто”да учрайдиган муқаддас хиссиётлар маъносини билдирадиган ўзбекча бахт, нажот, посбон, обод, меҳр, куш, мард, замин, мардона, дўст ва бошқа сўзларни келтириб ўтиш кифоя. Тадқиқотчилар бу сўзлар Авестода ва Ўзбекистон мадҳиясида мавжудлигини таъкидлашса, биз буни тасодифий бир факт эмас, балки бир-бири билан узвий боғланган, ажодларимизнинг эзгулик ғояларига асосланган тарихий ва табиий мезон деб хулоса қиламиз.

Ватанпарварлик руҳига асосланган жипслашиш ғояси халқимиз узоқ тарихининг барча даврларида намоён бўлган. Турон халқларининг милоддан олдинги VI-V асрларда Ахмонийлар босқинчилигига қарши кураши, Спитамен, Тўмарис бошчилигидаги кўзғолонлар халқнинг Ватан озодлиги йўлида бирлашишга қодир эканини кўрсатди. Шунингдек, Мовароуннаҳрда VII-VIII асрлардаги араб истилосига қарши Абу Муслим, Муқанна раҳбарлигидаги мустақиллик учун халқ кўзғолонлари ажодларимизнинг ўзлигини англаш даражаси, маънавий қудрати, ўз юртига муҳаббати нақадар юқори поғонада бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларда бу ғоялар ислом эътиқоди билан бойиди ва унга асосланди. Ислом дини тўлақонли хукмрон мафкура мавқеига эга бўлди. Лекин бу мафкура Ўрта Осиёдаги миллий анъаналар, ислом қириб келгунига қадар бу ерда мавжуд бўлган диний, дунёвий маданиятларнинг қоришмасига таянган. Ислом классик таълимоти ўрта асрларда бизнинг бутун

дунёга машхур бўлган мухаддис олимларимиз томонидан бойитилди ва ривожлантирилди. Халқни ягона маслак атрофида бирлаштириш, ислом фалсафаси ва тасаввуфидаги комил инсонни тарбиялаш, адолатли тузум куриш ғояларини ривожлантиришга хизмат қилувчи жамият ҳаётида тинчлик-тотувлик, ҳамжихатлик, илм-маърифат, сабр-қаноат каби сифатларнинг қарор топишида Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Мансур Ал-Мотурудий, Бурхониддин ал-Марғилоний, Баҳоуддин Накшбандий каби улуғ алломалар ижоди ва фаолиятининг ўрни беқиёсдир. XV асрнинг иккинчи ярмида ислом дини амалиёти соҳасида фаолият кўрсатган, Ўрта Осиёдаги йирик норасмий давлат арбоби сифатида тарихга кирган Хожа Аҳрор Валий (тўлиқ исми Носириддин Убайдуллоҳ бин Маҳмуд аш-Шоший - 1404-1490) нафақат айрим сулола вакиллари, балки бутун жамиятни бирлаштиришга хизмат қилган. Хожа Аҳрор фаолиятининг сиёсий ҳаётга нечоғлик қатта таъсири ва, хаттоки, мамлакатни урушлардан сақлаб қолишга муваффақ бўлганлигининг далили сифатида Шохрухия воқеалари ҳақидаги тарихий ҳодисаларни келтириш мумкин. Бу ерда ўзаро ихтилофда бўлган уч ҳукмдор - Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад, Фарғона ҳукмдори Умар Шайх, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмуд эшоннинг қатъий ҳаракатлари тўғрисида урушни тўхтатиб, битим тузишган ва иттифоклик юзага келган. Шу даврда нафақат диний арбоблар, балки улуғ шоир ва мутафаккирлар ҳам Ватан, халқ манфаати ва равнақи йўлида хизмат қилишган. Бундай фидоийлик ва инсонпарварлик тўғрисида Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби мутафаккирлар ижодида ўзининг юксак ифодасини топган.

Шу ўринда мамлакатимизнинг ўз мустақиллиги-

ни тиклаш даврида буюк Амир Темур бошчилик қилган марказлашган кудратли давлатнинг энг асосий ғояси нимадан иборат эди? - деган ҳақли савол туғилади. Буни билиш учун нафақат ҳозирги даврда қатта библиографияни ташкил этган адабиётларга, балки ўша давр манбаларига, хусусан, “Темур тузуклари”га мурожаат этиш даркор. Уни нафақат ўша вақтда шаклланган ва тарихий тажрибага асосланган кучли давлат ғоясини ифодаловчи ҳужжат, балки қандай қилиб бундай давлатни сақлаб қолиш ва авлодларга етказиш борасидаги буюк жаҳонгирнинг васияти тарзида қабул қилиш мумкин.

Бу ғоялар 12 моддадан иборат бўлиб, уларнинг асосини эътиқодни сақлаш, ислом динини мустаҳкамлаш ва унга таяниш, узоқни кўриш, ҳушёрлик, огохлик, тартиб ва қонунга бўйсунуш; одиллик ва ҳолислик, илм-фанга эътибор қилиш, халқ манфаатини кўзлаш ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлаш принциплари ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, “Темур тузуклари”да “Буюк ва кучли давлатни барпо этиш ва уни сақлаб қолиш” деган бир ғоя устун турган, лекин ҳозирга қадар ҳам уз долзарблигини йукотмаган бу “Буюк давлат” ғояси тақдир тақозоси билан бир неча асрлар мобайнида фақат халқ қалбида яширин яшади. Уни юзага олиб чиқиб, улуғ Амир Темур ғояларини байроқ қилиб, таракқиёт сари интилиш, ёниб яшаш кейинги даврларда давлат тепасига келган раҳбарлар қўлидан келмади. Тарихнинг қийин, ғоятда изтиробли йўлларида ғоявий бўшлиқ даврлари ҳам бўлди. XVII-XIX асрларда шахсиятпараст ва маҳдуд давлат арбоблари томонидан умуммиллий манфаатлар ўрнига шахсий ва сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши, жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш ва илм-маърифатни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаганлиги юртнинг таназзулга

юз тутиши, Туркистонда мустамлакачилик тузуми ўрнатилиши, ўзга давлатга тобе бўлиб, миллий давлатчиликнинг бархам топишига олиб келди.

Лекин чор империясининг тўла-тўқис метрополига, регионнинг эса колонияга айланиши, кейинчалик Россиянинг таназулга юз тутиши ва унинг болшевикча Совет империясига ўсиб ўтиши ҳудудда миллий ғоя, бирлашишга бўлган ҳаракатни бутунлай йўққа чиқарди, деб бўлмайди. Аксинча, у бирлашиш зарурлиги хиссини йўқота олмади ва бу хис ёрқин намоён бўлган миллий - озодлик ҳаракатлари, чор амалдорлари зўравонлигига қарши кўзғолонларни келтириб чиқарди. Бу даврда ривожланган жадидчилик ҳаракатини жаҳон аҳамиятига молик воқеа-феномен тарзида қабул қилиш мумкин. Менимча, Республика Президенти И.А.Каримов асримиз бошидаги миллий - озодлик ҳаракати сифатида, айнан, жадидчиликни ва унинг намояндаларини тилга олганлари бежиз эмас.

Фикримизча, айнан колониализм даврида бир маданият устидан иккинчиси ҳукмрон бўлиши, маҳаллий аҳолига ёт бўлган турмуш тарзининг зўрлик билан маҳаллий шароитларга татбиқ этилиши, миллий-анъанавий ҳаёт асосларини менсимаслик қабилар охир-оқибатда аҳолининг миллий ўз-ўзини англаш жараёнини тезлаштирди. Бунда, биринчи навбатда, қолоқликнинг бутун моҳиятини тўғри тушунган ва халқ манфаатлари нуқтаи назаридан фикр юрита оладиган аҳоли илғор қисми вакилларининг роли беқиёс бўлди. Бу ўринда биз жадидлар дунёқарашидаги миллий ғоя ҳақида гапира оламизми? Шубҳасиз! Жадидлар қарашларидаги миллий ғоя мисол сифатида талқин қилиниши мумкин. Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат эди: қолоқлик ва турмушдаги консерватизм билан кураш; миллийликни сақлаган ҳолда, кундалик турмушдан тортиб

ҳамма соҳаларда маориф, диний қарашлар, таълим, маданият ва санъатнинг янги турларини жорий этиш, аҳоли онгига тарихий тафаккурни сингдириш каби ислоҳотларни ўтказиш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда сиёсий ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини тушунишга, қўйилган вазифаларни бажариш учун мустақилликка эришиш кераклигини тушунишга олиб келди. М.Бехбудий, А.Чўлпон, А.Авлоний, А.Фитрат ва бир қатор бошқа жадидлар асарларига асосланган ҳолда, биз улар миллий ғоясининг асосий бўғини Туркистондаги халқларни бирлаштириш ғояси бўлганлигини кўрсатишимиз мумкин. Миллат тушунчаси деганда улар келиб чиқиши мусулмон бўлган ҳудудда яшовчи барча аҳолини, бир сўз билан айтганда, Туркистон халқини тушунганлар. Бехбудий шундай ёзган эди: “Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифок этиб, бугундан ислоҳотга, иттифокка қадам қўйсақ, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоимиз бирлашиб дин ва миллат, Ватан ривожини учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз”. Жамият ва миллатнинг тақдири унинг ҳар бир аъзоси тафаккурига боғлиқлиги ҳақидаги ғоя жадидларнинг фалсафий-тарихий қарашларида муҳим ўрин тутган ғоялардан биридир. Бу ғоя А.Фитратнинг “Манфаат надур?” номли мақоласида узининг ёрқин ифодасини топган:

“Қайси миллатнинг ичида шундай фидокорлар кўп бўлса, бундай миллатнинг ҳаёти ва баҳоси кўпроқ бўладур, қайси миллатнинг бошида фидокор шахслар кам бўлса, бу миллатнинг ҳалокати ва нобудлиги ҳам яқин бўлур.”

Исломни тушуниш борасида жадидлар одамларни диний ақидаларга кўр-кўрона ишонмасликка чақирдилар: этиқоднинг асосий моҳияти сифатида улар инсонга худо ўзини ҳар томонлама намоён қилиш

учун барча имкониятларни берганлиги ва ўзи яшайдиган жамиятни такомиллаштириб бориши зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Фитрат "Ҳаёт ва ҳаёт ғояси" мақоласида шундай ёзади: "Оллоҳ инсонга энг буюқ кудрат ва зўр қурол ато қилган. Инсон унинг ёрдамида оламни забт этиб, ўз итоатига киритмоғи мумкин эди."

Жадидлар миллий ғоясининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири тарихий онгни ривожлантиришдан иборат эди. М.Бехбудийнинг "Тарих ва жуғрофия" асарида бу ҳақда батафсил айтилган. У: "Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва альбон на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараққий надур? Муни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак... Чунки ҳар нимарса ва унинг асли ва насли тарихидан билинур", - деб ёзган эди.

Лекин тараққиётга эришиш учун, биринчи навбатда, узаро келишмовчиликлардан қутулиш керак эди. Бехбудийнинг сўзича, ички келишмовчиликлар тобелик ва мустамлака тизимининг ривожига олиб келди. Жадидлар миллат сўзини кўп ишлатиб, уни халқ маъносида қўллаганлар. Улар мустамлакачилик остида эзилиб келган халқ оммасининг оғир ижтимоий аҳволи, Туркистоннинг жаҳондаги иқтисодий жихатдан тараққий этган мамлакатларга нисбатан секин ривож топаётганлигини, халқнинг ғафлатда қолганлигини тушунган ҳолда, уни маърифатга ундадилар ва ислохотларга қадам куйдилар. Жадидларнинг асарлари изтироб ва куюниш туйғулари билан суғорилган. Улар тараққиётга фақат тинчлик йули билан, парламент орқали эришишни лозим топганлар. Ўзбек халқининг тинч-тотувликка интилиши ва ўзига хос миллий менталитети, хусусиятларини

хисобга олган ҳолда, улар тинч йўл билан петициялар, намоёишлар уюштиришга, давлат Думасида очик чиқишлар қилишга ва турли-туман рухсат этилган восита ҳамда имкониятлардан фойдаланиб, чор ҳукуматидан ўз халқи манфаати учун сиёсий ҳуқуқларни талаб этишга, Туркистон миллий тараққиёти учун объектив ҳаётий талабларга жавоб берувчи имкониятларни яратишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳам миллий ғоянинг бир хусусияти бўлган, дейиш мумкин. Қон тўкилишлар, ҳарбий қуроли тўқнашувларга қарши бўлсалар ҳам, жадидларнинг шиори “Ҳақ олинур, берилмас”дан иборат эди. Бу жумла ўзида фаоллик, шижоатлилик ва фидойиликни ифода этган. 1917 йилда вақтли ҳукумат миллий автономияни ўз хоҳиши билан бермаслигига кўзи етган жадидлар Қўқонда “Туркистон мухторияти”ни эълон қилдилар.

Миллий-тараққийпарвар ҳаракатнинг бостирилиши, болшевиклар томонидан Туркистон мухториятининг тугатилиши билан мустабид тузумнинг барча даҳшатларини ўзида синаб кўрган халқнинг “совет даври” тарихи бошланади.

Совет давлати ўрнатган мустабид тузумнинг даҳшатли қатағон сиёсати 30-50-йилларда мустақил, озод ва эркин Ватан орзусида яшаган энг қобилятли, фидойи вакиллар, миллат гулларини қириб ташлади. Уша даврда халқ онгидан, қалбидан миллат манфаати, миллат мустақиллиги, миллий ғоя ҳақидаги фикр - туйғулар буткул суғуриб ташланиб, улар ўрнига жамият ҳаётига, турмуш тарзи қонуниятларига зид, мутлақо ёт бўлган марксча-ленинча таълимот ғояларини, коммунистик мафқурани куч билан қарор топтириш мақсади кўзланган эди. Лекин халқимизнинг ўз миллий ғоясига садоқати 1918 йилдан бошлаб то 30-йилларнинг ўртасигача Туркистон минтақасида давом этган истиқлолчилик ҳаракатида ўз аксини

топди. Болшевистик мафкурачилар томонидан “бос-мачилик” деб тамға қўйилган ҳаракат иштирокчиларининг қахрамонликлари, Ватанга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати, ўз халқининг тақдири учун қайғуриш хислатлари бир буюк ғоя-бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги учун кураш ғояси эди. Лекин бу ҳаракат ҳам болшевиклар томонидан бостирилади, чунки унинг ғояси коммунистик ақидаларга зид эди.

Коммунистик мафкурада ҳамма нарса аниқ ва равшан: мафкуравий андозаларни ўзлаштириш учун алоҳида қобилият ҳам, махсус маълумот ҳам зарур эмасди. Бу андозалар оммага, оломонга минбарлардан туриб, митингларда айтиш учун махсус тўкиб чиқарилган бўлиб, жиддий бош қотиришни талаб этмас, уни фақат ёдлаш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун амалда қўллашнинг ўзи кифоя эди. Динини инкор этиш ва шахс ташаббусини бўғишга йўналтирилганлигининг ўзиёқ кўп жихатдан бу мафкуранинг вақтинчалиги ва беқарорлигини белгилар эди, бу эса ёшлар психологияси ва ҳиссиётига салбий таъсир кўрсатарди. Коммунистик тарғибот қандай ваҳшиёна шаклларга бурканмасин (диний арбобларни отиш ва таъқиб қилишлар, мачит ва черковларни бузиб ташлаш, “халқ душмани” образини яратиш ва қатағонлар) халқ қалбининг тубида яширинган, унинг диний-миллий орзу-умидларини ўз ичига олган сарҳадларга ета олмади. Бирок бу мафкуранинг энг халокатли камчилиги - унда бирон-бир халқ ва миллатга мансублик туйғусининг йўқлиги эди. “Халқ” атамаси совет терминологиясида йиғма ва сунъий тушунча бўлиб, “миллат” атамаси давлатчилик диққат марказида, умуман, йўқ эди, уни кўп ишлатганлар “миллатчи” тамғасини олар эди ва тақдири фожиали тугарди. Ундан фақат халқни босиб туриш учун фойдаланиларди (80-йиллар охирларидаги “ўзбеклар иши”ни эсга олайлик).

Лекин шундай шароитда халқ, миллат қандай килиб ривожланди, ютуқларга эга бўлди? Бунга, биринчи навбатда, миллий рух, эътиқод, кўп асрлик миллий анъаналарни сақлаб қолинганлиги, ўзбек халқи бирлиги хиссининг йўқолмаганлиги сабаб бўлди.

Шундай улкан тарихий тажриба 1991 йилга келиб яна бир тарихий феномен - мустақил ўзбек давлатининг тинч йўл билан вужудга келиши сифатида намоён бўлди. Албатта, бу ҳодиса тасодифий ҳол эмас, балки тарихий тараққиётнинг илгариги босқичлари, халқларнинг ўз мустақилликлари учун курашлари замирида юзага келган қонуният натижаси эди.

Давлатчилик тарихидан маълумки, ҳар бир давлат ўз мафқураси, маънавий қонунлари асосида яшайди. Лекин мафқура миллий-тарихий тажрибага таянмаса, жамият ҳаётига ёт унсур бўлиб, бегона қушнинг уясига келиб тушган қуш сингари бостириб кирса, уни совет мафқураси тақдири кутади. Бизда бундай хавф йўқ, чунки мустақиллик мафқураси асосига тарихий хотирани ва диний қарашларни тиклаш вазифаси қўйилган. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Модомики ўз тарихини билган, ундан рухий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур”. Шунингдек, у диний қадриятларимизга муносабат ҳақида тўхталар экан: “Биз ўзимизнинг муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан асло воз кечмаймиз, шу билан бирга, муқаддас динимизга доғ туширмоқчи бўлганларга нисбатан муросасиз кураш олиб борамиз”, - деб уқтириб ўтган.

Бу жиҳатдан мамлакатимиз диннинг софлигини сақлаб қола олди, ислом қадриятлари ва анъаналарини тўғри тушунишини намоён қилди. Қисқа давр

мобайнида рўй берган маънавий воқеалар: тарих, адабиёт, санъат, таълим ва тарбия тизими соҳасида амалга оширилган ишлар ҳам миллий мафқуранинг шакллантирилаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, бизнинг худудимизда турли диний конфессияларнинг мавжудлиги ва ёнма-ён тинч-тотув фаолият кўрсатаётганлиги ҳам миллатлараро уйғунлик белгиларидан биридир. Мамлакатимиз Президенти томонидан "Инсон манфаати", "Аёллар", "Соғлом авлод" йиллари эълон қилинганлиги, бу борада Ўзбекистон ҳукумати бир қанча қарорлар қабул қилганлиги мазкур соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга, ижтимоий-маънавий фикрни шакллантирдики, бу ҳам миллий мафқуранинг бир қисми ҳисобланади.

Умуман айтганда, биз маънавий жиҳатдан Ғарбдан ҳам, Шарқдан ҳам ҳеч нарсани намуна қилиб олмоқчи эмасмиз, бу ерда шундай ўзига хос маданият қарор топганки, унинг илдиэлари чуқур тарихий манбаларга бориб туташади ва ўзига қадимги дунёнинг, деярли, бутун маданиятини сингдириб олган. Ғарб ва Шарқнинг тажрибалари бизга тақлид қилиш учун намуна эмас, балки сабоқ бўлиши лозим. Бизга тақлидчилик ҳам, ўзимизни бошқаларга қарама-қарши қўйиш ҳам бирдай ётдир. Биз алоҳида миллатмиз, лекин ошқора мулоқот дунёсида фаолият кўрсатамиз. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, миллий мафқура битта миллат белгилари билан чекланиб қолмайди, шунинг учун бу тамойил ўз кучларини ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш учун бирлаштирган кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳаётининг асосий тамойилига айланган.

Юқорида биз миллий мафқуранинг замонавий таълиқини мамлакат Президенти И.А.Каримов асарларида асосланганлигини кўрсатиб ўтдик. Уларни тах-

лил қилар эканмиз, жамиятнинг барча аъзоларига тушунарли бўлган ғоялардан иборат эканлигини англаб оламиз. Миллий истиқлол мафкураси — бу - халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай, эркин ва озод яшаши, ўзини- ўзи идора этишига қаратилган, унинг истиқлолини белгилайдиган орзу-умидлари, ғоялари мажмуидир. Жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида ўз юқори мавқеига эга кучли ва адолатли давлат қуриш, унинг мустақиллигини таъминлаш Президент сўзи билан айтганда "... мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб - олға юриш, ... халқимизни, барча сиёсий кучларни, жамоат ташкилотларини яқдил, бир жон, бир тан қиладиган ғоя аслида мана шу". Буни таъминлаш учун ҳар бир фуқаро, биринчи навбатда, хавфсизликни ўйлаши зарур. Ватаннинг озод ва обод бўлишини истовчи, бунинг учун ҳаракат қилувчи жамият фуқаро эркинлигини ва қонун устуворлигини таъминлайди. Миллий мафқуранинг энг муҳим қисми - комил инсонни тарбиялаш — "янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир". Ўлмас қадриятлар, динга ҳурмат ва эътиқод билан бирга миллатлараро тотувлик, қарияларга ҳурмат, ёшларга ва аёлларга иззат миллий мафқураамизнинг негизи ҳисобланади.

1999 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудида ўзини намоён қилган диний-экстремистик ҳаракатлар уларга қарши кураш озодлик ва демократиядан нафақат фойдаланиш, балки уларни ҳимоя қилиш зарурлигини курсатди. Бу эса ёшлар учун катта сабоқ. Чунки келажакда, айнан, шу ёшлар мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам миллий мафқура зарур.

М.Б. Бекмуродов
Маданият институти,
социология фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

Мафкура ҳар қандай жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, сиёсий тузумнинг маънавий-ғоявий пойдевори ҳисобланади. Мафкура жамиятдаги турли-туман ғоялар, нуқтаи назарлар ҳамда қарашлар тизимидан иборат бўлиб, кишиларнинг ташқи оламга, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий тартиботларига қарашлари, шунингдек, одамларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини акс эттиради.

Ижтимоий тараққиёт йўналишлари мазмунида ХХ аср ўрталарида устувор бўлган тенденция, яъни ўзга юртларни товар ва маҳсулотлар билан экспансия қилишдан 70-йилларга келиб, пул ва молиялаштириш орқали мамлакатларни забт этишга ружу қўйилганлиги, 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса, давлатларни сўз ва информация билан, мафкуранинг қудратли кучи билан босиб олиш тенденцияси фавқуллодда катта аҳамият касб эта бошлади. Информацион мафкуравий истило катта-катта империялар, давлат ва ҳарбий-сиёсий иттифокларни тағ-туғидан емира борди. Мафкуравий босқин ХХ аср охирига келиб нафақат сиёсий тузумлар, балки жамиятларнинг ахлоқий-этиқодий тузилмалари мазмунига ҳам жиддий хавф туғдира бошлади. Асрлар мобайнида мамлакатлар ўзига хослигини, жамиятлар ижтимоий-сиёсий мувозанатини таъминлаб келган диний-ахлоқий қадриятлар мазмунини ўзгартириш бораси-

да ҳам мафкуравий тазйиклар кўлами кенгаймоқда. Жаҳон сиёсий-ижтимоий муҳитида иқтисодий, интеллектуал, эстетик глобаллашувдан кўра мафкуравий — инфор­мацион глобаллашув, айниқса, кучайиб бормоқда.

Халқимизда “тан жароҳати битади-ю, дил жароҳати тузалмас” деган нақл бор. Бу беҳуда эмас. Халқ хулқи бир бузилса, уни тиклаш мушкул. Ахлоқ, бадий дид ва, айниқса, сиёсий онгга бир қарра раҳна солиниши уни қўп йиллар, баъзан эса умрбод умуминсоний меъёрлардан чиқиб кетишга олиб келади. Совет тузуми расмий сиёсий онг доираларидан четга чиққан шахсларга фақат террор, кўрқув, ваҳима ҳисси орқали тазйиқ ўтказар ва муайян мафкуравий тартиботлар тизими орқали ўзини, яъни, давлатни халқдан муҳофаза этиб келар эди. Дунёнинг кўп қутбли, кўп ҳақиқатли макон ва замон муҳитига кириб келиши ҳамда умуминсоний тамойилларнинг кучайиши давлат тизимини куч билан эмас, ишонтириш, эзгулик ва адолатга даъват, тарғибот-ташвиқот воситасида бошқариш, жамиятдаги мафкуралар тизимини консолидация этиш, муайян миллий ғоя доирасида якдил бирлаштириш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда. Ана шу ижтимоий эҳтиёжни ўз вақтида теран англаган Президентимиз Ислом Каримов жамиятдаги турли хил нуқтаи назарлар, қарашлар, диний-этикодий оқимлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, партияларни умуммиллий ғоя доирасида бирлаштириш зарурлигини асослаб берди. Чунки “фақат шу йўл билангина-дейди Президентимиз-муҳолифларимизнинг энг ёвуз қуроли-миллий кадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрни­мизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини заҳарлайдиган бузғунчи мафкура таъ­сирдан ҳимояланишимиз мумкин­дир”.

Жамиятдаги турли - туман кучларнинг бирлашуви

жараёнлари, ижтимоий интеграция ходисасининг рўёбга чиқиши эса бетартиб, хаотик тарзда эмас, юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятни туғри англаган ҳолда, онгли идрок асосида амалга ошуви жуда муҳимдир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади.

Дарҳақиқат, миллий мафкуранинг ҳаётийлиги халқ феъл-атвори, менталитети омили билан ҳар томонлама чамбарчас боғлиқдир. Агар ҳар қандай мафкура маълум мақсад йўлида ижтимоий-маънавий бирлашувни мақсад қилиб қуйса, ўзбек менталитетида бу имконият аллақачон тарихан амалга ошириб қўйилгандир. Гап уни қандай бошқаришда. Ғарб мамлакатлари халқлари учун ижтимоий бирлашув жараёнларига улардаги рационализм, индивидуализм халал бериб турса, ўзбеклар азалдан интеграцияга, ижтимоийлашувга мойил халқдир. Ўзбекнинг ҳар бир одати, маърака ва маросими бошқаларни бирлаштириш орқали юз беради.

Ўзбек менталитетидан мафкура масалаларида фойдаланиш учун бу менталитетнинг таркиби, тарихи, ҳозирги ҳолати ва ўзига хослигини ҳисобга олиш зарурдир. Аввало, шунини таъкидлаш жоизки, ўзбек халқи тарихан 4 суперэтнос (туркий, форсий, рус-славян) ва кўплаб этник бирикмалар билан уйғунлашган ҳолда таркиб топгандир. Аини чоқда халқимиз маънавияти 4 супер конфессия (зардуштийлик, будда, ислом, коммунистик мафкура) диний-мақуравий таъсири доирасида шакллангандир.

Халқимиз менталитетида, феъл-атвор тизимида ана шу халқларнинг табиати ва мафқуравий таъсирлари бўртиб намоён бўлиб туради. Ўзбек халқи умум-

туркий негизидан жанговорлик, кенг бағирлик, хотамтойлик, садоқат фазилатларини ўзлаштирган бўлса, форсийэтнос таъсирида урф-одатларга мустахкамлик, ижодиётга муҳаббат, инсонни эъзозлаш хислатлари; араблар таъсирида эътиқодда қатъийлик, тўғрисиўзлик, аҳдга содиқлик хусусиятлари; руслар таъсирида эса янгиликка ўчлик, ҳокимиятга ҳурмат, расмий уюшувларга рағбат сингари хислатлар янада ривож топди.

Миллий истиқлол мафқурасининг аҳоли турли қатламлари онгида мустахкам ўрнашуви учун халқимиз менталитетида ижобий шарт-шароитлар ҳозирловчи жамоавийлик, эътиқодда мустахкамлик, урф-одат ва маросимлар орқали ўзликни ифодалаш учун унумли фойдаланмоғимиз лозим. Зеро, халқимиз моҳиятан жамоавий табиатга эга бўлганлиги боис у тарбиявий таъсирни ўнғай қилади; жамоавийлик хусусияти ибратга мойилликни ҳам англайди. Ибратга эргашиш фазилати яхши сўз, яхшиликни рағбатлантириш, яхшиликка даъват қилишни мунтазам изчилликда амалга ошириш натижасида таркиб топтирилади. Шу боисдан ҳам миллий мафқуранинг ҳаётийлигини таъминлашда халқимизнинг ижобий фазилатларига мустахкам таянишимиз зарур.

Айни чоқда миллий менталитетимизга хос бўлган қатор ноқис хусусиятларимиз ҳам борки, уларни уз вақтида англаб, ўз-ўзини тартибга солиш, такомиллаштиришдан иборат ижтимоий ёндошувларни таркиб топтиришимиз лозимдир. Улардан энг хавфлилари қаторида ижтимоий лоқайдлик, бефарқликни кўрсатиб ўтиш лозимдир. Президентимиз Ислом Каримов “Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш-юксалиш гарови” мавзуида Қарши шаҳрида 2000 йил 28 июлда сўзлаган нутқида миллий характеримиздаги ушбу ноқисликни бартараф этиш зарурлиги хусусида қуёниб сўзлайди. Бошқарув тизими-

даги мавжуд хато ва камчиликлар негизида, дейди Президентимиз, авваламбор, раҳбарнинг заифлиги, савияси талаб даражасида эмаслиги, ишни ташкил қилишда талабчанлик, керак бўлса қаттиққўллик етишмаганлиги ётади.

Бир эслайлик: ҳазрат Амир Темур элга етакчилик қиладиган одамларга қандай талаблар қўяр эди? Улуғ бобомизнинг: “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, - деган сўзлари барча қатта-кичик раҳбарлар учун ибрат бўлиш керак. Ижтимоий бефарқликнинг негизида бошқа қатор сабаблар, яъни иқтисодий - сиёсий соҳалар билан бирга психологияда таъриф берилган аниқ характерга эга эмаслик омили ётади. Аниқ характерли шахслар таркибига унинг ўзига хослигини таъкидлаб турувчи тўғри сўзлик, қатъийлик, мақсад сари сабот билан интилувчанлик сингари фазилатларга эга бўлганлар киради. Характерда барқарорликнинг йўқлиги ташки таъсирларга берилувчанликни, муносабатларда пасивлик, иккиланиш ва охир-оқибатда конформизмни таркиб топтиради. Таассуфки, мавжуд ижтимоий-сиёсий воқелик таҳлили ҳамда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқотлари натижалари гувоҳлик беришича, аксарият ёшлар табиати, феъл-атворида барқарор хусусиятларнинг етишмаслиги туфайли турли ҳаётий ҳолатлар олдида эсанкираб қолиш; вазиятларга тўғри баҳо бериш, улардан фойдаланиш ёхуд бошқариш ўрнига шу вазиятлар оқимига қўшилиб қолиш, ташки ижтимоий-сиёсий таъсирларга берилиш, конформистик майлларнинг кўпайиши кўзга ташланмоқда. Бу тенденцияга нисбатан, яъни, ёшларимиз феъл - атворида ижтимоий - фойдалилик тамойилларини шакллантириш учун мақсадли тарбиявий таъсир механизми-ни ишга солиш жуда зарурдир.

Миллий менталитетимиздаги иккинчи катта кусур маънавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний жабхаларда аклий-эмоционал меъёрларга риоя этмаслик хусусиятидир. Меъёрга риоя этмаслик тўй-марака, урф-одатларимизда, айниқса, яққол кўринади. Меъёрни билмаслик, унинг чегараларини англамаслик эътиқодий соҳаларда, айниқса, турли диний оқимларга берилиш ҳолатларида жиддий ижтимоий хавфни юзага келтиради. Ёшларимиз онгини меъёр талаблари доирасида шакллантириш эртанги кунимизнинг бугундан яхшироқ бўлишини таъминлайди.

Миллий истиқлол мафқурасини таъсирчанлигини ва ҳаётийлигини таъминлаш жараёнларида халал берувчи жиддий камчиликлардан яна бири-бу - кейинги йилларда китоб ўқиш даражасининг пасайганлигидир. Китоб ўқиш даражаси, минг афсуски, нафақат ёшларда, балки аҳолининг турли қатламлари, хусусан, зиёлилар орасида ҳам ачинарли аҳволда. Кутубхоналардаги ҳужжатлар таҳлили ва китобхонлик маълумотлари китоб ўқишга бўлган муносабатни жиддий ўзгартириш зарурлигини кун тартибига қўяди. Агар Мовароуннахрнинг асрлар мобайнида илм, ғоялар, фикрлар, сиёсий - ижтимоий ташаббуслар мамлақати бўлиб келганлигини инобатга олсак, китоб ўқишнинг бундай аҳволга тушиб қолганлиги унинг ана шу имкониятларга ва, айниқса, ворислик анъаналарига жиддий путур етказётганини кўрамыз. Ворислик масаласига халқимиз тарихида жуда катта эътибор қаратиб келинган. Эришилган ҳар бир ижодий муваффақият, халқнинг маънавий мероси намуналари авлоддан - авлодга кўз қорачиғидек асраб ўтказиб келинган. Халқ маънавий мулкига бўлган бу муносабат кўп минг йиллар мобайнида устоз ва шогирдлик анъаналари тарзида ва бошқа шаклларда амалга ошириб келинган; ворисийлик ҳодисаси халқнинг ўзлиги, моҳиятининг ифодаси бўлганлиги са-

бабли, мамлакатимизни боскин қилган ҳар бир ғаним дастлаб ворисийлик анъаналарига болта уришга киришган. Зеро ворисийлик халқ маънавиятининг ўзаги, пойдеворидир. Инсоният тарихида ворисийлик тизими узилиб қолган ўнлаб маданиятлар ўз ижодкорлари бўлган халқдан бегоналашганлиги маълум. Булар жумласига Мексикадаги ацтеклар эҳромлари, Индонезия ва Ява оролларидаги маҳобатли ибодатхоналар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳозиргача ҳеч қайси миллат бу маданиятларни ўз халқининг ажодлари барпо этиб кетганлигини исботлаб бера олмаяпти. Ворисийлик тизими нафақат маданий обидаларга бўлган муносабатга, балки маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларига ҳам ўз таъсирини доимий ўтказиб боради. Шу ўринда атоқли мутафаккир Чарльз Диккенс “Англия тарихининг тулақонлиги ворисийлик тизимида барқарорлик туфайлидир” деб бежиз айтмаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Глобаллашув жараёнлари бадий-эстетик савия, дид даражаларининг ҳам умумжаҳон микёсларида стандартлашувига олиб келмоқда. Бу стандартлашув миллий-маънавий ранг-баранглик, миллий уникаликнинг аста-секин йўқолишига олиб келиши табиийдир. Ана шу ҳолатда халқимиз менталитетининг ажодлар маънавий меросини эъзозлаш, ворисликка содиқлик хусусиятини фаоллаштириш жуда зарурдир. Таассуфки, маънавий меросга муносабат, бой маданий меросимиз обидаларини ўрганиш ахволини ҳам кониқарли деб бўлмайти.

Ҳар қандай тузум ва даврларда зиёлилар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида тан олиб келинган. Бугунги жамиятдаги баъзи зиёлиларнинг ижтимоий пассивлиги, воқеаларнинг лоқайд кузатувчиси, ўзига хос кутиб туриш позициясида эканликлари, уларда фаолликнинг етишмаслиги мафкурамиз таъсирчанлигини пасайтиради.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида индивидуализмнинг кучайиши, ижтимоий манфаатлар устуворлигини англамаслик, ижтимоий масъуллик даражасининг пастлиги ҳолатлари ҳам менталитет белгилари сифатида намоён бўлиб боради. Ана шундай шароитда нафақат сиёсий-мафкуравий, балки ахлоқий-тарбиявий таъсир қўламларини ҳам кенгайтириш жуда зарурдир.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар маънавият борасида кенг қўламларда фаолият юритиш зарурлигини, халқимиз менталитетини ўзгараётган замон ва макон мантикига мувофиқлаштириш зарурлигини, жамият мафкураси жамият менталитетининг инъикоси эканлигини англашни тақозо этади. Зеро, мамлакат тараққиёти - бу - мавҳум тушунча эмас, мамлакат тараққиёти алоҳида одамлар тараққиётидан таркиб топади. Агар биз ҳар бир одамни ўз-ўзини ривожлантириш йўлига чиқара олсак, мамлакатнинг ялпи камолоти таъминланади.

Атокли хитой файласуфи Конфуций “Осмон мамлакати” ҳисобланган Хитой буюклигини хитойликлар характери юзага келтирди, деган эди. Ўзбекистонимиз буюклигини ҳам янгиланишга, ўзгаришга тайёр ўзбек характери таъминлайди, деб ишонамиз.

У.Қаюмов
“Ижтимоий Фикр” Маркази,
иқтисод фанлари номзоди.

МИЛЛИЙ ҲЗЛИКНИ АНГЛАШ (социологик тадқиқот натижалари)

Мустақилликнинг утган ўн йилида биз эришган энг улўғ ғалабалар, ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан, Президентимиз ўз маърузаларида халқимизнинг ўз-ўзини англаши нақадар муҳимлигини таъкидлаб утганлари эсга тушади: (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997, 140-б, 151-б). “Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутати” ёки “Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир”.

Узоқ давом этган мафкуравий босимга қарамасдан, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маънавий қадриятларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

“Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишида, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз” — деб таъкидлайдилар Президентимиз юқорида айтиб ўтилган асарларида (137-б.). Бу асарларида миллий тикланишнинг бир неча манбаи мавжуд эканлигини эслатиб ўтдилар. Булардан биринчиси - умумжаҳон

цивилизациясига исмлари таниш бўлган Имом Бухорий, Имом Ат-Термизий, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизнинг ривожланишига улкан хисса қўшганлар, Марказий Осиё тарихида ақлидрок билан маънавий жасоратни, диний дунё қарши билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган, халқимизнинг миллий ифтихори саналган буюк сиймолар ҳақида гапириб ўтдилар.

Иккинчиси - халқимизнинг этник, маданий ва диний мероси. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган тинч-тоғув яшаш маркази бўлиб келган. Маънавий қадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатдир.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши уларнинг ҳозирги дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мослашишини ҳам англаштишини айтиб ўтдилар. Республикамиздаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий аҳвол миллий ўзликни англашнинг ўта долзарблигини тақозо этиб турибди.

Бундан ташқари, миллий ғоя ва миллий мафкура ишлаб чиқилиши миллий ўзликни англаш билан чамбарчас боғлиқдир. Биз ўзлигимизни англаб олмасак, миллий ғоя ва миллий мафқурани олдинга суриш имкониятига эга бўлмаймиз. Давр, замон, жамиятнинг янгилалиши дунёга ўзгача қараш, мустақил фикр қилишни тақозо этади. Демак, жамиятда ўз ўрни ва мавқеини топиш, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш, шунинг билан биргаликда, маънавиятни бойитиш лозим. Ўзлигини англаган инсон жамиятга, ундаги ўзгаришга тафаккур, танқид кўзи билан қарайди, ҳар бир ходисани таҳлил

килиб баҳолайди. Ана шу йўсинда халкимиз, аҳолимиз ўз ўзини қандай англаб олган, англаш қандай даражада эканлиги каби саволлар юзага чиқади. Бундай саволларга жавоб бериш учун кенг қўламда социологик тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлади.

Шу боисдан “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан “Миллий ўзлик” мавзуидаги социологик тадқиқот тайёрланиб Республика миқёсида ўтказилди. Бу тадқиқотнинг методологик асоси сифатида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган маънавий қадриятлар ва миллий ўзлик ораларидаги ўзаро боғланиш концепцияси олинган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг худудларида аҳоли этник гуруҳларининг оммавий онги танлаб олинди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади – Давлатимиз, Юртбошимиз томонидан мустақил Ўзбекистоннинг, миллий мафқурани шакллантириш бўйича қўйилган масалалар доирасида республика аҳолиси асосий этник гуруҳларининг миллий ўзлик ҳолатини аниқлашдир.

Тадқиқот Ўзбекистоннинг 5 та йирик вилоятларида, 1999 йил 20-30 декабр мобайнида ўтказилган эди. Сўровда қатнашган кишилар сони жами 1024 ни ташкил қилган бўлиб, бунда Тошкент шаҳридан 245 киши, Қорақалпоғистон Республикасидан 176 киши, Бухоро вилоятидан 168 киши, Самарқанд вилоятидан 303 киши, Фарғона вилоятидан 312 киши қатнашди. Шундан шаҳарда яшовчилар 579 (48,1%) кишини, қишлоқда яшовчилар 615 (51,9%) кишини ташкил этди.

Сўровдан ўтказилган респондентларнинг миллий таркиби қуйидагича тақсимланди: ўзбеклар – 845 (20,2%) киши; славянлар – 99 (8,2%) киши; қорақалпоқлар – 75 (6,2%) киши; тожиклар – 66 (5,5%); қозоқлар – 43(3,6%) киши; қирғизлар – 12 (1,0%);

бошқа миллатлар — 64 (5,3%) киши. Эркаклар — 585 (48,6%) киши, аёллар — 619 (51,4%) кишини ташкил этди.

Суровдан ўтказилганларнинг ёш бўйича тақсимо­ти қуйидагича бўлди: 16-29 ёшгача — 293 (24,4%) кишини; 30-39 ёшгача — 310(25,7%) кишини; 40-59 ёшгача — 412 (34,2%) киши, ниҳоят, 60 ва ундан катта ёшдагилар 189 (15,7%) кишини ташкил қил­ди.

Ўтказилган суров натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, “Сизнинг ўз миллатингизга мансубли­гингизни хис этишингиз нималарда ифодалан­ди?” — деган асосий саволга ҳар икки респондентдан бири (56,3%) — “Мен туғилган ва аждодларим яшаган ерга муҳаббат” жавобини танлади.

Шу билан биргаликда турли миллатга мансуб бўлган кишилардан бу саволни белгилаганлар ичида қорақалпоқлар устунлик қилишган (81,3%), улардан кейин ўзбеклар (58,8%), сўнг тожиклар (47,0%) ту­ради. Славянлар эса атиги 35,4%ни ташкил қилишди. Ушбу жавобни танлаган респондентларнинг маълумотлари даражаси бўйича қарайдиган бўлсак, бош­ланғич маълумотга эга (58,7%) ва олий маълумотга эга (58,5%) бўлган респондентлар кўпчиликни таш­кил қилиши яққол кўзга кўриниб турибди.

Касб эгалари бўйича бу жавоб қуйидагича тақсим­ланди: юрист, милиционерлар 80%, уқитувчи, тиб­биёт ходимлари 59,7%, қурилиш соҳасида ишлайди­ган шахслар энг кам, яъни 40%ни ташкил қилиш­ган.

Берилган саволга респондентларнинг ярмига яқини қайтарган жавоб “Ўз халқимга мансублигим ва у билан маънавий бирлашганим туйғуси” бўлиб чиқди (41,4%). Шуниси қизиқарлики, шаҳарда яшов­чи аҳолидан бундай жавобни 43,4% киши белгила­ган, қишлоқда яшовчилардан эса бу жавобни бел­гилаганлар 39,5% ни ташкил қилди.

Танлаб олинган хуудларда яшовчи аходидан қоралқоклар бу жавобни кўпроқ танлашгани кўриниб турибди (52,8%), тошкентликларнинг эса 44,1%и бу жавобни танлаган. Бу жавобни энг кам белгилаган респондентлар Фарғона вилоятининг аходиси бўлди (41,4%). Шуниси қизиқарлики, “Менинг турмуш тарзим ва маданиятим миллий урф-одатлар ва анъаналарга асосланган — бу менинг миллий туйғуларимни тиклайди ва мустақкамлайди” жавобини, айниқса, Самарқанд вилоятида яшовчилар кўп белгилаб ўтишган. Бу ҳол балки Самарқанд шаҳри ва унинг атрофлари жуда қадимий бўлганлиги ва бу омил уларнинг онгига мустақкам жойланиб қолганлиги сабабли бўлса керак, деган фикрни туғдиради. Лекин миллатлар ичида бу жавобни танлаганларни синчиклаб кўриб чиқадиган бўлсак, уни қозоқ миллатига мансуб шахслар кўпроқ белгилаганлар (53,5%), энг кам белгилаган славян миллати вакиллари бўлиб чиқяпти, (ати-ги 11,1%).

Маълумот бўйича бу жавобни белгилаганларни олсак, у ҳолда олий маълумотга эга бўлган шахслар 41,8%ни ташкил этган, қолганлар эса қуйидагича тақсимланди: бошланғич маълумотлилар — 26,1%; туликсиз ўрта — 37,0%; тулик ўрта — 39,8% ва туликсиз олий — 35,7%.

Демак, аходининг энг ўқимишли бўлган қисми ўзининг турмуш тарзи ва маданиятини миллий урф-одатлар ва анъаналарга бўйсундирар экан.

Респондентларнинг аксарияти маълум миллий жамоага мансуб бўлиши муҳимлигини тушунар экан. “Паспортингизда қайси миллат вакили сифатида рўйхатга олингансиз?” саволига сўровда қатнашган ўзбекларнинг 99,2%и (838) “ўзбек” деб жавоб беришган бўлса, уларнинг ичида ўзини ўзбек деб ҳисоблайдиганлар 99,3% (832). Ушбу ҳол бошқа миллий-этник гуруҳларда ҳам акс эттирилди. Фақатгина то-

жик миллатига мансуб бўган шахслар жавобларида четланишлар бўлди. Улардан сўровда қатнашаётган ҳар бир бешинчи (24,2%) киши: “Паспортингизда қайси миллат вакили сифатида рўйхатга олингансиз?” деган саволга “Ўзбек” деб жавоб берган бўлса, “Сиз ўзингизни қайси миллатга мансуб деб ҳисоблайсиз?” деган саволга 3%и ўзини “Ўзбек” деб ҳисобласа, 97,0%и ўзини “тожик” деб ҳисоблашар экан. Миллий ўзликни англашдаги йўлда, давлатимиз томонидан Ўзбекистонда яшайдиган миллатларнинг тилини, маданиятини, урф-одатларини ва анъаналарини ривожлантириш ҳақидаги қарорларни амалга ошириш йўлида бир қатор тўсиқлар мавжуд эканлиги кўриниб турибди. Бу - бирор уруғ ёки табақага алоқадорлиги. Хусусан, “Ҳозирги пайтда қайси уруғ ёки табақага мансуб эканлигингизни билишингиз сиз учун муҳимми?” деган саволга респондентларнинг аксарияти ижобий жавоб бердилар. Масалан: “Шарт эмас, лекин билсам яхши булар эди” жавобини 70,8% ўзбек миллатига мансуб респондентлар, қорақалпоқларнинг 72 фоизи, тожикларнинг 50 фоизи ва 44,5% славянлар белгилашган.

Яна бир: “Маҳаллийчилик” ва “уруғ-аймоқчиликка” қандай муносабатдасиз?” саволига 41,9%и салбий муносабатдалигини билдиришган бўлса, 42,6%и яхши муносабатдалигини айтишди. “Агар ҳамюртлар ва дўстлар бир-бирларига ёрдам берсалар ёки қўллаб-қувватласалар, бунда ҳеч қандай ёмонликни кўрмаётирман” деган жавобни белгилашди.

Тадқиқот натижалари яна шуни кўрсатдики, миллий ўзликни ташкил қилувчи муҳим омиллардан бири фуқаролик экан. Сўровдан ўтказилган “Сиз ўзингизни, аввало, ким деб ҳис этасиз: ўзбекистонлик (мамлакат фуқароси)ми ёки ўз миллатингиз вакилими?” саволига аксарияти, ўзбекистонлик, деб жавоб қайтарганлар (65,0%). 17,2% ўз миллатининг вакили деб,

16,1% “ундай ҳам, бундай ҳам ҳис этаман” жавобини белгилашган. Қишлоқ аҳолиси (68,8%), шаҳар аҳолисига (61,0%) нисбатан кўпроқ ўзини мамлакат фуқароси деб ҳисоблашар экан.

Миллий ўзликни англаш ўзи халқининг тарихини, маданиятини ва маънавий-маърифий меросини билиш даражаси билан ўлчанади, десак бўлади. “Сиз ўзингиз туғилган ва вояга етган ўлка, (махалла, қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят)нинг тарихи ва маданиятини етарли даражада биласизми?” - деган саволга фақатгина 7% респондентлар “ха, биламан, лекин етарли даражада эмас” ва 12,2% “йўқ, билмайман” деган жавобни қайтаришди.

Миллий ўзликни англаш жараёнида мулоқот тили, одатда, ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Сўралувчиларнинг кўпчилиги (69,9%) ўзларининг оилаларида давлат тили — ўзбек тилида мулоқот қилишар экан. Умуман айтганда, мулоқот учун, асосан, б хил тил кўпроқ ишлатилар экан. Ўзбек тили — 69,9%, рус тили — 13,0%, тожик тили — 9,8%, қорақалпоқ тили — 7,5%, ўзбекча ва русча аралаш 4,9%, қозокча — 2,6%.

“Турли жойларда ижтимоий мулоқот пайтида сизнинг сўзлашув тилингиз қандай?” саволига, жавоблар қуйидагича таксимланди: биринчи ўринда ўзбек тили (65,4%-71,3%), иккинчи ўринда рус тили (13,0-16,3%) турибди. Ундан сўнг ўзбек ва рус тилларининг аралаш ишлатилиши учраб турибди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Миллий ўзликни англашда миллатга мансубликни англаш биринчи ўринда турипти.

2. Миллий ўзликнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланишида сўралаётган ҳар бир этник гуруҳ ўзига хос таснифларга эга.

Ўзбек ва қорақалпоқлар учун асосий миллий ҳиссиёт — ўз туғилган ва аجدодлари яшаган она ерга муҳаббат, славянлар учун эса биринчи ўринда она тили турар экан.

3. Ўзбек тили моҳиятининг ташвиқотини кучайтиришга зарурият мавжуд.

4. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳалиям туб аҳоли ичида кучлидир.

5. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўзини ўзбек халқининг заррачаси деб ҳисоблайди, ўз халқи, унинг тарихи ва маданияти унинг ифтихори, Ўзбекистон келажакига ишонч, миллий ўзликни англаш ғояси миллий истиқлол мафқурасининг асосидир.

*М. Иминова,
Республика “Оила” илмий-амалий Маркази,
педагогика фанлари номзоди.*

МАЪРИФАТ ЙЎЛИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ҳар қандай адашиш, ғоясизлик, эътиқодсизликнинг сабаби, албатта, жаҳолатдир. Жаҳолат деганда билимсизлик, тафаккурнинг саёзлиги тушунилади. Жаҳолатга қарши маърифат қуролимиз бўлмоғи учун, аввало, ана шу жаҳолат сабабларини, кундалик ҳаёти-миздаги баъзи муаммоли масалаларга жавобни қаердан қидирмоқ лозим. Бундай муаммоларни ҳал қилиш оилашунос, маънавиятшунос, файласуф, ижтимоиётчи олимларнинг, умуман, Ватанимизнинг фикрловчи барча фуқароси олдида турган вазифадир. Ана шу каби масалаларни ҳал қилиш учун Республика “Оила” илмий-амалий Марказининг “Оила маънавияти” бўлимида ҳам Фан ва техника Давлат қўмитаси дастурлари доирасида “Ўзбекистон оилаларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари” мавзусида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ана шу тадқиқот замирида “Нега баъзи фарзандларимиз ёт ғоялар ортидан эргашиб кетяпти?” каби саволларга жавоб қидириш ҳамда “Ташқи ёт ғоялар таъсирига қарши кучли иммунитет ҳосил қилиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?”- деган савол ётади.

Мустақиллик туфайли эл-юртимиз фаровонлиги ва равнақига бўлган кучли интилиш жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислохотлар, ўзгариш ва туб бурилишлар ясади. Айнан ана шу ўзгаришлар туфайли шу кунда энг эътиборга муҳтож соҳалар яққол

кўзга ташланиб қолмоқда, бу айниқса, оила ҳаётига тааллуқдир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, албатта, маълум бир оиланинг ҳам аъзосидир. Ижтимоий ҳаётда қандай мавқе ва дунёқарашга эга бўлишимиздан, хоҳишимиздан қатъи назар, ҳар биримиз ўз оиламиз тузумига, тугунига шу даражада боғлиқмизки, ана шунинг оқибатида оилалар, маҳаллалар ҳаёти ва дунёқараш охир-оқибатда бутун юртимиз ҳаётига кучли таъсир кўрсата олади. Бу фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, оила тузумига, тарбиясига чуқур эътиборни қаратиб, таҳлил ва тадқиқотлар ўтказмоқ, керакли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқмоқ шу бугунинг долзарб масалаларидан биридир.

Аввало, ҳар бир хонадонда соғлом оилавий муҳит яратилмоғи, бунинг учун оила муаммолари ўрганилмоғи лозимдир. Оилада соғлом маънавий муҳитнинг йўқлиги; авлодлар, ота-она, қайнона-келин, ака-укалар орасида ҳурмат ва иноқликнинг мавжуд эмаслиги, майда-чуйда оилавий можароларнинг кучайиши оқибатида ёшларнинг оиладан бешиб ёт таъсирларга тушиб қолиши рўй беради.

Иккинчидан, маънавий муҳит соғлом бўлмаган оилада меҳнатга ва даромадга муносабат нотўғри ўрнатилган бўлиб, баъзи ёшларда боқимандалик кайфияти ҳукм суради ва меҳнатга бўйин бермаслик оқибатида фарзандлар беиш, беташвиш юриб ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолади.

Учинчидан, маънавий муҳит соғлом бўлмаган оилада авлодлар алоқаси ва муносабатлари ҳам носоғ бўлиб, катталарнинг обрўси, кичикларнинг ўзаро иззати мавжуд бўлмайди ва бунинг натижасида улар ўртасида ғоялар тўқнашуви содир бўлади.

Тўртинчидан, оиладаги носоғлом маънавий муҳит оқибатида ота-боболари касбини қадрламаслик, даромад манбаи сифатида бошқа ноқонуний йўлларни қидириш, касбий эътиқоднинг йўқолиши ва касбга

нотўғри йўналтирилганлик ҳоллари келиб чиқади.

Ана шунга ўхшаш кўплаб сабабларни санаш мумкинки, буларнинг ёнига нотўғри йўналтирилган диний тарбия, эътиқодсизлик ва маърифатсизлик қўшилганда юқорида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқади.

Миллий хавфсизлигимизни таъминлашда бизнинг тутадиган йўлимиз муҳим аҳамиятга эга. Оилавий тарбиядан нафақат исломий маърифатни, шунингдек, фуқаролар эътиқодий поклигини, тафаккур теранлигини шакллантиришда ҳам кенг фойдаланмоқ лозимдир.

Пок инсоний туйғулар асосига қурилган оилавий муносабатлир, кучли билим, ватанпарварлик эътиқоди шаклланган оилалардан жамиятпарвар, халқпарвар фарзандлар ўсиб чиқиши - айна ҳақиқат. Ана шунга эришмоқ учун барча имкониятларни ишга солмоқ даркор. Бунинг учун халқимиздаги илмга чанқоқлик ва интилишни тўғри йўлга солиб, мутаассибликнинг турли кўринишлари моҳиятини халққа очиб бермоқ; диннинг тўғри, асл вазифаси инсониятни тўғри йўлга йўллаш эканлигини, инсонлар ўртасига нифоқ солиш, низолар келтириб чиқариш, ўз манфаатлари йўлида ҳали иймон-эътиқоди тўлиқ шаклланмаган норасидаларни йўлдан урмоқ нафақат Исломда, балки ҳеч қайси динда йўқ эканлигини ёшлар онгига сингдирмоқ; иймон калимасининг, диний эътиқоднинг асл моҳиятини тушунишга эришмоқ; ота-онанинг фарзанд олдидаги обрўсини тиклашга, фарзандлари зиммасидаги мажбурият ва бурчларини англашга эришмоқ маърифат йўлидир. Ана шу муносабатлар изга тушган жойдан бошлаб ёт гоёларнинг кириш эшиклари беркилиб, фарзандларимиз ота-онам ким, бизнинг миллий гоёмиз қандай, мен дуч келган янги ақида менинг ота-онам, оилам, юртим манфаатига мос келадими, менинг

ҳозир босмоқчи бўлган қадамимдан элимга қандай наф ёки зарар бўлиши мумкин, деган саволларни қўя бошлайди. Ана шу саволларни қўйиш зарурати унинг ўз истиқболини, ака-укалари ва оиласи истиқболини, охир-оқибатда, Ватани, юрти истиқболини белгилашини англашдан келиб чиқади. Фикрлаш бошланган жойда ҳамма ўз фойда-зарарини ажратиб олади.

*М. Жакбаров,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши
Академияси, фалсафа фанлари
номзоди, доцент*

МИЛЛИЙ ИСТИҚДОЛ ҒОЯСИНИНГ ЎЗАГИ

*Яхши одам ҳар куни эътиқодини ал-
маштирмайди. Эътиқод ва иймон бир
либос эмаски, бугун бунисини ечиб
ташлаб, эртага янгисини кийсанг.*

Ислом КАРИМОВ

Иймон, ишонч, эътиқод, шунингдек, иймонли-
лик ва иймонсизлик истилоҳлари инсон маънавий-
ахлоқий сифатларининг ифодаси бўлиб, унинг иж-
тимоий-инсоний ва биологик - ҳайвоний моҳият-
ларини белгилаб берувчи мезондир: иймонли одам
инсофли, юксак маънавият соҳиби бўлиб, иймон-
сиз одам унинг муқобилидир, яъни худбин, муно-
фиқ бўлиб, ўз нафсининг қулидир.

Табиатан барча тирик мавжудотларнинг гултожи
ва оқибати сифатида намоён бўлган инсон моҳияти-
даги нодир ҳодиса - руҳ (ақл) муайян ғояни сингди-
риб, муқаддас қадриятларга ихлос қўйиш, эътиқод
қилишга муҳтождир. Узоқ тарихимиз ҳам, шу кун-
лардаги тажриба ҳам одам танаси озик-овқат истеъ-
мол қилишга нечоғли эҳтиёж сезса, унинг маъна-
вий дунёси ҳам муайян ғоя, дунёқараш атрофида
шаклланадиган иймонга шунчалар муҳтожлигидан да-
лолат бермоққа. Инсон муайян тарихий ва ижтимоий
шароит ҳамда бу шароитдаги тарбиянинг маҳсули,

деган қараш мавжуд. Бундай қараш тўғри, аммо бир ёқламадир. Чунки бу вазиятни яратувчи, уни инсонийлаштирувчилар одамларнинг ўзлари эканини англаб етиш керак. Шунда тарбиячининг ўзи тарбияланган, иймон-этиқодли, покиза қалбли бўлишига эришиш лозим бўлади. Ижтимоий муҳитнинг ўзи ижтимоийлашган инсон шахсини қарор топтиришга хизмат қиладиган даражада бўлмоғи лозим.

Тафаккур соҳиби бўлган ёш одамнинг ҳаёти ўз атроф-теварагидаги “одатий онг”, “одатий қилиқлар” таъсирига берилувчандир. Агар ижтимоий муҳит пок, соғлом бўлса, “одатий онг”, “одатий қилиқлар” ҳам соғлом руҳдан озиқланиб тўғри йўналиш олса, инсоннинг баркамол шахс бўлиб етишиши учун ёрдам беради. Борди-ю, катта-кичик ижтимоий муҳитда носоғломлик, нопоклик мавжуд бўлса, унинг устига бундай муҳит етакчилик қилса, одамда ғайриинсоний сифатлар қарор топади. Ғайриинсоний муҳит ғайриинсонлар - ўғрилар, босқинчилар, порахўрлар, фоҳишалар, юлғичлар, текинхўрларни юзага келтиради. Албатта, инсон шаклланишида биологик ва ижтимоий ирсиятларнинг роли ҳам бўлади. Ирсиятига ҳалол-поклик руҳи сингган одам ҳар қандай разил ижтимоий муҳитда ҳам ўзини йўқотмайди, ақлли, фаросатли одам зотига мансуб эканлигини унутмайди. ҳар қандай шароитда у инсонийликка, иймонга содиқ бўлиб қолишга интилади ва унга эришади. Аммо, биологик ва ижтимоий ирсият ҳал қилувчи эмас, балки ёрдамчи омилдир. Ҳал қилувчи омил инсонни қуршаб олган кичик муҳит (оила, қариндош-уруғ, яқин кишилар, истиқомат жойи, ўқув ва меҳнат жамоаси)нинг маънавий - ахлоқий даражаси ва катта муҳитдаги (жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар) руҳий ҳолатдир.

Иймонга инсоннинг муайян руҳий ҳолати, маълум ғояга, қадриятга бўлган комил ишонч, ихлос,

этиқод сифатида қаралар экан, одамни ижтимоийлашган инсон шахсига айлантириш учун унутилаётган кўпгина тарихий тажрибаларни тиклаш лозим. Ҳар бир кишининг ёшлигидан кичик муҳитда олган тарбиясидан келиб чиқадиган ва ўзи ихлос қўйган муайян қадриятлари бўлади. Иймонсиз одам виждон, инсоф, диёнат каби фазилатлардан маҳрум, унинг онги, ҳис-туйғусида ҳайвонга хос бўлган ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлашдан бошқа қадрият қолмайди. Бундай одамнинг “фалсафаси” оддий: қайси йўл, усул билан бўлса-да, яхши еб, яхши кийиниб, яхши яшаса, бас. Ўғри, босқинчи, фоҳишаларнинг “фалсафаси”га ҳам порахўр, тамагир озиқ бериб туради. Ўғри, рэкетчи шундай мулоҳаза юритади: мана, порахўр идора, ташкилот, банкда ўтириб “қонуний” тарзда одамларни шиляпти, ўзигина эмас, бола-чақаси билан ҳузур-ҳаловатда яшайпти. Туну кун жафо чекиб меҳнат қилаётган одамларнинг эса косаси оқармаяпти. Демак ўғирлик, талончилик қилмасдан яхши яшаш мумкин эмас. Шу ишонч унинг онгига сингач, ҳис-туйғусидан мустаҳкам ўрин олиб унинг ички оламида шу руҳ ҳукмрон бўлгач, бировларни қақшатишдан, шавқатсизликдан роҳат олади, завқланади.

Инсон зотига иснод келтирадиган қусурлар уруғи фақат қулай муҳитдагина ривожлана олади. Бундай қусурли одамларнинг ўзига хос ҳолати - муайян қарашлар, интилишлар доирасида шаклланадиган онг ва ҳис-туйғуси мавжуд. Шундан келиб чиқиб одам ўз иродасини йўналтиради. Бу руҳий ҳолатни иймонсизлик, эътиқодсизлик натижаси деб қараш керак.

Чин иймон ва эътиқод фақат умуминсоний қадриятлар руҳи сингган фазилатлар атрофидагина шаклланади. Ўғирлик, порахўрлик, қотиллик каби ноинсоний хатти-ҳаракатлар заминида иймонсизлик ётадики, биз ҳақли равишда уларнинг ҳаммасини бир сафга қўйиб, иймонсиз одамлар деб аташга ҳаққимиз

бор. Иймонсиз одамлар жамиятда бор экан ва, ҳатто, баъзи жойларда уларнинг “ошиғи олчи” экан, демак, иймонли одамларнинг уларга қарши курашда бирлашишлари инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий жамиятни барпо қилиш мақсадларига хизмат қилади.

Ислом илоҳиёти (фалсафаси)да иймонга истилоҳ сифатида қаралади ва кўп қиррали таҳлил этилади. Қуръонда иймонли одамларнинг белгилари қуйидагича тасвирланади: улар мўмин, ройиш, ювош, итоаткор, қуруқ сўзликдан қочувчи, поклик, ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари, ибодатига амал қилувчи ва шунинг учун ҳам жаннат ворислари ҳисобланади. Ёки мана бу фикрларга эътибор беринг: “Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводирлар”.

Демак, иймон - бу инсоннинг ички туйғуси, онгли равишда ўз зиммасига олган аҳду паймони, бунга сўзсиз риоя қилиши, хайру эҳсонли бўлиши ва амалий ишлар билан ғоявий нуқтаи назарига содиқ эканлигини исботлаб бериши ва ҳоказо.

Исломда иймон тушунчаси ана шу тариқа амалиёт билан боғланади. Иймон амалий фаолият, маънавий - ахлоқий сифатлар, фазилатлар билан қадрли, деган ғоя илгари сурилиб, ислом нуқтаи назаридан

чин иймонли ҳисобланганлар рағбатлантирилиб, яхши одамлар қаторига қушилади, уларга жаннат ваъда қилинади.

Иймон инсон онгининг ажралмас хусусияти, инсоннинг оламини, ўз-ўзини англаш усули бўлганлиги сабабли мафкуравий кураш предмети ҳам ҳисобланади. “Иймон” сўзининг жиддий бир илмий атамага, тушунчага айланмагани, мафкуравий, маърифий, тарбиявий ишларимизда миллий ғоя, тимсол кераклиги ғоявий-тарбиявий ишларда эътиборга олинмаётир. Бунга, бир томондан, илмий адабиётларда иймон масаласига қарашларда хилма-хил фикрлар мавжудлиги, иккинчи томондан, кейинги йиллар тадқиқотлари самараси бўлган оқилона илмий хулосалар, қоидалар, тавсияларга беписанд қараш давом этиб келаётгани сабабдир. Баъзилар иймонни, кўпинча, диний ёки дин маъносида тушунадилар. Бошқалар иймонга диний маслак сифатида қарайдилар. Яна бир хиллар иймонни ғарб фалсафасининг сохта тушунчаси деб биладилар.

Ниҳоят, иймон инсон онгининг ажралмас хусусияти бўлиб, диний иймон умуман иймоннинг бир тури сифатида талқин этилмоқда. Сўнгги фикрни чуқурлаштириб, ривожлантириб бориш лозим. Умуман, ўзбек ижодий зиёлилари орасида “иймон” сўзи орқали ифодаланадиган, миллий ғоя ва миллий мафкурага оид мазмунни тушунмаслик оқибатида уни қулай диний маънода талқин этиш тез-тез кўзга чалиниб туради. Бунинг учун уларни койиш мумкин, аммо қоралаш адолатдан эмас. Иймон сўзи орқали ифодаланадиган фикрнинг илмий-фалсафий мазмуни ҳали - ҳозир чуқур таҳлил этилмаётган бир шароитда уларнинг фикр-мулоҳазаларидаги дин билан иймонни ўхшатиб талқин этишни тушуниш мумкин.

Миллий ғояни шакллантириш жараёни ва маънавий-ахлоқий, мафкуравий тарбиянинг бундан буён-

ги тақдири ҳамда самараси, кўп жиҳатдан, иймонли шахсларнинг, иймонли фуқароларнинг камол топишига боғлиқ бўлгани учун бу масалада кенг тадқиқот ва тарғибот ишлари олиб борилиши керак.

Миллий истиқлол ғояси ва тимсоллардан келиб чиқадиган, улар атрофида шаклланадиган маънавий-руҳий ҳолат бўлган иймон давр руҳи, ижтимоий онг ва ижтимоий руҳият шаклида ҳам мавжуд бўладики, якка шахс онги ана шуларнинг бевосита таъсирида шаклланади. Иймон муаммосига ёндашганда миллий ғоянинг киши онги, оддий ва ижтимоий онгга утказадиган таъсирини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Иймон, бевосита дунёқараш, оламни, одам ўзини англаши билан, жамиятни инсониятга монанд тарзда қайта қуришга бўлган табиий интилиш, яъни ирода билан боғланиб кетган. Иймонли (маслакли) одам ўзи ихтиёрий равишда қабул қилган миллий ғояга, ўзини мансуб деб билган тимсолга ҳар қандай шароитда ва ҳамма жойда содиқ бўлиб қолади.

МАҲАЛЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Бугунги тараққий этган анъанавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига эътибор берадиган бўлсак, улар ўзларининг тарихий, миллий урф-одатлари, қадриятлари, дунёқарашлари ва диний эътиқодларига мос равишда давлатчилик тизимини яратганликларининг гувоҳи бўламиз. Умуминсоний тамойилларга асосланган бошқарув механизмини вужудга келтиришда улар миллатлараро, шахслараро муносабатлар ва ҳамжиҳатлик тамойилларини яратиб, кучли бозор иқтисодиёти механизми назариясини ишлаб чиқишга эришганлар. Бу ҳақда таникли социолог П.Сорокиннинг билдирган фикрлари диққатга сазовор: “Инсоният маданияти қанчалик юқорилаб борар экан, у шунчалик ўзидан аввал ўтган аждодларининг қилган ишларига боғлиқ эканлигини хис қилиб боради, ўзидан олдин ўтган аждодларининг тажрибалари асосида сақлашиб қолган чора-тадбирларига эҳтиёж сезиб боради ҳамда уни амалиётда қўллашга ҳаракат қилади”¹.

Ўзбекистон Республикаси жамият ривожланишининг бошқарув тизимида ижтимоий-тарихий анъаналаримизга, қадриятларимизга ва буюк давлатчилигимизда шаклланган хулосаларга таяниб иш кўрмоқда. Зеро, ўтиш давримиздаги вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда, замон руҳига мослашиб, илғор мамлакатларнинг давлатчиликда эришган баъзи бир ютуқлари билан тарихий меросимиз-

¹ Сорокин П. Система социологии. Сыктывкар 1991: Т.1. 119 с.

ни уйғунлаштириш асосида миллий бошқарув тизимининг пойдевори мустахкамланиб бормокда.

Ҳар қандай назария ёки таълимотни олиб ўрганадиган бўлсак, уларнинг асосида кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар, маданий эҳтиёжлар ва маънавий бирликлар йиғиндиси, умумлашма ётганини кўрамиз. Булар, ўз навбатида, ўзаро жамланиб жамият қонунари, ҳаракати ва тараққиёти қонуниятини белгилайди. Янгилиниш, сиёсий тизимни қайта қуриш, дунёвий тузумга ўтиш шароитида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида ўзини-ўзи бошқаришнинг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Жамият тараққиётининг ҳозирги даври, кўп жиҳатдан, фуқароларнинг маълум ҳудудда биргаликда яшаши билан боғлиқ масалалар бўйича муҳим аҳамият касб этади. Кишиларнинг ижтимоий фаоллиги ортиши ижтимоий ҳаётда аҳоли турли гуруҳларининг турмуш шароитлари қандай ҳолатда эканлиги билан белгиланади. Бу жараёнларнинг ривожланиши ўзини ўзи бошқарув тизимида мустақил бўгин сифатида бевосита жамият ҳаётига алоқадор қатор масалалар қандай ҳал қилинаётганлиги билан ҳам ўлчанади. Ўзини-ўзи бошқарув тизими тўғрисида фикр юритар эканмиз, бу тизим ўзида қандай ижтимоий-маданий бирликларни мужассамлаштиради ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни қандай бўлади? — деган савол туғилиши табиий.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг давлат ичида кичик давлат бўлган, жамият ичида кичик жамият номини олган ва жаҳон маҳаллий бошқарув тизимлари ичида ўзига хос, оммабоп халқчил манфаат касб этувчи — МАҲАЛЛА тизимини раванқ топтириш, унинг ўзига хос миллий бошқарув шаклини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон халқининг рухий, ижтимоий муаммоларини ўрганиб, унга амалий ёрдам берувчи жамиятнинг ижтимоий бир бўлаги ҳисобланган ушбу тизимни мустахкамлаш мақсадида махсус хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида фармон қабул қилинди. Ўзбекистон Рес-

публикаси ўзини - ўзи бошқарув тизими шаклини яратишда, олдин, яъни қадимдан халқимизда сақланиб келаётган маҳаллага мурожаат қилди. Чунки маҳаллада халқимизнинг ўзлиги: урф-одатлари, анъаналари, удумлари, қадриятлари ўз ифодасини топган бўлиб, миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришни маҳалла тимсолида амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланди ва у аввал бошданок ўз самараларини бера бошлади. Сабаби маҳалла аҳоли турмуш тарзини эркин акс эттириши, унинг ҳаётини белгилаб берувчи омилларни ўзида уйғунлаштирганлиги ва халқ учун хизмат қиладиган барча маданий-маънавий меросни ўзида жамлагани учун ҳам у миллий давлатчиликда демократик жараёнларни амалиётга қўллашнинг ўзига хос томонларини яратиб беради.

Бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этган субъектнинг ўзига хос хусусиятини ундаги бошқарув функцияси бажаради. Чунки айнан шу функциялар орқали маҳалланинг самарали иш фаолияти намоён бўлади. Маҳалла субъектига социологик жihatдан ёндошилса, унда қуйидаги сабабларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, маҳалла жамиятдаги маълум гуруҳлар ва индивидларга эркинлик яратиб беришда муҳим рол ўйнайди.

Иккинчидан, жамоадаги ёки объектдаги гуруҳлар ва индивидлар ўртасида ўзаро тенглик ҳиссини кафолатлайди, яна бунда кишилар ўз фикрларини тўлиқ айтадилар, ўзлари яқиндан таниган шахсларга овоз берадилар, уларнинг камчиликлари ва ютуқлари тўғрисида батафсил гапирадилар.

Учинчидан, бошқа маҳаллий бошқарув тизимлари, хусусан, ҳокимият, ижроия ташкилотлари, нодавлат ташкилотларига нисбатан самарали, сифатли ҳамда аниқ амалий иш намуналарини ишлаб чиқадилар ва уларни амалиётда қўлайдилар.

Бундан ташқари, яна шуни таъкидлаш мумкинки,

ушбу самарали ишлар ҳақчил, ҳолисона, миннатсиз, чин юракдан ва қалб амри билан бажариладиган ишлар бўлганлиги сабабли ҳам маҳалла бошқарув тизими ўз кадр-қимматини ошириб бормоқда. Маҳалланинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бошқарув муносабатларида аҳолининг фаол иштирок этишидир. Бу эса демократик аҳамият касб этади. Албатта, ўз-ўзидан ушбу жараёндан сўнг фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошиб боради, ян-гича дунёқараш шаклланиб бориши асосида воқеликка нисбатан тўғри баҳо бериш кайфияти юзага келади.

Маҳалла бошқарув тизимининг функцияси ўзига хос кўринишга эга бўлиб, уни илмий таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатни бошқарув жараёни тадқиқ қили-наётган бир паллада амалга ошириш самарали натижа-лар бериши мумкин. Куйидаги жадвалга эътиборингизни қаратамиз:

Мақсад	Ижтимоий-маданий хусусиятлар	Маҳалла	Ютуқлар ва курсаткичлар	Дастур
Масала				Ташкилот-чилик
Фаолият				Жамланган тажриба
Жамланган тажриба				Назорат
Имкониятни кидириш				Бошқарувни тартибга солиш
Натижа				Натижа

Жадвалдан келиб чикиб қуйидагиларни ифода қилиш мумкин. Хар бир бошқарув тизими — бу санъатдир. Санъатни рўёбга чиқариш учун илмийлик керак. Жадвалдаги маҳалланинг ижтимоий-маҳаллий хусусиятларга йўналтирилган қисмини илмий, аниқроғи, назарий қисм деб изохламоқчимиз. Сабаби, энг аввало, мақсад қўйилади, бирон-бир масала танлаб олинади, шу масаланинг ечимини топиш учун эса фаолият амалга оширилади, албатта, бунда жамланган тажрибалар ўз самарасини беради. Мақсадни амалга ошириш учун доимо имконият излаб топиш керак, охир-оқибатда натижа учун имкон яратилади.

Маҳалланинг ютуқлари ва кўрсаткичлари орқали ифодаланган кўринишни амалий қисм, деб белгилаб, назарий қисм изоҳи билан қиёсласа, ўқувчи илмий иш ҳулоласини баён эта олади, деб ўйлаймиз.


Аксарият ҳолларда кўпчилик маҳаллани фуқароларнинг бирон-бир эҳтиёжларини қондирувчи (масалан, болалар нафақасини берувчи, моддий ёрдам билан таъминловчи ташкилот) тизим сифатида тан олади. Лекин қуйидаги жадвал орқали унинг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, у, юқорида таъкидлаганимиздек, кичик давлат бошқарув органи эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин, демак:

Даражаси	Элементлар	Ўлчовлари
Шахсларда	Ўзаро ҳамкорлик фаолияти	Ижтимоий малад, химоя, кумак
	Роллар бўйича ўзини тутиш	Устоз, мураббий
	Ижтимоий макоми	Оқсоқол, ота, маслаҳатчи
	Шахслараро алоқаси	<i>Бошқаларга ўрнак, айбдорлик ҳисси, уялиш</i>
Гуруҳли	Бирламчи гуруҳ	Маҳалла фаоллари
	<i>Ташкилот</i>	Маҳалла қумитаси
	Гуруҳлараро муносабат	Бошқарув, фидоийлик

Бу жадвалга асосланган ҳолда бир қанча ҳолатларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Кишиларнинг ўзаро ижтимоий алоқада бўлишлари ҳам, кичик гуруҳларда ўзаро таъсир ўтказишлари ҳам уларда бир-бирларига нисбатан жавоб реакцияларини вужудга келтиради. Натижада турли хил даражадаги, имкониятдаги, ҳолатдаги индивидларнинг ўзаро фаолиятларини акс эттирувчи мураккаб ижтимоий тармоқ шаклланади. Уларнинг бир-бирларига нисбатан ҳиссий иррационал тасаввурда бўлишлари туфайли ўзаро тушунишларини такрорий ифодаловчи социал муносабатлар туғилади. Кишиларнинг муносабатларидаги ҳамкорлик фаолиятининг маъно ва мазмунига биноан муайян аҳамият касб этиши индивидларда бир-бирига нисбатан дўстлик ёки бир-бирини ёмон кўришлик, ҳавас ёки ҳасад, меҳр ёки жабр кўрсатишлик каби ахлоқий меъёрларни шакллантиради.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини қуриб борар экан, ушбу йўлда зарурий эҳтиёж бўлиб турган бошқарув тизимини ислох қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бундай эҳтиёж ўзини-ўзи бошқарув тизими фаолиятига ҳам тегишлидир, хусусан, маҳаллада турли гуруҳларнинг ўзига хос кизиқишлари, эҳтиёжлари, ўзаро ҳамкорлик фаолияти бундан мустасно эмас. Ҳар бир маҳалла ўзига хос географик жойлашувга, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлганлигидан келиб чиқиб, бу муҳим маконда истиқомат қилаётган аҳолининг турли миллатга ёки бир миллатга мансублигига асосланиб, ҳар бир маҳалланинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини яратиш мақсадга мувофиқ. Маҳалла фуқароларнинг мустақил фаолиятини, уларнинг жамиятнинг турли доираларидаги ижтимоий муносабатларини, давлат ва жамият бошқарув структурасини ташкил этишдаги ҳамда ижтимоий жамоаларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлашдаги ва, шу билан биргаликда, ўз аъзоларининг ижтимо-

ий ҳаёт олдига қўйган саволларга жавоб беришдаги иштирокини белгилайди. Бевосита кузатишлар ва олиб борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистонда маҳаллаларни уч кўринишда фарқлаш мумкин, ўз навбатида улар яна бир қанча қисмларга бўлинади. Буни қуйидаги жадвал орқали изоҳлаш мумкин.



Жадвалдаги анъанавий маҳалла ва квартал маҳаллалар, асосан, шаҳарча ва катта шаҳарларга хос, кишлоқ маҳаллалари эса азалдан келаётган кишлоқлар ҳамда янги қурилган посёлка, овул ва шу каби-ларга тааллуқлидир. Ўзбекистонда маҳаллаларнинг ушбу кўринишларини таҳлил қилишдан олдин улардаги халқ бошқарув шаклига диққатни қаратиб кўрайлик.

XX аср бошларидан эътиборан бутун дунёда “демократия”, яъни халқ бошқаруви деган ибора мунтазам равишда ижтимоий ҳаётга кириб кела бошлади. Бунинг натижасида сиёсатда, айниқса, демократик жамият қуриш йўлида махсус билимларга зару-

рияи сезилди, чунки сиёсий жараёнларда иштирок этаётган фуқаролар, асосан, жамият ҳаётида бунингсиз иштирок эта олмайдилар, деган мулоҳазалар учраб туради. Тўғри, агар бошқарув, асосан, юқоридан амалга оширилиб, қуйи соҳалар бошқарув муносабатларидан четлаштирилса ёки қисман узоқлаштирилса, шундай вазият вужудга келиши табиий, чунки сиёсий фаолият жамиятда ҳукм суриб турган социал муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда ўзининг муҳим таъсир кўрсатувчи вазифасини ўтайди. Айтилик, биз сиёсат махсус билимлар талаб қилади, деган ақидага амал қиладиган бўлсак, албатта, бошқарувчилар ҳақ, улар тўғри хулоса чиқарадилар, бўйсунувчилар эса ўз иши билан шуғулланиши лозим, деган хулосага келган бўлар эдик. Бу ўз-ўзидан демократик тамойилларнинг йўқлиги ёки унга амал қилмасликдир, дегандай гап. Ваҳоланки, собиқ Иттифокда шундай эди, ҳатто, оддий ташаббус ҳам йиллаб ўз ечимини кутиб ётар эди.

Қадимги юнонлар демократия терминини ишлаб чиққанларида, табиий — ижтимоий жараёнга эътиборни қаратган эдилар, яъни кишилар ўзлари яшаётган жойга хос бўлган имкониятларни яратадилар. Демак, демократия — бу — халқ ҳокимияти экан, унда, албатта, халқ иштирок этиши керак. Ўз-ўзидан равшанки, халқ иштирок этадиган асосий тизим — бу ўзини-ўзи бошқарув тизимидир, халқ бошқарув тизимида иштирок ётар экан, у сиёсий фаолиятини ошириб боради, демак, омма сиёсат билан қизиқиб қолади., ваҳоланки, у сиёсат билан қизиқдимиз, тобора уни жамият тараққиёти ва равнақи ўйлантириб қўяди.

Келинг, маҳалланинг бугунги кунини мисоллар билан қуриб ўтайлик. Биринчидан — оила муҳофазаси, иккинчидан — ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик, учинчидан — ижтимоий ҳимояда

фаол иштирок этиш, тўртинчидан — маънавият ва ижтимоий ҳуқуқни шакллантириш, бешинчидан — сиёсий фаолликни ошириш ва ҳ.к.

Немис социологи Ф.Теннис узининг “Жамоа ва жамият” асарида анъанавий ва замонавий жамиятларнинг орасида келиб чиқадиган фарқни кўрсатади ҳамда бу фарқларни бешта ўзаро ижтимоий алоқадорликда олиб қарайди. Бу жараёнларни изоҳлашда, у немисча “Гемейншафт” ва “Гезельшафт” деган терминлардан фойдаланади. У Гемейншафт орқали жамоат ва Гезельшафт орқали жамиятни изоҳлайди. Булар орасидаги асосий фарқлар куйидагиларда намоён бўлади:

1. Гемейншафт кишиларни жамоа тамойиллари ва дунёвий қадриятлар асосида яшайди, деб ҳисоблайди, Гезельшафт эса шахсий муносабатларга суянади.

2. Гемейншафт асосий эътиборни анъаналарга қаратса, Гезельшафт, бундан фарқли ўлароқ, кўпинча, расмий қоидаларга асосланади.

3. Гемейншафт қисқа ва унчалик оммавийлашмаган мутахассисликларга асосланса, Гезельшафт бу вақт ичида махсус мутахассисликларнинг ўрнини белгилайди.

4. Гемейншафт диний қадриятлар негизидан келиб чиқса, Гезельшафт дунёвий қадриятларга асосланади.

5. Гемейншафтнинг асосини оила ва жамоа ташкил этса, Гезельшафтнинг негизини кишилар бирлигининг йирик корпоратив ва ассоциацион шакли ташкил этади.¹

Ф.Тенниснинг ушбу фикрини келтиришдан асосий мақсад ундаги “Гемейншафт” термини орқали

¹ Радугин А.А., Радугин К.А. Социология. Курс лекций. М.: Изд-во Центр 1997, с.55.

изоҳланган муносабатлар маҳалла тўғрисида билдириладиган кўрсаткичларга мос келганлиги туфайли диққатни ўзига тортганлигидир. Шу билан биргаликда, ушбу ҳолат жамоа бошқарув усули қай йўсинда бўлишини белгилашда асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Социологияда бошқарув усулини аниқлашда бошқарувчининг индивидуал сифатларига ва меҳнат жараёнида унга бўйсунувчилар орасида юзага келадиган муносабатларнинг хусусиятларига таянилади. Бундай ҳолатда, айниқса, бошқарувчи амалга оширган натижалар муҳим ўрин тутди. Бошқарувчи фаолиятининг натижаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: жамоа орасида ташкилотчилик қобилиятига эга бўлишлик, ўзаро бир-бирини тушунишлик ҳамда муносабатлар таркиби, илиқ муҳитни юзага келтириш, ўзаро жипслилик ҳамда қўллаб-қувватлашлик, жамоа таркибида доимий фаолликни шакллантириш, қизиқишларни кучайтириш ва ҳоказолар. Албатта, ўз навбатида, бу кўрсаткичлар мезони бошқарувчи раҳбарнинг натижаларга эришишдаги ютуқларини белгилаб беради.

Янгидан қарор топаётган ҳар бир жамият яшаб қолиши учун ўз бошқарув тизимида янги даврга, шароитга мос умумий кадриятларни, ижтимоий фикрни шакллантириши табиий бир ҳол. Янги жамият мафқурасини яқка шахс ёки кўп сонли кишилар эмас, балки бутун жамият аъзолари яратадилар. Бунда мавжуд анъаналарга, умумбашарий кадриятларга ҳилоф бўлмайдиган фаолият тизими асосида иш юритиш, шунинг бараварида, янги кун ва янги давр талабларини ўзида мужассам этган янги шароитдаги ижтимоий муносабатларга асос бўлиб хизмат қилувчи бошқарув тамойилларига асосланиш зарурдир. Зотан, янгилик ҳеч бир жамиятга қийинчиликларсиз, маълум бир ижтимоий қатламларнинг, гуруҳ-

ларнинг қаршилигисиз кириб келмаслиги табиий. Маълумки, прагматик яшаш тарзига кўникмаган анъанавий жамият кишиси барча қатори ижтимоий аҳволнинг яхшиланишини жуда-жуда истайди, аммо у кутилмаган бу янгилик ўз турмуш даражасини пассивлаштириб юборишидан қўрқади. Холбуки, шундай экан, янгилик жамият ҳаётига кириб келаётган даврда анъана ва урф-одатлар шаклланган дунёқарашлар қаршилигига дучор бўлишининг асосий сабаби — янгилик олдида қўрқувнинг асоссиз эканлигини, янгиликнинг афзал жиҳатларини ўз вақтида ва ўринли тушунишдан иборатдир.

*А. Норбоев,
Миллий мафкура илмий-тарғибо,
бош мутахассис.*

БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИ - НОЁБ ХАЗИНА

*“...мен миллий истиқлол гоёси бугунги тез
суръатлар билан ўзгараётган таҳликали
дунёда ўзлигимизни англаш,
бизнинг кимлигимизни, қандай буюк
аждодларнинг меросига, неча минг
йиллик тарих, бетакрор маданият
ва қадриятларга эга эканимизни
ҳис этиб яшашга, бу бойликни
асраб-авайлаб, демократик қадриятлар,
бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари
билан озиқлантириб, янги ўсиб
келаётган авлодга етказишга хизмат
қилмоғи зарур деб биламан.”*

И. Каримов

Ҳа, ҳақиқатан ҳам тарихга назар солмоқ, бот-бот босиб утилган йўлни сарҳисоб қилмоқ, аждодларни ҳар қадамда ёд этмоқ, улардан ўрганмоқ ва ўзгалар тараққиёти билан таққосламоқ бизнинг қаерга келганлигимизни ойна каби ўзида акс эттириб туради. Тарихга назар солар эканмиз, асрлар қаъридан аждодларимиз сиймоси бўй чўзиб турганини кўрамиз. Уларнинг руҳи поклари бизни қўллаб-қувватлаб турибди, қурдирган бинолари боболар қудратидан дарак бермоқда, илмий салоҳиятлари бизни яна юксакликларга чорламоқда.

Асрлар оша дунёни лол қолдириб келаётган алломаларимиз илмий мероси бизнинг нурафшон

йўлимизга, порлоқ келажакка бўлган интилишимизга рағбат бўлмоқда. Абу Райҳон Беруний ана шундай буюк алломалардан биридир.

“Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан - зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради”, - деб ёзади улуғ олим Абу Райҳон Беруний.

Агар аллома айтган ҳар бир “зина”ни бир аср деб олсак, яна ўн зина нарида турган ортга қарамоқнинг боиси нимақ Боиси - таянчнинг мустаҳкамлигига яна бир карра ишонмоқ, ундан мадад олмоқ, руҳий тетикланмоқ, юракларни хотиржамламоқ ва олға босмоқ.

Ҳа, Абу Райҳон Беруний ана шундай таянч бўла оладиган улуғ алломадир. Унинг илмий мероси ва ахлоқий қарашлари келажакни озиқлантира оладиган буюк манбадир. У ўз ҳаёти давомида диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллаган, дунёвий илмлар соҳасида фаолият олиб борган шеваси ростгўйлик, амали саховатпешалик, илми кўп қирралик бир инсон эди. Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари илмий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу қуйидагича намоён бўлди: *биринчидан*, у илмни ва покликни моддий бойликдан ҳамда ҳар қандай мансаблардан устун қўя олди; *иккинчидан*, илм ёлғонга эмас, ҳақиқатга асосланиши лозим, деган фикрни илгари суради, ёлғон адолатнинг бузилишига олиб келади, деб хулоса чиқаради ва ҳаёти давомида унга амал қилади; *учинчидан*, руҳий тетикликка эришиш, ёлғондан ва бошқа бузғунчи унсурлардан қутулишнинг йўли кишининг ўзига, унинг ахлоқий китоблар ва илм би-

лан қанчалик яқин бўлишига боғли, деган хулоса чиқаради. Демак, Абу Райҳон Берунийнинг бизлар учун ўрнатқан бўладиган ижтимоий-ахлоқий фикрлари ҳақида, қисқароқ бўлсада, тўхталишимиз фойдадан холи эмас, деб биламан. Аллома ўзининг “Ҳиндистон” китобида шундай ёзади: “Илм орқали халосга етишиш фақат ёмонликдан тийилиш билангина вужудга келади. Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси тама, ғазаб ва илмсизликдир”.

Абу Райҳон Беруний илмни улуғлаб, илмли кишини одамлар ҳурмат қилиши, унинг иқболли эканлиги ҳақида тўхталиб шундай дейди: “Илмлар кўпдир, улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади”. Бу ўринда Абу Райҳон Беруний билан Хоразмшоҳ ўртасида бўлиб ўтган бир воқеа гоёт таъсирли: кўнларнинг бирида Хоразмшоҳ от устида туриб Берунийни ҳужрасидан чақиришни буюради. Нимадир сабаб бўлиб аллома бир оз кечикади. Сабри чидамаган шоҳ отдан тушаётганда Беруний ҳужрасидан чиқади ва шоҳ олдига тез келиб отдан тушмасликни илтимос қилади. Шунда Хоразмшоҳ дейди:

- Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир. Барча унга қараб боради-ю, лекин у келмайди. Илм ҳар нарсадан юксак, ҳеч нарса ундан юқори бўлолмайди.

Абу Райҳон Беруний билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади, деб айтади. Ҳақиқатан ҳам, илмсиз киши ўзининг мустақил фикрига эга бўлолмайди. Мустақил фикрнинг

бўлмаганлиги эса кишини ўзга ғоя, фикрлар мутесига айлантиради. Хамирдан қандай шаклда зувала олинса, билимсиз, хурофотга берилган муте кишини ҳам истаган шаклга солиш мумкин.

Абу Райҳон Беруний ёвузлик ва ёмонликни келтириб чиқарадиган сабаблардан бири билимсизликдир, деб билса, иккинчиси, ёлғончиликдир, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради, деб ёзади. Аллома бу билан илм, самимият бўлмаган жойда фаровон ҳаёт, гўзал турмуш бўлмайди, демоқчи бўлади. Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асарида ёлғончилик тагида қандай манфаатлар ётганлиги ва улар олиб келиши мумкин бўлган салбий ҳодисалар ҳақида тўхталади.

Аллома ёлғончиларни қуйидагиларга бўлади: “... бир киши ўз жинсини улуғлаб хабар тарқатади, бундан мақсади ўзини кўрсатиш бўлади... ёки ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа бир зид жинсни айблаб, ёлғон гап тарқатади.

(Иккинчи бир киши эса) ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлғон хабар тарқатади...

... учинчи бир киши ўзининг паст табиатлилиги сабабли...ёлғон хабар тарқатади. Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг табиатига ёлғон хабар ўрнашиб қолиб... Бу ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганлигидан келиб чиқади.

Баъзи киши (ёлғон хабар тарқатувчига) тақлид қилиб билмасдан ёлғон хабар тарқатади”.

Абу Райҳон Беруний ёлғон сўзламоқ ёмон хулқларнинг нишонасидур, деб шундай хулосага келади: “Демак, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради; зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга

хиёнат қилиш, бошқалар хулқини ҳийла билан босиб олиш, ўғрилик дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади”.

Улуғ аллома ростгўйликни қадрлайди. У узининг асарларида, шунингдек, тарихий китобларини битишда у ёки бу синфлар, гуруҳлар, дин ва унинг мазҳаблари позициясидан туриб ёзиш нотўғри эканлигини, агар бирон-бир томон тарафидан туриб ёзилса ёки ўша томон манфаатидан туриб ҳимоя қилинса, бу, албатта, ёлғон фикрлар битишга олиб келишини уқтиради. У “китобни душманга бўҳтон қилмай ва сўзини (айнан) ҳикоя қилишни оғринсимамай /устоз айтганидек/ ёздим” дейди ва бунга содиқ қолади..

Олим ростгўй кишини энг шижоатли киши деб баҳолашга қўшилади. Шулардан энг шижоатлиси ўлимдан ҳам кўрқмай тўғри сўзни сўзлаш ва тўғри ишни қилишдадир, деб кўрсатади.

Бундан олдин ҳам, бугунги кунда ҳам олимлар Абу Райҳон Беруний асарлари, жумладан, тарихий асарлари ниҳоятда холисоналик билан, ҳақ гапни айтиш билан битилгандир, деб айтганлар ва айтмоқдалар. Айрим тарихчиларнинг таъкидлашича, унинг кўплаб асарлари йўқ бўлиб кетишига сабаб ундаги воқеликнинг қандай бўлса, шундайлигича изоҳланганлигидир.

Абу Райҳон Беруний инсониятнинг истиқболли келажак сари ривожланиб боришида илм-фаннинг, маданият ва маънавиятнинг, киши дунёқарашининг ҳамда меҳнатнинг ўрни беқиёс эканлигини уқтиради. У узининг “Минералогия” номли асарида меҳнатни улуғлайди, киши меҳнатсиз юқори мартабаларга кўтарилиши, роҳат ва фароғатда яшаши мумкин ва лекин, ундай киши “улуғлик либосидан маҳрум, ялонғочдир”, - дейди.

Абу Райҳон Берунийнинг инсонни улуғлаш ва уни яхшилик сари етакловчи омиллар каби ижтимоий-ахлоқий қоидалари унинг асарларида сочма тариқасида учраса-да, инсоният учун ва ҳозирги ёш авлод учун муҳим ўрин эгаллайди. “Ахлоқдаги ва одобдаги нафс гўзаллигига келсак, инсон уни ёмонликдан мақталишгача кўтаришга қодир; бу, албатта, нафсни тоза тутишга, уни руҳий тиббиёт йўли билан даволашга боғлиқ, ёмонлик қолдиғи асоратини аста-секин ахлоқ китобларида айтилган усуллар билан кетказиш мумкин”, - деб ёзади.

Киши бошига оғир кулфатлар олиб келиши мумкин бўлган бузуқ мафқуранинг кўринишларидан бири - очкўзликдан халос қилишда бобокалонимиз Беруний “руҳий тиббиёт” сўзини қўллаган бўлса, ундан ўн аср кейин мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов тиббиётдаги иммунитет сўзини биринчи бор мафқурада қўллаб: “Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида ана шу Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафқуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур”, - дейди.

Ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос ғоялари, қарашлари, орзу-истаклари, эзгу ниятлари мажмуи мавжуддир. Ҳар бир даврнинг бузуқ ғоялари ёвузликларга асос бўлган. Яхшиликни улуғловчи, эзгу ниятларни ўзига байроқ қелиб олган ғоялар бундан X аср илгари ҳам кишининг қалб покизалигини, ҳақгўйлигини, ҳалоллигини, мардлигини, ориятлилигини, камтарлигини, вафодорлик каби инсоний хислатларини улуғлаган. Ин-

сонга хос бўлмаган номардлик, вафосизлик, нодонлик, ориятсизлик, бузуқлик, ноҳақлик, ёлғончилик, кўролмаслик, худбинлик каби иллатлар ҳақида ҳам тўхталиб, бундай кишилар жамият ривожига тўсқинлик қиладилар ва охир-оқибат уларнинг ўзлари ҳам нобуд бўладилар, чунки ҳар доим яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилган, дейди.

Оллоҳнинг иродасини қарангки, Ўзбекистон халқи тарихнинг биринчи минг йиллигидан иккинчи минг йиллигига ўтиш жараёнида ҳам таҳликали, таҳдидли бир даврни бошдан кечирган эди. Унда марказлашган Сомонийлар давлатининг Қорахоний ва Ғазнавийлар зарбаларидан сўнгразага келиши, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразмни ўзига тобе қилиши ва ҳоказолар содир бўлди. Иккинчи минг йилликдан учинчи минг йилликка ўтишда мураккаб глобал мафкуравий тортишув шароитида яшамоқдамиз. Чунки энди кураш, президентимиз айтганларидек, мафкура полигонларида олиб борилмоқда. У ядро қуролларида ҳам даҳшатлироқдир. Инсон қалби учун бўлган мафкуравий кураш майдонининг чеки-чегараси йўқ. У ҳар қандай тўсиқдан ошиб ўтиши ва қалбларга кириб бориши мумкин. Унинг шакли бошқа ю, мазмуни бошқа бўлиши ҳам мумкин. Шу шаклга маҳлиё бўлган содда қалб ўзгалар мутесига айланиши мумкин.

Мустақил юртимизнинг миллий истиқлол ғояси келажак сари етакловчи буюк ижтимоий-ғоявий омил экан, уни ёшлар шуурига сингдиришда аждодларимиз қолдирган ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, инсоний хислатларни тарғиб этиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

*Д. Муитов,
Узбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши Академияси*

ЁШЛАР ВА МИЛЛИЙ ИСТҚИЛОЛ МАФКУРАСИ

Поёнига етган космос асри бўлмиш XX асрнинг сиёсий жараёнлари тарихига ва унинг бугунги кундаги давомига назар ташлар эканмиз, ҳозирги паллада мамлакатимиз нақадар мураккаб ва масъулиятли тарихий даврни бошидан кечираётганлигига яна бир бор амин бўламиз. Шу жиҳатдан олиб қараганда, шубҳасиз, ҳар бир халқ, миллат доимо ўз тараққиёт йулини топишга интилади, шу йўлда изланади, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳарқат қилади, табиийки, булар қаторида ушбу жараёндаги ёшларнинг ўрни ва ролининг моҳиятини очиб бериш ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаш зарурдир.

Қолаверса, ўзининг сиёсий қўлами, доирасига кўра барқарор кўринса-да, лекин жуда кўп мураккаблик ва зиддиятларга бой бўлган бугунги кундаги вазиятда ёшларнинг анъанавий ижтимоий-сиёсий институтларга муносабати қайдаражада уйғун бўлмоқда, мустақил жамият, суверен давлатнинг ёш фуқаролари нима билан яшаяпти, нафас оляпти, уларнинг дунёқараши, тафаккури қайси қадриятлар ҳисобига том маънода бойитилмоқда ёки тўлдирилиши зарур.

Албатта, бу каби масалаларга ҳозирги пайтга келиб янги, илмий асосланган миллий мафкура жавоб топиши лозим, у жамиятимизнинг барча фуқаролари қатори ёшларнинг ҳам туб ижтимо-

ий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатлари ҳамда мақсадларини аниқлаб бериши; уни амалга оширишнинг ҳусусий, сиёсий, демократик тартибларини вужудга келтиришда туртки бериши лозимлиги хусусида турфа хил фикр-мулоҳазалар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Назаримда, бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётган, ўзининг тобора мустақил, суверен сиёсий позициясини аниқлаб, уни кучайтиришга интиляётган Ўзбекистон номи билан аталмиш давлатда жамиятимизнинг бугунги ўта нозик, заргарларга хос усталик билан ёндошишни талаб қилувчи ёшлар муаммосининг таҳлилини мавжуд вазиятлардан келиб чиққан ҳолда бошламоқ лозим.

Маълумки, ҳар қандай тарихий давр бошқа даврларга нисбатан ўзига хос специфик вазиятларга кўра фарқланади.

Вазиятлар эса, бизнинг тафаккуримизда фойда ёки зарар келтирувчи меъёр ёхуд имкониятларни ўзида қамраб олган воқелик сифатида конкретлашади.

Мустақилликни қўлга киритиши ўзбеклар жамияти учун унинг бутун тарихида буюк сиёсий, тарихий воқелик бўлди. Янги давлатчилик тикланди.

Муҳолифларимиз томонидан мустақилликнинг қўлга киритилишини 90-йилларнинг бошларида собиқ СССР ҳудудида гўёки қулай фурсат, сиёсий вазиятнинг юзага келиши билан боғлашга, шу туфайли мафкуравий агрессияга ва ғоявий бибурдликка йўл очиб беришга интилишлар бўлганлиги қўпчиликка маълум.

Бу давр - Оврупода иккита немис давлатининг бирлашуви, Чехословакиянинг иккига бўлиниши, Югославиядаги янги давлатларнинг шакл-

ланиши ва СССРнинг парчаланишидан кейин сиёсий маданиятининг етишмаслиги ва бошқа муҳим сабабларга кўра, миллий-этник низолардан учқун олган Косово, Тоғли Қорабоғ, Грузия, Тожикистон, Афғонистондаги каби можаролар юзага келган давр сифатида характерланади.

Биз учун мустақиллик каби буюк сиёсий неъматни инъом этган бу давр халқимизга унинг азалий орзу-умиди бўлмиш эркинликни, миллий ўзлигини тиклаб берди. Шу билан бирга, бу давр ёшларимизга сен ким эдинг ва ким бўлдинг, деган бир кўринишда жўн, содда, лекин муҳим сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб саволни ўртага ташлади.

Натижада, эски тузум таъсири, тушунчалар камёблиги, шарқона таълим-тарбия, сиёсий, ҳуқуқий онг, шу вазиятга мос теран, жиддий, мулоҳазаларга бой тафаккури шаклланмаган ёшлар оммаси ва шу доира атрофидаги маълум бир чегараланган ижтимоий-сиёсий муаммоларни акс эттирувчи вазият қалқиб юзага келди.

Вазиятнинг қалтислиги шунда эдики, Афғонистон ва Тожикистондаги сиёсий беқарорлик, фуқаролар уруши ва бу ердаги уруш олови бизнинг сарҳадларимизда ҳам Фарғона, Ўш, Ўзган, Гулистон, Паркент, Бўка воқеаларининг давоми сифатида ёйилиши ҳеч гап эмас эди.

Нега энди бу каби вазият, айнан, МДХнинг бошқа мустақил давлатларида юзага келмади. Болтиқбўйи, Татаристон, Бошқирдистон каби республикалар ёшлари ҳам тоталитар муҳитда тарбия топгани, уларда ҳам ўзларига хос иқтисодий- ижтимоий қийинчиликлар тўлиб-тошиб кетгани, янги жамият томон бўлган интилишдаги зиддиятларнинг таранглашиб кетганлигини; ёш-

лар ўртасида фоҳишабозлик, наркомания, турли хил секталарга оғиб кетиш, жойларда нацистик кўринишдаги ёшларнинг ярим-ҳарбий ташкилотлари кўзиқорин каби кўпайиб бораётганлигини бу борада мисол сифатида келтириш мумкин.

Лекин муаммони ойдинлаштириш учун жавобни, авваламбор, маълум маънода биз яшаётган маконда вужудга келган геосиёсий вазиятдан қидирмоқлик жоиз, деб ўйлайман.

Ушбу даврга келиб, жумҳуриятнинг ҳар бир учинчи фуқаросини 14-30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилдики, натижада диний фундаментализм намоёндалари, уларнинг ортида турган кучларнинг мўлжали, нишони, айнан, жамиятнинг мана шу қатлами томон қаратилди.

Бу борада ёшлар кўпроқ максимал фикрлайдиган, турли хил эмоция ва амбицияларга тез учадиган демографик қатламдан иборат эканлигини таъкидлаш жоиз. Одатда, мўлжал, асосан, рақибнинг нозик, буш томонларига берилиши лозим, деган гапни кўп эшитамиз. Шундай бўлди ҳам: юзага келган мафкуравий бушлиқ натижасида ишлар оу пайтга келиб зўр бериб мафкуравий экспансия, диний-фундаменталистик, миллий-нигилистик ғоялар томонидан турли хил йўллар билан нишонга олина бошланди.

Бу масаланинг бир томони эди. Муаммонинг иккинчи томони шундай эдики, у ҳам бўлса, ҳар бир мустақил миллат, халқнинг миллий илмий асосланган мафкурасини жонлантириш, уни замонавий куч-қудратни намоён қила олувчи воҳита сифатида шакллантириш ва маънавий раҳнамолар, зиёли олимлар томонидан ташвиқот-тарғиботини кучайтиришга боғлиқ бўлиб қолди.

Назаримда, муаммога бу тарзда ёндашув қуйидаги саволларни келтириб чиқаради:

— биринчидан, ёшларнинг турли гуруҳ ва табақаларини ўрганиш лозим, шу тартибдагина уларнинг туб ижтимоий мақсад ва манфаатларини ақс эттирувчи миллий мафкура ишлаб чиқиш зарур;

— иккинчидан, жамиятда ёшларнинг психологияси, дунёқараши ва талаб-истакларини ўрганувчи муҳим тезкор социологик тадқиқотлар ўтказувчи ташкилотларга муҳтожлик сезилмоқда;

— учинчидан, ёшларнинг илғор қисми мавжудми, мавжуд бўлса, улар билан конкрет ким шуғулланаяпти; ёш етакчиларни қидириш, уларнинг фаолиятини тарғиб қилиш, масалан, спорт, бизнес, илм-фан, махсус хизматдаги довюрак ёш замондошлар, ўтмишдаги тарихий персонажлар ва ҳоказоларга тавсиф бериш;

— тўртинчидан, энг асосийси, бугунги кунга келиб, эркин фикр ва бу борада меъёр, чегара хусусидаги барча мавжуд илмий технология, сиёсий, ҳуқуқий маданият соҳасидаги конкрет хулосалар мажмуасини тарғиб қилувчи структураларнинг ишларини рағбатлантириш, жонлантириш лозим бўлади.

Мамлакатнинг стратегик келажаги, бугунги кунда ҳали ҳамон дунё мўрт, қалтис сиёсий вазиятларга бой, локал конфликтлар ва уюшган жиноятчиликнинг таҳдиди, энг ёмони, ўзимизда, ўзимизга хос бўлган ўтмиш сарқитлари сифатида мерос бўлиб ўтган бирлигимизга ҳамма вақт тажовуз қилиб турувчи маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатларимиз мавжуд экан, ушбу муаммоларга, авваламбор, келажак авлод тайёр бўлмоғи ва шу тариқа унинг устида қайғурмоғи лозим деб ўйлайман.

Яқинда мен ўзим ишлаётган Ўзбекистон янги

тарихи марказининг ёшлар билан ўтказилган учрашувларида иштирок этишга муяссар бўлдим. Республика нафис санъат лицейи ўқувчилари, сўнгра “Фидойи ёшлар” клуби билан биргаликда олий ўқув юрти талабалари томонидан ташкил қилинган. “Она-ватан тарихи саҳифаларига саёҳат” мавзусида ўтказилган давра суҳбати қуйидагиларни кўрсатди: иккала учрашув мобайнидаги ўтмишимиз тарихига бўлган қисқача сафар муҳим сиёсий-тарихий воқеликларга, миллатнинг ўтмишидаги фидойи инсонлари хусусидаги баҳс-мунозараларга бой бўлди. Мулоқотнинг бевосита демократик, эркин фикр алмашиш услубида олиб борилганлиги, ҳар қалай, тарихчи олимлар ва ёш тингловчилар ўртасида яқинликнинг пайдо бўлишига, бу яқинлик эса ёшларга ҳар қайси тарихий давр ва воқеликка ўз муносабатини очиб, эркин, баҳс маданиятига риоя қилган ҳолда билдиришига имкон яратди. ҳар қалай, олий ўқув юрти талабалари билан бу тарздаги давра суҳбатидан сўнг кишида мамнунлик ҳисси уйғонади, ўзининг қилаётган илмий ишларингга меҳр-муҳаббат ортади, қайсидир маънода пайдо бўлган ғурур, ифтихор ҳис-туйғулари туфайли қалбнинг энгилликни ҳис қила бошлайди. Эркин фикрли ёшларимиз қуп экан-ку, қабилидаги тасаввур пайдо бўлади.

Аммо, эътибор берган бўлсангиз, гап фақат олий ўқув юрти талабалари ёки том маънода миллатнинг маънавий келажагига пойдевор қўювчи нафис санъат лицейининг талантили шогирдлари хусусида борди. Ишлар муаммоси “Чуқур мулоҳазани талаб қиладиган маълумотларга” дуч келаётганлигини айтиш жоиз. Булар қаторига қишлоқлар, пахта майдонлари, ҳарбий хизмат, маҳалла-кўй, Тошкентдаги отчопар каби Ватани-

мизнинг турли жойларида тирикчилик қилиб юрган ўспирин, қизларнинг ҳис-туйғулари, тафаккури, уларнинг ўтмиш ва келажак ҳақидаги тасавури, фикрлай олиш, баҳс юритиш услубияти, сиёсий ва ҳуқуқий онгини қай тартибда шакллантириш ва жонлантириш муаммоларини кун кеча йўлбошчимиз томонидан - вақт ва вазиятдан келиб чиқиб зудлик билан ҳал қилиш кун тартибига яна бир бор қўйилаётганлиги бежиз эмас. Албатта, 28-29 баҳорни қаршилаган тенгдошларим қатори, менинг ҳам келажак ва бугунги кун ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларим, тасаввурларим, ният ва истакларим бениҳоя чегарасиз бўлиши мумкин.

Ва шу лаҳзада, менда “Сен ким эдинг, ким бўлдинг, ким бўласанқ” - дегувчи истиқлол сўроғига ҳамиша меъёр ва чегара мезонларида жавоб қидирмоқлик афзалмикан, деган тушунча пайдо бўлди. Сирасини айтганда, Давлатнинг куч-қудрати ҳам ёшларнинг ҳар бир соҳа ва йўналишларда меъерий тушунчаларни қурол қилиб маънавият ва интеллект дунёси томон интилишидандир, деб ўйлайман. Ҳар қалай, кичкинтой укаларимиздан, фарзандларимиздан, сен ким бўласан? - деган саволга “мен ўзбек астронавти бўламан!” - қабалида жавоб эшитишга муштоқмиз. Бу оптимистик орзу-ҳавас менга доимо куч-қувват бағишлаб туради.

Ёшлар ҳаракати ҳам миллий мафкура билан биргаликда келгуси авлодга, авваламбор, шу каби туйғуларни шакллантиришда ёрдам бериши керак, деб ўйлайман.

Э. Қосимов

*Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих
Институти, тарих фанлари номзоди, доцент*

“БЎЛИБ ОЛ ВА ХУКМРОНЛИК ҚИЛ” СИЁСАТИНИНГ МАФКУРАСИ

Империячилик сиёсати ва миллатлар.

Асрлар давомида империячилик сиёсатининг бош йўналиши бўлиб келган “Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил” тамойили барча агрессив давлатларнинг сиёсий тарихида учрайди. Бу тамойил инсоният тараққиётига турлича таъсир этиб келди.

Бу империявий сиёсат расмий давлат маъмурлари томонидан уюштирилган, ташкил этилган бўлса-да, амалда оддий фуқаро ва ҳарбий кучлардан фойдаланиш асосида бажарилиб, қатор сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликларни туғдирган.

Бугунги инсоният цивилизацияси империя сиёсатининг туб моҳиятини очиб ташлади. Мустақил давлатларнинг мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлиги “Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил” сиёсатининг инқирозини кўрсатмоқда. Айни вақтда бу сиёсат янгича бир кўринишда намоён бўлаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу ҳақда Президентимиз “Фидокор” газетасининг муҳбири саволларига жавобида шундай таъкидлади: “Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади”. Бугунги кунда мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер қуррасини бир неча бор яқсон қилишга етади. Бироқ мустабид совет империяси исқан-

жасидан халос бўлганимиздан кейин ён-атрофимиздаги катта, кучли давлатлар, турли сиёсий кучлар ва марказлар ёш мустақил мамлакатлар худудини “бўшлиқ” деб фараз қила бошлади ва инсонлар қалби, онгини эгаллаш учун мафкуравий курашни кучайтириб юборди.

Европа “Уйғониш даври”нинг буюк файласуфи Никколо Макиавелли: “Тил, урф-одати бошқача бўлган ўлкани мустамлака қилиб туриш учун катта куч ва талант керак бўлади ёки ушлаб туришнинг энг қулай ва тўғри йўли ўша жойга кўчиб, жойлашиб яшаш”, - деган эди.

Ўрта асрларда шундай ҳам бўлди. Кейинчалик Чор Россияси Марказий Осиёни босиб олган пайтда ҳам шундай йул тутди.

Барча империялар ўз сиёсатини бир-бирига боғланган уч асосга қуришди. Иқтисодда – босиб олинган ўлка иқтисодига эгалик қилиш, сиёсатда - дунёга ҳукмронлик қилиш; маънавиятда - мазлум миллатнинг маданиятини бўғиш. Дарҳақиқат, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилади. Бу жараёни алоҳида империя давлатлари тимсолида кўриб чиқамиз.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистон Россиянинг ҳақиқий мустамлакасига айлантирилди. Чор ҳукумати ўлкани ўзлаштиришга киришди, хомашёни олиб кетиш ва тайёр маҳсулотни келтириб сотиш ҳамда ўзи босиб олган ерларни ташқи кучлардан ҳимоялаш учун темир йўллар қурди, ҳарбий истехкомлар барпо этди. Мирзачўлни ўзлаштириш учун каналлар қаздира бошлади. Крепостнойликдан озод бўлган Русиядаги дехқонларнинг бир қисмини имтиёзли ваъдалар бериб Туркистонга келтиришга қарор қилди. Бир ўқ билан икки қуённи отишни мўлжал-

лаган чор ҳукумати ушбу тадбир ёрдамида, биринчидан, ерсиз рус деҳқонларидан осон қутилишни, иккинчидан, Туркистонда рус аҳолиси миқдорини аста-секин кўпайтириб, ўлкада ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашни кўзлади ва, афсуски, бунга эришди.

Қишлоқ хўжалигининг айрим тармоқлари бирмунча ривожланди. Саноат вужудга келди. Темир йўллар қурилди, фан-техника марказлари пайдо бўлди. Аммо, синчиклаб қарасангиз, ушбу ўзгаришлар, кўп жihatдан, Туркистон ўлкасини тобеликда сақлаб қолиш мақсадида қилинганлигини пайқаш қийин эмас.

Хомашё манбаи сифатида ўлкадан узлуксиз фойдаланиб, хоҳласа сийлаш, хоҳласа жазолаш сиёсатини олиб борган, шу сиёсатни қўллаб-қувватлаган бир қанча ўлка генерал-губернаторларини мисол келтириш мумкин. Масалан: Фарғона харбий губернатори генерал-лейтенант Н. И. Королков Туркистон аҳолисининг маънавий-рухий ҳолатига таъсир ўтказиш ишини мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлган мадрасалардан бошлашни таклиф қилди ва олий ўқув юртлари ҳисобланган мадарасаларда рус тилини ўқитиш ғоясини илгари сурди. Бу ғоят нозик ва қалтис тадбир зуравонлик билан эмас, аксинча, ихтиёрий, кўнгилли асосда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Шу мақсадда рус тилига устуворлик таъминланди. Сўнгра мансабга даъвогар кишилардан фақат русчани биладиганларини юзбоши, қози, оқсоқол ва мингбоши каби лавозимларга тайинлашни жорий этди. “Бу тадбир, - деб ёзган эди генерал, - мадрасалар эшикларини рус ўқитувчилари учун кенг очди. Ана шунда биз мадрасалар деворлари ортида нималар бўлаётганидан бохабар бўлиб турамыз”.

Мустамлакачилар ҳукмронлик қилишнинг энг қулай йўли деб миллатларнинг мавжуд маорифини бузиб, бўлиб ташлашни афзал кўришган. Шу фикрга асосланиб маориф билан диний таълим бўлиб ташланди, илм билан эътиқод бир-биридан ажратилди. Инсонлар аста-секин айри йўлга кирдилар.

Маориф ва маданиятда айриликка эришган Туркистон генерал-губернатори И.А.Куропаткин ўз кундаликларида бу ҳақда: “Биз 50 йил туб аҳолини тараққиётдан четда, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик”, — деб мағрурона ёзганда, “бўлиб ол ва ҳукмронлик қил” сиёсатига амал қилганини англаш бугунги кунда қийин эмас.

Империя маркази унинг бу таклифини қўллаб-қувватлаб, 1893 йил ноябрида тайинланган Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийга маҳаллий маъмурият рус амалдорлари билан ёзишмаларни рус тилида олиб бориши таъминланишини буюрди. Генерал-губернатор маҳаллий бошқарувдаги мансабларга фақат рус тилини билувчиларгина танланажagini эълон қилган.

Босиб олинган ўлкаларда жойларнинг номини ўзгартириб, ўз тилидаги номларни қўйиш собик Иттифок даврида кенг қўлланилган.

Қарангки, ўлкадаги туманларнинг 35,2%и, қишлоқларнинг 17,4%и ёки 212 таси русча номланган экан. Маъмурий жойларни номлашда ўзига хос хусусиятга эга бўлинган эканки, 44 та “Ленин”, 17 та “Киров”, 15 та “Калинин”, 10 дан ортиқ “Коммунизм” ва “Комсомол” номлари билан туман ва қишлоқларимиз аталган экан.

Бу эса топонимик луғатда кўпгина номларнинг йўқолишига олиб келди, “буюк шахсларни” ва “шахсчаларни” улуғлашнинг ўзига хос йўлини келтириб чиқарди. Натижада ўлкада шаклланган

жамият демократик жараёнларни бўғиб, авторитар тузумнинг мустаҳкамланишига хизмат қила бошлади.

“Бўлиб олиш ва ҳукмронлик қилиш” сиёсатининг амалга ошиши учун хизмат қилувчи янги усуллардан бири халқ ҳужалигини бошқаришда хизмат қиладиган кадрларнинг асосий қисмини марказдан юбориш бўлди. Бу “бегона” миллатга бўлган ишончсизлик шу ишончсизликни уйғотган миллатга нисбатан ҳам шундай ишончсизлик, шунингдек, унга қарши нафрат ҳам, исён ҳам уйғотади. Бунга тарих шохид.

“Учлик” ва “олтилик”

30-йилларда Империя сиёсатининг кадрлар масаласини хал қилишдаги кўриниши шундан иборат бўлдики, республикалар, ўлкалар, вилоятларда “учликлар” тузилди. Бунда Республикалар КП МК лари ўлка, вилоят комитетларининг биринчи секретарлари бошчилигида, прокурорлар ва Ички ишлар халқ комиссарлигидан ёки Давлат сиёсий бошқармасининг бшлиқларидан иборат гуруҳ кадрлар тақдирини хал қилар эди. Улар амалда суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа идоралар урнини босди. Ички ишлар бошқармаси, ДХК муайян шахс ёки гуруҳ устидан жиноий иш тайёрлар эди. Сунгра “учлар” Биринчи секретарнинг ҳузурида йиғилишиб, ишни кўриб чиқар эди. Мазкур учлик ишни кўргандан сунг прокурорлик идоралари шахс ёки гуруҳни қамоққа олиш учун рухсат беришга мажбур эдилар, трибуналлар ёки махсус тузилган идоралар кучи билан терговдан сунг очик ёки ёпик суд қилинар эди. Ҳукм ҳам шу тахлитда чиқарилар эди. Бунинг натижасида одамлар отиб ўлдирилар ёки турли муддатларга Сибирга ва бошқа жойларга сургун қилинар эди.

“Олтилик” — айниқса, уруш даврида, урушдан кейинги дастлабки йилларда Сталинга яқин бўлган (Молотов, Шчербаков, Жданов, Маленков, Берия) кишилар гуруҳи. Улар ҳар қандай масала бўйича қарор ёки кўрсатмаларни олдиндан муҳокама этиб, ўзаро келишиб ДМК, МК, Ҳукумат ёки Олий Совет Президиуми номидан эълон қиларди.

Шундай усуллар асосида тоталитар тузум шаклланди; у кўп халқларни, ҳатто, айрим бир миллат фарзандларини бир-бирига ёвлаштириб, ажратиб ташлашга ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам. Оқибатда, миллат томирлари қуриб, мустамлакачилар зулми остида қул бўлиб қолиш, қарам бўлиш ҳоллари кўп учрайди.

Чунки жамиятда мустақил мамлакат халқи ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқравшан белгилаб олмас, миллатнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзига хос хусусиятларини мужассам этадиган ғоялар атрофига бирлашмас экан, мавжуд тузумда инсон табиатидаги ваҳшийлик, ур-йиқит, зўравонлик инстинктлари ғолиб чиқиши учун шароит туғилади.

Тарихда ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар; сиёсий, миллий, диний оқимлар; мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, конли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлганлигини кўрганмиз.

Дунёни иккига бўлиб ташлаган марксча-ленинча мафкура зулм ва зўравонликка, фирромлик ва сохтакорликка асосланганлигини яхши биламиз, шунинг учун жаҳон ҳамжамиятидаги тараққий-парвар кучлар ундан юз ўгирди.

Совет империяси — сўнги империя

Барча даврларда буюк империя ўзининг босқинчилик сиёсатини хаспушлаш учун маҳаллий аҳолини саводсизликда ва мустақил бошқаришга қодир эмасликда айблаб келган. Туркистон халқининг саводхонлиги Россия аҳолиси саводхонлигидан қолишмас эди.

“Шовинистик қараш ва ғоялар захри билан бутун вужуди қопланган великорус миллат вакиллари маҳаллий аҳолига паст назар билан қарадилар, - деб ёзади ўлкадаги инқилобий ҳаракатлар қатнашчиси Д. Манжара, - хатто, улар орасидан чиққан коммунистларга ҳам ишонмадилар, баъзида уларни мажлис ва йиғинлардан чиқариб юбориб, ўзлари бирор қарор қабул қилар эдилар”. Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, маҳаллий аҳоли ҳар қадамда, ҳар дақиқада ўзларига нисбатан ишончсизлик ва душманликни, аёвсизлик ва ёвузларча ваҳшийликни кўрдилар. Бунга бизнинг баъзи кишиларда учрайдиган ўзига хос бир хусусият, яъни кўпроқ раҳбар шахнининг муносабатига қараб ўзининг шакл-шамойилларини ўзгартириш далда берди. Доноларнинг, тобеликка майли бор одамга туз бердинг нима тахт бердинг нима? — деган нақли ана шундайлар ҳақида бўлса керак. Ундайлар қуйи мансабда бўлсин, юқори мансабда бўлсин, мустақил фикр юритиб, халқни ўйлаб иш қила олмайди, чунки уларда тобеликка майл бўлади. Бу сиёсат оқиба ти миллий инқирозга олиб келишига ақли етганларигина ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлса озодлик ва эркинликка эришиш, фақат миллий гурурни уйғотиш орқали уларнинг кўзини очиш мумкинлигини англадилар, холос.

Бироқ бугунги кунда иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларининг фаолиятини сиёсийлашти-

ришга, харбий-сиёсий тузилмаларга айлантиришга бўлган уринишларни империячилик сиёсатининг жон талвасасида қилаётган ҳаракати деб баҳолаш мумкин. Бундай сиёсат юритаётган давлатларга нисбатан Ўзбекистон Президенти инсоният истиқболи хавф остида қолаётганлигидан ташвишга тушиб, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарларининг IV учрашувида “ўз моҳияти, ўз номи ва вазифаси бўйича иқтисодий, гуманитар ва коммуникацион муаммоларни ҳал этиш лозим бўлган бу анжуманни турли сиёсий баёнотлар минбарига айлантириш мумкин эмас”, - дея катъий фикр билдирди.

Бундай ҳамкорлик ташкилотларининг мақсадлари олийжаноблиги ва бир-бирига самимий ёрдамга асосланганлиги, давлатларнинг ўзаро иқтисодий бирлигини вужудга келтиришга қаратилганлиги империячилик сиёсатининг таназзули эмасми.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил” услубидан фойдаланиб ўз бошқарувини шакллантирган давлатлар узоқ давр мобайнида таъқиб, зулм, қирғинларни бир тизимга келтиради, оқибатда, жамиятда қаттиқ кўрқув ва ваҳима ҳукмрон бўлади. Инсон руҳи майиб ҳамда кўрқоқ бўлиб қолади.

Инсон онгининг ривожини бундай сиёсатнинг давом этиши нафақат жамиятга, балки атроф-муҳитга ҳам жуда катта зарарлигини англаиш имконини берди. Энди асло бу хатолар такрорланмайди.

Н.С. Мамажонова
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси, Фалсафа ва ҳуқуқ
институти, аспирант

МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА ЁШЛАР КАМОЛОТИ МУАММОЛАРИ

Маънавий мерос инсоният томонидан тарихий тажриба давомида яратилган маънавий бойликларни тўплаш ва авлоддан-авлодга етказишдир. Бу маънавий бойликлардаги у ёки бу миллатга хос бўлган белгилар мажмуи миллий меросни ташкил этади.

Собиқ Иттифок давридаги кўп йиллик “интернационалистик” сиёсат натижасида миллий маданиятлар ўз ўрнини кўпроқ Европа халқлари маданиятига бўшатиб бера бошлади, аниқроғи, уларнинг таъсири кундалик ҳаётимизга кўпроқ кириб кела бошлади. Марказнинг бир томонлама сиёсати туфайли миллий маданиятимизга муайян путур етди. Асрлардан буён миллий маданиятимиз намуналари сифатида савлат тўкиб турган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Қўқон ва Хўжанд шаҳарларидаги тарихий обидаларга маълум даражада эътибор берилган бўлса-да, миллий мерос борасида жиддий камчиликлар ва бирёқламаликлар мавжуд эди. Жумладан, миллий тарихий обидаларнинг қимматбаҳо безаклари Россия хазинасини бойитиш учун ташиб кетилган эди. Улар ҳозиргача Москва ҳамда Санкт-Петербург музейларининг бойлиги сифатида сақлаб келинмоқда. Ҳозирги Туркистон шаҳридаги хазрат Аҳмад Яссавий мақбарасига тегиш-

ли дошқозоннинг ҳам Санкт-Петербург шаҳри музейига олиб кетилиши бунга ёрқин далилдир. Бу қозон жамоатчилиқнинг талаб ва сўровлари натижасида 1992 йили қайтариб олиб келинди ва ҳозир бобомиз Аҳмад Яссавий мақбарасига кўрк бағишлаб турибди. Бундай тарихий обидалар, қимматбаҳо безаклар Марказий Осиё республикалари тарихига алоқадор миллий меросимизнинг намуналари сифатида ўз ватанида сақланмоғи ва кўз қорачиғидек асралмоғи лозим.

Тўғри, яқин ўтмишда ҳам маданиятимиз муайян даражада юксалди, турмуш шароитимиз яхшиланди. Лекин буларнинг ҳаммаси миллий урф-одатлар билан ҳисоблашмасдан, ёппасига социалистик маданиятни жорий этиш ҳисобида кириб келди. Миллий республикаларда улкан бино ва иншоотларни қуришда ўша миллатга хос хусусиятлар ҳам ҳисобга олиниши керак эди. Бир ёқлама сиёсат натижасида миллий маданиятимиз курама маданиятга айланиб қолаверди. Собик марказ эса миллий маданиятимизни оёқ ости қилиш билан бир қаторда, тарихий обидаларимизни таъмирлаш учун ҳам иттифоқ бюджетидан етарли миқдорда маблағ ажратмади. Марказга яқинроқ ҳудудга алоқадор тарихий обидаларга миллионлаб маблағ ажратган шароитда ҳам Марказий Осиёдаги тарихий обидаларни таъмирлашга кам эътибор берилди. Масалан, ўн учинчи беш йиллик режаларида Новгород шаҳридаги тарихий обидалар ҳамда осори атиқаларни тиклаш учун 40 миллион сўм ажратиш кўзда тутилган бўлса, тарихий шухрати Новгородникидан қолишмайдиган Шаҳрисабздаги тарихий обида осори атиқаларини тиклаш учун атиги 300 минг

¹ "Мулоқот" журнали 1991 йил, 1-сон, 21-бет.

сўм ажратиш кўзда тутилган эди, холос.¹ Ҳатто, халқаро ҳамжамият ЮНЕСКО ажратган катта маблағларнинг кўп қисми Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидаларни таъмирлаш учун етиб келмас, балки марказда қолиб кетар эди. Ҳаттоки, юртимизга ташриф буюрадиган саёҳатчи ва туристлардан тушган валюталар ҳам марказ тасарруфида эди. Мана шундай бир томонлама сиёсат натижасида тарихий обидаларимиз, миллий маданиятимиз инқирозга юз тута бошлади. Халқнинг илғор қисми бўлган зиёлиларнинг оғзини эса қалтабин сиёсат боғлаб ташлаган эди. Тўғри, зиёлилар орасида жасур, миллий урф-одатлар учун курашувчи кишилар ҳам мавжуд эди, бироқ, ушбу муаммоларни кўтариб чиққан мустақил фикр соҳиблари мавжуд сиёсат қозонида қайта “тарбияланиб”, фақатгина “қолипдаги идеал”ларга содиқ бўлган манқуртларга айлантирилар эди. Ана шундай сиёсат натижасида бизнинг тарихий меросимиз ва миллий маданиятимиз четга сурилиб, муайян даражада ҳаётимизга мажбуран ўзга маданият тикиштирилди, миллий маънавият “дарз” кетди, аждодларимиздан қолган урф-одатларнинг бир қисми нутилди. Халқимизнинг миллий-тарихий байрамларидан кўр-кўрона воз кеча бошладик. Етмиш йил мобайнида баъзи миллий анъаналаримизга хурофот сифатида қаралиб, айрим байрамларимиз ҳамда халқ сайиллари ҳукумат томонидан таъқиқлаб келинди. Натижада баъзи анъанавий, миллий, мавсумий байрамлар ҳамда урф-одатлар нутилиб кетди. Миллий мерос борасида қайд этилган юқоридаги ҳолатлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатди. Уларнинг кўпчилиги тарихий меросимизнинг кўпгина саҳифаларидан беҳабар бўлиб қолдилар,

маънавий онглари эса бир ёклама бўлиб қола бошлади. Биз ўтган етмиш йилликда меросимиз борасидаги барча фаолиятни бутунлай қораламоқчи эмасмиз. Унинг ҳам ўзига хос ютуқлари бор эди, аммо ўша тизим раҳбарларининг нотўғри сиёсати туфайли миллий маънавиятимиз қашшоқлаша борди, уни сақлаш, тарғиб қилишда бир томонламалик вужудга келди.

Табиийки, кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам нутилаёзган миллий байрамларимиз тикланди. Ҳозирги мустақиллик шароитида ҳар бир халқнинг миллий мероси, анъана, қадрият ва байрамларига кенг йўл очиб берилмоқда. Бу соҳадаги ишлар эндигина ривожланмоқда. Маънавий йўқотишларимизни тиклаш борасида ҳали куп ишлар қилишимиз лозим. Нутилган миллий-тарихий байрамларимиз аجدодларимиз томонидан кўп асрлардан буён сайқал берилиб, нишонланиб келаётган тадбирлар эди. Бу байрамлар барча миллий урф-одатларни ўзига сингдирган бўлиши билан биргаликда, ўлкамизга хос бўлган мавсумий пишиқчиликларни ҳам ифодаловчи сайиллар эди. Эндиликда тарихий байрамларимиздан Наврўз ўз қадрини тиклади. Миллий, тарихий байрамларимиз бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб туради. Наврўз баҳор бошланиб, борлиқ уйғонаётган, кун билан туннинг тенг бўлган палласи, яъни 21-22 мартда байрам қилинади. Мевалар ғарқ пишган палла, 22-23 сентябрларда “Меҳржон” (ёки Нимсарда) байрами, қишда- туннинг энг узок, куннинг эса энг қисқа вақтга тўғри келишида - тахминан 22 декабрда - “Сада” байрами нишонланади. Булардан ташқари, аجدодларимиз исломнинг диний байрамлари Руза ва Қурбон хайитларини ҳам нишонлаб келганлар.

Юқоридаги байрамлардан ташқари, аждодларимиз баҳор фаслида, борликни қизғалдоқлар қоплаганда “Лола сайли” байрамини, илк баҳор онларида “Уруғ қадаш” байрамини, саратондаги пишиқчилик даврида “Қовун сайли”, “Узум сайли”, “Анор сайли” каби тадбирларни, экилган ҳосил муваффақиятли йиғиб олинган куни “Ҳосил байрами”ни ҳам ҳақиқий миллий шодиёна сифатида нишонлаганларки, булар ҳам миллий маънавий меросимизнинг намуналаридир. Аждодларимизга хос бўлган бу байрамлар халқларимиз орасида кенг тарғиб қилинмоқда. Зеро, бугунги миллий мустақиллик ана шундай бўлишини тақозо этади. Шунини ҳам қайд этиш лозимки, юқоридаги байрамлар фақат битта миллатники бўлиб, бошқалари учун ёт эмас. Улар бутун Марказий Осиё халқларининг байрамидир. Рўза ва Қурбон ҳайитларини эса жаҳоннинг ярмидан кўп мамлакатлари нишонлайдилар.

Бир қатор байрамлар борки, улар туркийзабон ҳамда форсийзабон халқларнинг муштарак байрамларидир. Чунки бу халқларнинг миллат сифатида тарихий шаклланиш жараёни бир-бирларига жуда ҳам яқин бўлиб, бу бевосита турмуш тарзи, урф-одати ҳамда анъаналарининг муштараклигида ҳам намоён бўлади. Бу борада умуммиллий байналминал байрам ва тадбирларнинг кенг йўлга қўйилиши нафақат ёшлар маънавиятини шакллантиради, балки, миллатлараро ҳамжихатликни мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Демак, маънавий меросимиз, анъана ва байрамларимиз ҳамда мақсадларимиз муштараклиги боис Республикамизда яшаётган барча халқ ва элатларни юқоридаги унутилган миллий-тарихий анъаналаримизни биргаликда тиклаш ишига тўла

сафарбар қилмоғимиз лозим. Бу савоб ишда халқларимиз онгига миллий удумларнинг афзалликларини сингдириб бориш жуда муҳим. Чунки халқомонидан яратилган, ҳаётий эҳтиёжга мосланган, минг йиллар тажрибасидан ўтиб, сайқалланган миллий удумлар ёшлар тарбиясида катта ўрин тутди. Узоқ йиллик нотўғри сиёсат натижасида биз марказдаги турмуш тарзини кўқларга кўтариб, тарихий удумларимиздан “эскилик сарқити” сифатида воз кеча бошлаган эдик. Бу маънавий йўқотишларимизнинг жабрини бугунги миллий мустақиллик шароитида сезиб турибмиз. Энди бор кучимизни бир жойга тўплаб, йўқотган маънавий бойликларимизни қайтарайлик; асрлардан буён аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган тарихий меросимиз, анъана ва удумларимиз даврухи билан янада бойиб, келажак авлодга етиб борсин. Шундагина биз виждон олдидаги қарзни адо этган, маънавий мерос ва маданиятимизни эса янги босқичга кўтарган бўламиз.

Ҳозирги даврда маънавий меросдан фойдаланиш асосида ёшларни тарбиялаш борасида илмий-социологик тадқиқ этиш лозим бўлган бир қатор масалалар бор:

1. Маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш билан боғлиқ муаммо ва вазифалар, уларни ечиш йўллари ҳамда самарали усулларини излаб топиш.

2. Маънавий мероснинг ёшлар онги ва маънавий камолотига таъсири масалаларини таҳлил қилиш. Ана шу асосда меросимизнинг турли шаклларида фойдаланган ҳолда ёшларда ватанпарварлик ва миллий ғурурни шакллантиришнинг самарали йўлларини аниқлаш.

3. Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда умуминсонийлик ва миллийлик уй-

ғунлигини таъминлаш йўлларини излаб топиш, бу жараённинг истиқболларини аниқлаш.

Мазкур ишда биз асосий эътиборимизни муаммонинг назарий жихатларига қаратдик. ЎзФТДҚ билан шартнома асосида олиб борилган тадқиқотда бевосита қатнашиш асосида тўпланган далиллар бу борадаги бир қатор масалаларни ойдинлаштириш имконини беради. Ушбу ишнинг мантиқий давоми ҳам ана шу тадқиқот натижаларига кўп жихатдан боғлиқ бўлади.



БЕЛГИЛАР УЧУН



БЕЛГИЛАР УЧУН

№ 157 311

“ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЯТ,
МАЪРИФАТ, ФАН ВА ЖАМОАТЧИЛИК
ФИКРИ”

(илмий-амалий семинарлар маълумотлари)

Масъул муҳаррир: *Убайдуллаева Р.*

Муҳаррир: *Бегматов А.*

Нашр учун масъул: *Ота-Мирзаев О.*

Верстка ва дизайн: *Аносова А.*



Теришга берилди 15.09.2001

Босишга рухсат этилди 30.10.2001. Бичими 60 x 84 ¹/₁₆

Ҳажми 7,1 босма тобоқ. Нусха 1000. Буюртма 49.

Баҳоси шартнома асосида.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ИЖТИМОИЙ ФИКР”

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ УРГАНИШ МАРКАЗИ

700 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3.